496

# ГУЛИСТОН

1 - 6
1990

Эк. №2

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

**№ 1 (479)**

**Январ**
**(Далв)**
**1990**

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
нашриёти

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳрир ҳайъати:
Сарвар АЗИМОВ,
Баҳодир АМИНОВ,
Ҳуршид ДАВРОН,
Наримон ИБРОҲИМОВ,
Ўктам МИРЗАЕР,
Эргаш МУҲАММАД
(масъул котиб),
Шомурод СИДДИҚОВ,
Саидмаҳмуд УСМОНОВ,
Азиз ҚАЮМОВ,
Оқилжон ҲУСАН
(бош муҳаррир ўринбосари)

Бош мусаввир
Т. Саъдулла
Саҳифаловчи
М. Абдуллаев
Тузатмачи
З. Турсунов

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Редакция телефонлари: бош муҳаррир — 33—35—20; бош муҳаррир ўринбосари — 33—35—90; масъул котиб — 32—58—33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33—36—02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33—36—59; мусаввирлар бўлими — 32—58—77.

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. «Правда» кўчаси, 41.

Избосканлик боғбон Раҳим ота Эгамбердиев энг яхши ток кўчатларини етиштиради.
Р. Ашуров сурати (ЎзТАГ)

ГБ УзССР
Ж 173

Экз
№3

## БУ СОНДА:

**Ҳожиакбар РАҲМОНҚУЛОВ, Омон ОҚИЎЛОВ:** ...ҳар йили 800 минг тонна тола чет элга экспорт қилинади ва 350 минг тонна тола техник мақсадларга сарфланади (ҳозирда ҳолбуки унинг ўрнига кимёвий сунъий толалардан фойдаланиш мумкин). Бошқача айтганда, 3,5—4 миллион тонна пахта хомашёси ўзининг асосий ўрни бўйича давлат эҳтиёжларига сарфланмайди.

**Юсуф ЖУМАЕВ:** *Кўзи очиқ халқ кучдир,*
*Кўзи юмуқ халқ ҳечдир.*
*Кўзи очиқ халқ учун*
*Фарзанд бўлмоқ севинчдир.*

**Сирожиддин АҲМЕДОВ:** *Санжар Сиддиқ Октябр инқилобининг ғояларини тараннум этган ўзбек миллий матбуоти, театр санъати тараққиётига улкан ҳисса қўшган, моҳир таржимон, таржимашуносликка асос солган толмас ижодкордир.*

© «Гулистон», № 1, 1990 й.

СССР халқ депутатларининг I, II съездларидаги мунозараларда жумҳуриятимиздаги пахта якка зироатчилиги ҳақида ҳам баҳслар бўлиб ўтди. Якка зироатчиликни келтириб чиқарувчи асосий сабаб — пахтага хўжаликларнинг имкониятларидан ташқари ҳажмларда давлат буюртмаси белгиланишидир. Шу сабабли ҳам давлат буюртмасининг ҳуқуқий асосларини аниқлаштириш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

СССР Министрлар Советининг 1988 йил 25 июндаги қарори билан тасдиқланган «1989—1990 йилларда давлат буюртмаларини шакллантириш тартиби тўғрисида Муваққат Низом»га асосан пахта толасига бўлган давлат буюртмасининг ҳажми СССР Давлат план шўъбаси ва СССР Министрлар Совети Озиқ-овқат ва харид Давлат Нозирияти томонидан белгиланади. Ўша Муваққат Низомга асосан давлат буюртмалари жумҳурият ҳукумати, давлат даласаноати ва тайёрлов идоралари учун мажбурийдир. Лекин давлат буюртмаларининг бевосита ижрочилари — колхозлар ва совхозларнинг шу буюртмалар асосида шартномалар тузиши ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

давлат ҳакамлигида ҳал этилади. Бу ўринда совхоз фақат ноаниқ ҳажмдаги давлат буюртмаси билан пахта якка зироатчилиги натижасида ерларнинг ориқлаши ва яроқсиз ҳолга келиши ўртасидаги сабабий боғланишнигина исботлаб бера олса бас.

Имкон даражасидан ортиқ давлат буюртмаларини рад этиш соҳасида колхозларнинг ваколатлари совхозларга нисбатан беқиёс катта. Кооперация тўғрисидаги Қонуннинг 18-моддаси, 2-бандига асосан колхоз давлат буюртмаларини қабул қилиш ҳуқуқи ўз қўлида. Ҳеч ким уларни мажбур қилишга ҳақли эмас.

Демак, колхозлар ва совхозларнинг ўзларигина пахта якка зироатчилигига барҳам бериш ҳуқуқига эга. Хўш, шундай бўлса, кўпгина колхоз ва совхоз раҳбарларининг юқори идоралар томонидан ҳаддан ташқари оширилган, имкониятлар ва қувватлар доирасидан ташқари даражада ноаниқ ҳажмдаги пахта толаси бўйича давлат буюртмаларини зўрлаб тиқиштириш, мажбурлаш ҳуқуқи тўғрисидаги ёки пахта етиштиришга нисбатан бошқа айрим экинлар, масалан, эртанги сабзавот етиштириш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган ҳолда нинг тазйиқига қарши тура олади. Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонуннинг 6-моддаси, 5-банди ва Кооперация тўғрисидаги Қонуннинг 14-моддаси, 3-бандига асосан совхоз ва колхозларнинг умумий меҳнат коллективи йиғинигина уларнинг иқтисодий ва ижтимоий планларини тасдиқлайди. Меҳнат жамоаси қабул қилишдан бош тортган ҳар қандай топшириқ ҳеч қандай идора томонидан мажбуран ижро этилиши мумкин эмас. Меҳнат жамоалари ўзларининг бу ҳуқуқларидан амалда фойдаланишни ўрганиш вақти аллақачон етди. **Хўжалик раҳбарлари ҳам шуни англаб етишлари лозимки, эндиликда уларнинг хўжайинлари юқори партия ва совет идоралари эмас, балки меҳнат жамоадир.**

Пахта толасига нисбатан давлат буюртмасининг ҳажми колхозлар ва совхозлар томонидан ноаниқ деб топилиши ҳуқуқий асослари ва хўжаликларни ўз манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш қурилмаси мавжуд экан, у ҳолда ўрта бўғинда ва жумҳурият идоралари миқёсида бундай имкониятлар мавжудми деган савол туғилиши табиий, албатта. Афсуски, бундай ҳуқуқий қурилма улар учун мавжуд эмас ва шу

# ЕРГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ ҚАНДАЙ?

ИҚТИСОД ВА ҚОНУН

Маълумки, колхозлар ва совхозлар ўзларининг ҳуқуқий ҳолатлари бўйича бир-бирларидан тубдан фарқ қиладилар. Совхоз давлат корхонаси бўлиб, унга нисбатан СССРда давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун жорий қилинади. Шу Қонуннинг 10-моддаси, 3-банди, 3-қисмига асосан давлат буюртмалари корхоналар учун мажбурий. Шундоқ экан, совхоз ўз имкониятлари доирасидан ташқари чиқадиган давлат буюртмасини қабул қилмасликка ёки эътироз билдиришга ҳақлими? Қонуннинг 20-моддаси, 1-бандида кўрсатиладики, корхона совет кишиларининг ҳозирги ва келгуси авлодлари манфаатлари йўлида табиий ресурслардан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланиши ва уларнинг қайта тикланишини таъминлаши лозим. Имкониятдан зиёд давлат буюртмаси эса, пахта якка зироатчилигига — ерларнинг ориқлашига, яроқсиз ҳолга келишига олиб келади ва бу ерлардан келгуси авлод ҳам фойдаланишни хавф остида қолдиради. Бундан эса, мазкур давлат буюртмаси Қонуннинг 20-моддасига зид деган ҳуқуқий асос келиб чиқади. Қонуннинг 9-модда, 3-бандининг 2-қисмида эса, юқори идоралар корхонага фақат қонунда белгиланган ваколатлари доирасидагина кўрсатмалар бера олади, дейилади. Агарда бу идоралар қонунларни бузган ҳолда кўрсатмалар берса (бизнинг мисолимизда Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонуннинг 20-моддасига зид равишда имкониятдан зиёд ҳажмда давлат буюртмасини белгилаш), корхона бундай кўрсатмани, қисман ёки тўлиқ ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талаб билан давлат ҳакамлигига даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Айтайлик, давлат ҳакамлиги ҳам масалага тўғри ёндашмаса ва хўжаликнинг ҳаддан зиёд ҳажмдаги давлат буюртмасини камайтириш ҳақидаги даъвосини рад этса-чи? Бундай ҳолларда ҳам маъмуриятчиликнинг қўли баланд келаяпти, деб хулоса чиқаришга эрта. Совхоз пахта якка зироатчилигига олиб келувчи ҳаддан зиёд ҳажмдаги давлат буюртмасини бажариш оқибатида етказилган зарарларни ундириб олишга ҳақли. Қонуннинг 9-моддаси, 3-банди, 3-қисмида кўрсатиладики, юқори идоралар томонидан корхона ҳуқуқларининг бузилиши, шунингдек, шу идора томонидан корхонага нисбатан ўз мажбуриятларини лозим даражада амалга оширмаслиги натижасида етказилган зарарлар шу идоралар томонидан тўланиши лозим. Зарарни ундириш тўғрисидаги низолар

уларда танлаш ҳуқуқи йўқлиги ҳақидаги имкониятларига нима дейиш мумкин? Дарҳақиқат, бу тўғрисида сурхондарёлик колхоз раиси колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV қурултойида ҳам гапирган эди. Ташқи жиҳатдан олиб қараганда, ўзига хос зиддият вужудга келади: айб юқоридами, ўрта бўғиндами ёки қуйининг итоаткорлигидами? Агарда қонун нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, ҳеч қандай англашилмовчиликка ўрин йўқ. Ҳамма гап эскичасига фикр юритишда, рўй берган ўзгаришларни англаб етмаганликдадир. Ҳалига қадар баъзи хўжалик раҳбарлари илгари амалда бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш давлат плани билан ҳозирги пахта толасига нисбатан давлат буюртмаси ўртасидаги фарқни билишмайди. Ахир бу масалада давлат топшириғининг нафақат номи, моҳияти ҳам ўзгарди. Қачонгача хўжалик раҳбарлари ўзларини юқоридан келадиган кўрсатмаларни кўр-кўрона бажарувчи итоаткор механизм деб ҳисоблайдилар? Ахир корхоналар ва хўжаликлар раҳбарларининг ўз меҳнат жамоалари томонидан сайлаб қўйилиши уларни юқори раҳбарларга қарамлиги, тобелигини тугатиш учун жорий қилинди-ку?!

Хўжалик раҳбарларининг тайёрлов идоралари билан шартнома тузиш жараёнига расмий муносабатда бўлишларига ҳам барҳам бериш лозим. Аслини олганда хўжаликлар учун ҳал қилувчи ҳуқуқий асос — бу хўжалик шартномаларидир. Шартнома давлат буюртмаси ёки бошқа асослар бўйича тузилишидан қатъи назар, имкон даражасида бўлмоғи керак. Ҳар қандай шартнома тарафларнинг тенг ҳуқуқлигини, ихтиёрийликни ва эркинликни назарда тутади. Модомики шундай экан, хўжаликлар ўз имкониятларини чамалаб кўришлари, бу имкониятлардан ташқари ҳеч қандай мажбуриятлар олмасликлари даркор. Шартномани имзолашдан олдин унинг шартлари айниқса пахта толасининг ҳажми ва сифати тўғрисидаги шартларнинг умумий йиғилишларда ва меҳнат коллективларининг кенгашларида пухта ва батафсил кўриб чиқилмоғи шарт. Бу ўринда шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, ноаниқ давлат буюртмаларини рад этиш ҳуқуқи колхоз ва совхозларнинг яккабошчи раҳбарларига (директор ёки раис)га эмас, меҳнат коллективларига берилган. Бу — жуда тўғри ва адолатли тартиб. Чунки хўжалик раҳбарларидан фарқли равишда меҳнат коллективи юқори идоралар-

сабабли ҳам бу идоралар барча усуллар ва воситалардан фойдаланиб, ноаниқ давлат буюртмаларини зўрлаб хўжаликларга тиқиштирадилар. СССР халқ депутатларининг I съезди минбаридан пахта толасига нисбатан давлат буюртмасининг асосланмаган ҳажми тўғрисидаги масала қўйилди. **Хўжалик ҳисоби ва бошқаришнинг иқтисодий воситаларига ўтиш шароитларида давлат буюртмасига қўйиладиган мезонлар ўзгармоғи лозим. Пахта стратегик хомашё сифатида ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, лекин пахтага нисбатан ҳар қандай эҳтиёж давлат эҳтиёжи сифатида талқин этилиши ва расмийлаштирилиши иқтисодий ислоҳот натижасида вужудга келган шароитларга мувофиқ эмас.**

Съездда кўрсатилишича, ҳар йили 800 минг тонна тола чет элга экспорт қилинади ва 350 минг тонна тола техник мақсадларга сарфланади (ҳолбуки унинг ўрнига кимёвий сунъий толалардан фойдаланиш мумкин). Бошқача айтганда, 3,5—4 миллион тонна пахта хомашёси ўзининг асосий ўрни бўйича давлат эҳтиёжларига сарфланмайди. Фикримизча, мамлакатимиз аҳолисини кийинтириш ва мудофаа қудратимизни мустаҳкамлашга кетадиган пахтагина давлат буюртмаси марказлаштирилган тартибда белгиланган харид нархлари асосида сотилиши мумкин. Экспортга чиқариладиган пахта толаси ва техник мақсадларда ишлатиладиган тола эса, шартнома баҳолари асосида реализация қилиниши мақсадга мувофиқ бўлур эди ва улар давлат буюртмаси таркибига киритилмаслиги лозим.

Экспорт қилинадиган пахтани давлат буюртмаси ҳажмига қўшмаслик учун ҳуқуқий асослар мавжуд. СССР Министрлар Советининг 1988 йил 2 декабрдаги 1405-сонли «Давлат кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари, корхоналари ва бирлашмаларининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисидаги» қарорига асосан мамлакатимизда ташқи савдога нисбатан давлат монополияси бекор қилинди. Шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб маҳсулотлари ташқи бозорда рақобатга бардошли бўлган барча корхоналарга бевосита экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилди. СССР Министрлар Советининг 1989 йил 7 мартдаги 203-сонли «Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан тартибга солиш тадбирлари ҳақидаги» қарорига илова қилинган Рўйхатда пахтани

четга сотиш учун пахтачилик хўжаликлари ва пахта тозалаш корхоналари СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги томонидан лицензия сотиб олишлари лозимлиги кўрсатилган. Паст навли пахта толасини чет элга сотиш учун лицензия талаб қилинмайди.

Албатта, ҳуқуқий жиҳатдан олганда колхоз ва совхозлар ўзларининг шартномада кўзда тутилган ҳажмдан ортиқ бўлган пахтанигина ташқи бозорга олиб чиқа олади. Бунинг учун улар, энг аввало, Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги ва унинг жойлардаги вакиллари томонидан рўйхатдан ўтказилмоғи лозим. Қарорга асосан кооператив ташкилотлар ва бирлашмаларни ташқи иқтисодий бозорда воситачилик қилишларига, масалан, пахтани колхоз ва совхоздан сотиб олиб, кейин чет элга сотишига рухсат берилмайди. Бинобарин, ҳар бир хўжалик ўз маҳсулотини фақат ўзигина чет элга сота олади. Бу бир қарашда, тўғрига ўхшаб кўринса ҳам, лекин айнан ҳозирги шароитларда пахтакор хўжаликлар учун мақбул эмас. Агар хўжаликларнинг давлат буюртмаси ҳажмидан ортиқча пахта тайёрлаш имкониятлари ҳозирча йўқлигини, ҳосил мўл бўлган ҳолларда эса бу ортиқча маҳсулот жуда кам миқдорда бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак (ҳар бир хўжалик миқёсида бундай ортиқча маҳсулот бир неча юз тонна пахтани ташкил этиши мумкин, холос), у ҳолда хўжаликларнинг бевосита ўзларигина мана шу арзимаган ҳажмдаги маҳсулот билан ташқи бозорга чиқишлари иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши гумон.

Лекин хўжаликлар ҳар бир муайян конкрет ҳолатдан келиб чиқиб иш юритмоқлари лозим ва ташқи бозорга чиқишга имкон берадиган ҳар бир имкониятдан доим унумли фойдаланмоқлари лозим. Хўжалик лицензия сўраб мурожаат этганидан бошлаб 30 кунлик муддат ичида Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги лицензия бериш ҳақида қарор чиқаради. Лицензия учун белгиланган тартибда ҳақ тўланади, ҳар бир хўжалик ўзи сотиб олган лицензияни бошқа ҳуқуқли шахсларга беришга ҳақли эмас. Хўжаликлар фақат лицензия сотиб олганларидан кейингина пахтани ташқи бозорда сотиш ҳақида чет эл савдо-саноат вакиллари билан музокаралар олиб боришлари мумкин. Пахтани ёки унинг толасини сотиш ҳақидаги масалани хўжаликларнинг ўзлари мустақил ҳал қиладилар. Шунингдек, пахтани чет эл валютасига сотиш ёки товарларга айирбошлаш (бартер битимлари) ҳам сотувчи-харидор ихтиёрига ҳавола.

Шу ўринда колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари пахта пишиб етилган ва ҳосил чўғини чамалашга имкон бўлган даврда — август охирларидан бошлаб ортиқча пахта олиш имкониятини ва у қанча ҳажмда бўлиш мумкинлигини аниқлаштириш ва шунга қараб лицензия сотиб олиш ва ташқи бозордан харидор топиш тадбирларини кўришга киришишлари лозим. Айни вақтда ўз ортиқча маҳсулотига умид боғламаслик ҳақида тегишли тайёрлов ташкилотларини (асосан пахта тозалаш корхоналарини) огоҳлантириб қўймоқлари лозим. Умуман, хўжаликлар чет элга пахта сотиш ҳуқуқини берадиган имкониятлардан келаси йилнинг ўзидаёқ реал фойдаланишлари учун ҳуқуқий асослар мавжуд, вақт ҳам етарли. Энг асосийси дадил ва жадал ҳаракат қилмоқ лозим.

Юқорида кўрсатилганидек, ҳозирча хўжаликлар фақат давлат буюртмасидан ортиқча пахтанигина лицензия асосида четга сотишлари мумкин. Айни вақтда пахтанинг асосий экспортчиси сифатида «Союзленэкспорт» бирлашмаси сақланиб турибди. Ҳар доим ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир бўлган бу бирлашма ўзининг монопол ҳуқуқларидан осонлик билан воз кечмайди, албатта (бу муассасанинг номига ҳам эътиборни жалб этамиз: мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган ва чет элга экспорт қилинадиган толаларнинг мутлоқ катта қисмини пахта толаси ташкил этади, зиғир толасининг ҳажми деярли йўқ даражада, бинобарин, аслини олганда бу бирлашма зиғир толаси ёзуви (вивескаси) орқали пахта толасини экспорт қилади).

203-сонли қарорнинг 2-қисми, 2-бўлим мазмунидан шу нарса келиб чиқадики, Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги «Союзленэкспорт» бирлашмаси ўз халқаро мажбуриятларини бажармагунча бошқаларга Ташқи бозорда пахта сотиш учун лицензия бермаслиги мумкин. Бундан маъмурий-буйруқбозлик иқтисодий системасининг ҳиди келиб турибди. Давлат буюртмасидан ортиқча ҳосил етиштирган ҳамма хўжаликларга ҳеч бир монеликсиз четга маҳсулот сотиш учун лицензия берилмоғи лозим, чунки Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонуннинг 2-моддаси, 6- банди ва Кооперация тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддаси, 4-бандига асосан колхозлар ва совхозлар давлат ва бошқа бирлашмаларнинг мажбуриятлари учун жавобгар эмас.

Умуман олганда, ўртада «Союзленэкспорт»га ўхшаган бирлашмалар турганда пахтакор хўжаликлар ва пахтани қайта ишлаш корхоналарини жаҳон бозоридаги талаб ва таклиф, нарх-наво соҳасидаги вазиятни ҳис этишлари ва маҳсулот сифатини халқаро миқёсида рақобатга бардошли бўлишини таъминлашга интилишларини амалга ошириш қийин. Иттифоқ миқёсида ягона бўлган монопол ҳуқуқи оралиқ ташкилот ишлаб чиқарувчилар билан харидор-истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни бегоналаштиради. Маълумки, ҳозир пахтакор хўжаликлар ҳам, пахта тозалаш заводлари ҳам ўзларининг экспорт қилинган маҳсулотларини ким ва қанчага олганлигини деярли билишмайди. Пахта тозалаш заводлари фақат тола сифати келишилганидан паст бўлган ҳоллардагина чет элдаги харидор кимлигидан хабар топади (шунда ҳам жаримани у тўлаши лозимлиги учун). Регионал хўжалик ҳисоби бундай ҳолатларга мувофиқ эмас. Экспорт учун мўлжалланган пахта давлат буюртмаси таркибидан чиқариб ташланмоғи лозим. Жумҳуриятимизда «Агроинторг» бирлашмасига ўхшаган бир неча ўзаро рақобатда фаолият юритувчи ташқи савдо воситачи бирлашмалари ташкил этиш лозим. Ҳозирги мавжуд тартиб эса, пахта якка зироатчилигига янада туртки бериши мумкин. Чунки давлат буюртмаларининг ҳажми кўп ҳолларда реал ва имкониятлар доирасида эмас. Модомики, шундоқ экан, «қўшиб ёзишлар» ва пахта якка зироатчилигининг аниқ илдизлари ҳали батамом қирқиб ташланмаган. Мана шундай шароитлар, яъни давлат буюртмасидан ортиқча пахтани чет элга бевосита сотиш ва натижада валютага ёки чет эл молларига эга бўлиш иштиёқи алмашлаб экиш режалари путур етишига, ем-хашак ва боғ-роғларни кўпайтириш имкониятлари йўққа чиқишига сабаб бўлмайди, деб ким кафолат бера олади? Мамлакатимиз ички бозорида тақчилликлар намоён бўлаётган ҳозирги шароитларда жаҳон бозоридаги мўл-кўлчилик оҳанрабоси хўжаликларда аввалги юқоридан буйруқ йўли билан жорий этилган пахта якка зироатчилиги ўрнини қуйидан, меҳнат коллективларининг ўзлари томонидан эркин ва ихтиёрийлик асосида янги пахта якка зироатчилигини барпо этилишига олиб келмасмикин?

Бу билан биз янги тартибни умуман инкор этмоқчи эмасмиз. Пахтакор хўжаликларни ва пахтани қайта ишлаш корхоналарини ташқи бозорга бевосита чиқиши масалалари чала-ярим ва номигагина ҳал бўлмаслигини таъкидламоқчимиз, холос. Оғизда пахта якка зироатчилигини қоралаш билан иш битмайди. Унинг вужудга келиши ёки сақланиб қолишини таъминловчи иқтисодий, маъмурий, ҳуқуқий асослар ҳам таг-томиридан қуритилмоғи лозим. Пахтани ташқи бозорга экспорт қилиш тартибини демократлаштириш, уни жумҳуриятларнинг ўзига бериш лозим.

Юқоридаги тадбирлар миллий муносабатлар соҳасидаги ҳис-туйғулар жунбушига ижобий таъсир қилган бўлур эди, чунки бу вақтда пахтакор жумҳуриятларнинг меҳнат самараси равшанроқ кўринган ва бу самарадан ўзлари ҳам баҳраманд бўлишлари тўғрисидаги масала адолатли равишда ечимини топган бўлур эди.

**Ҳожиакбар РАҲМОНҚУЛОВ,**
Ҳуқуқшунослик фанлари доктори,
профессор;
**Омон ОҚИЎЛОВ,**
илмий ходим.

**Молтоплик уруш ва меҳнат ветеранлари Ўрол ота Суяров ва Отабой ота Ашуров.**

**Р. Нуримбоев суратн**

# Яхшиларнинг КАДАМИ

Ўша гал гарчи Самарқандга бошқа топшириқ билан борган бўлсамда, хаёлимда бир фикр кечганди: баҳорги совуқ деҳқонларимизга, айниқса, пахтакорларимизга катта ташвиш келтирди. Шу боис бирорта хўжаликнинг шу борадаги бардошли ишларини қаламга олсак ёмон бўлмасди... Сафардан қайтиш олдидан шу хусусда ҳамкасбим Лутфулла Мамасолиевга гап очдим.

— Бунинг йўриғи бор, — деди шеригим қўлидаги соатига кўз югуртириб. — Бугун кеч соат олтиеттиларда биз тоғамиз Нарзулла Аҳмедов билан машинада Арнасой ноҳиясига бормоқчимиз. У ердаги тоғдан кўчиб келган қариндошларни анча вақтдан бери кўролганимиз йўқ. Шанба-якшанбадаги имкониятимиздан фойдаланиб ўша ёққа бир ўтиб келмоқчимиз. Бизга ҳамроҳ бўлсангиз, Пахтакор ноҳиясининг катта йўлга яқин йирик хўжаликлари бор. Ўша совхозларни тоғдан кўчиб келган деҳқонлар обод қилишган. Бу ёғи йўлингиз қисқаради, барибир Тошкентга қайтишингиз керак.

Лутфулланинг гапи маъқул келиб, уларнинг машинасига тушдик.

Йўл-йўлакай Мирзачўлни ўзлаштириш ташвиши узоқ тоғликларга ҳам бориб тақалгани, бундан бир неча йиллар илгари Нурота тоғи этакларидаги турли қишлоқлардан тоға-жиянлар, қариндошуруғлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб чўлга кўчиб келганликлари, энди улар Сирдарё вилоятининг турли хўжаликларида ўтроқ бўлиб қолганликлари хусусида гапирди шеригим.

— Биз ҳам Нурота тоғининг бу ёғи Қўшработ, у ёғи Пойариқ ноҳиясига қарашли Накрут қишлоғида туғилиб ўсганмиз, — дея гап бошлади Самарқанд университети доценти Нарзулла Аҳмедов. — Ҳали айтганимиздек, 60-йилларнинг бошларида тоғдаги одамлар ўша замоннинг зайли билан аста-секин Мирзачўлга эниб келабошлаганлар. Ҳозир улар Арнасой ноҳияси совхозларида, Пахтакор ноҳияси хўжаликларида яшашиб, деҳқончилик қилаяптилар. Уларнинг орасида бизларнинг ака-укаларимиз, амакиларимиз, холаларимиз ҳам бор. Шу боисдан улар билан гап бордди-келди қилиб турамиз. Гарчи, ота-боболаримизнинг касби-кори асли чорвадорлик бўлса-да, уларнинг кейинги авлодлари турмуш тақозоси билан пахтакор бўлиб етишдилар. Дастлабки йилларигулар ўжой йўқлигидан ертўлаларда яшаб жуда ҳам қийналдилар, оғирликларга чидолмай тоғдаги ўз қишлоқларига қайтиб кетганлар ҳам бўлди. Лекин қайтганлар озчиликни ташкил қилардилар. Кўпчилик эса уюшиб, қатъият билан ишладилар. Асрий чўлда ўзлари учун зарур шарт-шароит яратдилар. Шу-шу тоғликларнинг турмуш тарзлари бора-бора изга тушиб кетди.

Кечқурун, одам одамни танирмас ғира-ширада Пахтакор ноҳиясидаги Улянов номли совхозга кириб бордик.

— Идорага бир тегиб ўтайлик, — деди Нарзулла ака машина рулидаги жияни Лутфуллага юзланиб.

Совхоз идораси ёнида тўхтадик.

— Идорада одам бор-йўқлигини ўзим билиб чиқаман, — дея Лутфулла зудлик билан машинадан тушиб, ўша томонга кетди.

— Ҳамма тўй бўлаётган ҳовлига кетипти. Бу оқшом совхоз комсомол комитетининг котиби бўлиб ишлаётган қизнинг тўйи экан, — деди Лутфулла тез қайтиб келиб.

— Қулмирза Қамбаровникига ҳайданг, баҳона билан уни ҳам кўриб, бироз дам оламиз, — деди Нарзулла Аҳмедов жиянига.

Биз қоронғида қуюқ дарахтзорлар, тизилиб кетган уйлар ёнидан ўтиб, кўк темир дарвоза рўпарасига келиб тўхтадик.

Машинанинг товушини эшитиб, бир ўспирин чопиб келиб дарвозани очди.

— Отанг уйдами? — сўради ҳамроҳларимиздан бири ундан.

— Ҳа. Ҳозир, — дея ҳалиги ўспирин ҳовли тўрига югуриб кетди. Ўртадан пастроқ, кўринишидан самимий киши бизга пешвоз келиб:

— Қариндошлар ҳам шунақа бўладими. Шундай келиб турингизлар-да, — дея бизлар билан бирма-бир қучоқлашиб кўришди.

— Мен ҳам ҳозиргина келдим. Пойариқда эдим. Ўша ердаги савдо тармоқларига карамнинг бир қисмини олиб бориб топшириш ҳаракатидамиз, — дедию у бизни ҳовли ўртасидаги супага таклиф қилди. Суҳбатимиз чой устида давом этди.

— Қулмирза Қамбаров ҳам асли тоғлиқ, бизнинг қишлоғимиздан. Бирга ўйнаб-ўсиб катта бўлганмиз. Мактабда ҳам бирга ўқиганмиз, — деб уй эгасини бизга яқинроқ таништирди Нарзулла Аҳмедов. — Лекин ҳар қайсимиз ўз ташвишимиз билан бўлиб, ҳадеганда кўришолмаймиз. Бу кишининг чўлга келганига қарийб ўттиз йиллар бўлиб қолди шекилли...

Ўша оқшом Қамбаров билан мириқиб суҳбатлашдик. У кўп йиллар давомида чўлда, бошқа кўчиб келганлар қатори, кўрган-кечирганларини, азиятли ва қувончли дамларини бир бошидан ҳикоя қилиб берди. Маълум бўлишича, Қулмирза ака сув хўжалиги техникумини тамомлагач, йўлланма бўйича икки йилча Бухоро вилоятига бориб ишлайди. Шундан кейин, 60-йилларнинг бошларида уч-тўрт ҳамқишлоқлари билан Мирзачўлга кўчиб келишади. Улар дастлаб ҳозирги Волков номидаги совхознинг яп-янги даштида ертўла қазиб, унда яшашади. «Одам боласи соғлом туғилса, оёққа туриб кетаверар экан. Тўнғич фарзандим Ғафур қипқизил ертўлада туғилган эди-а», деб есларди гап орасида ўша кунларни Қамбаров.

Ҳа, азал-азалдан ерга, деҳқончиликка меҳри сингган ўзбек деҳқони асрий Мирзачўлни обод қилишдек машаққатли жараёнда не-не қийинчиликларга бардош бермади дейсиз. Чўлга қатъий ният билан кўч ташлаган Қулмирза акага ўхшаган тоғликлар, Фарғона водийсидан ташриф буюрган пахта усталари, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг турли қишлоқларидан келишган, суяги деҳқончиликда қотган шоввозлар Мирзачўлнинг чанг-тўзонини ютиб, жазирама иссиқда пишиб, яланғоч даштларни, қуп-қуруқ сайхонларни ям-яшил экинзорларга, бўлиқ пахтазорларга айлантирдилар. Улар Мирзачўлни ўзлаштириш сари умумий сафарбарлик эълон қилинган ўша суронли йилларда умумхалқ ҳаракатининг олдинги сафларида бўлиб, бугун диёримиз харитасига янги битилган Сирдарё, Жиззах вилоятларининг шонли тарихини яратдилар.

Қ. Қамбаров Волков номли совхозда роппа-роса ўн беш йил меҳнат қилди. Дастлаб механизатор, сўнгра бригадир, кейин эса бўлим бошлиғи, охирги йилларда (Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини сиртдан тамомлагач) совхоз бош агрономи бўлиб ишлади. У ер ҳосилдорлигини оширишдан тортиб, одамларнинг яшаш ва турмуш шароитларини яхшилашгача барча ишларда бош-қош бўлди. Қамбаровлар ишлаётган бўлимда иш ҳақи ва тирикчилик имкониятлари ошавергач, уларнинг сафига узоқ-яқиндан келиб қўшилганлар ҳам бўлди. Кўпайиш ҳисобига хонадонлар сони саксонга етди. Шу-шу бўлим етакчиси Қамбаровнинг номи эл оғзига тушди, хайрли ишлари билан кўп орасида эътибор топди. Бу эса унинг обрўсига обрў қўшди. Саксонинчи йилнинг бошида у Жиззах вилояти фирқа қўмитасининг ўша вақтдаги биринчи котиби Тўхтамиш Боймировнинг таклифи билан бўлим бошлиғи вазифасидан ноҳиядаги Улянов номли совхозга директор этиб тайинланди...

Ўша куни деҳқонлар одатига кўра анча эрта турдик. Совхоз ҳаёти билан танишиш мақсадида Қулмирза аканинг эски машинасига ўтириб, дала айландик. Унинг Улянов номли совхозда етти йил директорлик қилган даврида амалга оширган хайрли ишлари билан қизиқдик. Хўжаликнинг дов-дарахтларга бурканган шинам шаҳарчаси, ундаги кўркам маданий-маиший муассасалар, қулай ва кўримли дала шийпонларию бу жойларга бошлаб келадиган равон асфалт йўллар — ҳаммаси асосан мана шу даврда бунёдга келган.

— Баҳордаги бевақт совуқ пахтакорларни анча ташвишга қўйган бўлса керак-а? — гап орасида Қулмирза акадан сўрадик.

— Ҳа, ортиқча ташвиш кўп бўлди, — дея куюниб гапга тушиб кетди у. — Пахта-пахта деб, ҳаётда бир ёқлама кетиб қолибмиз. Ҳатто деҳқончиликнинг бошқа соҳаларини унутишимизга ҳам оз қолган экан. Ноҳиядан келган вакил ҳам, вилоят марказидан ва ҳатто ундан юқоридан келган раҳбарлар ҳам фақат пахтани, унинг планини суриштираверіб, биз деҳқонларни гаранг қилиб ташлаган эканлар. Чўлдаги деҳқоннинг дастурхонига сабзавот ҳам, мева-чева ҳам, айниқса, унинг белини бақувват қиладиган гўштли таомлар ҳам кераклиги ҳақида қайғурилмапти. Яқинда «Ёшлик» журналида таниқли бир ёзувчимизнинг суҳбатини ўқиб қолдим. Унда бир яхши гап айтилган: «Ҳусн оғиздан киради». Жудаям тўғри гап-да. Ахир, одам ярим оч юрса, тўйиб овқат емаса, унда ҳусн, чирой нима қилсин. Энди ёз ҳарорати 45-50 даража, баданни тешиб ўтгудек изғиринли қиши бўлган Мирзачўл шароитида қорни тўқ бўлмаган деҳқоннинг, унинг фарзандларининг аҳволини бир тасаввур қилинг-а. Турмушимиздаги бугунги минг хил касофат, соғлиғимизнинг ночорлиги — ҳаммаси узоқ йиллар лавозим курсисида ўтириб, «план-план», дея зўравонлик билан иш юритган бағритош раҳбарлар фаолиятининг оқибати. Мен ҳам директорлик лавозимини алғов-далғовдан кейин топширдим. Шунча йил чўлда чанг ютиб юриб, охирида туҳматга қолишимизга сал қолди. Хайриятки, текширувчилар, тафтиш қилувчилар тарозини тўғри тутдилар.

— Айтмоқчи, ҳозир нима иш қилаяпсиз? — Савол билан ҳамроҳимни яна суҳбатга тортдим.

— Мана, чўлга келганимизга ҳам нари-бериси бўлиб ўттиз йилдан ошибди, — дея салмоқлаб гапини давом эттирди ҳамроҳим. — Шу вақт ичида ёши улуғроқ тажрибали деҳқонларга эргашиб, ўзимиздан кичикларни ёнимизга олиб, дала кездик, эгат очиб, зироат ўстирдик. Шу-шу сувли деҳқончиликнинг анчагина ҳадисини олдик. Шунинг учун аввало ўзимизнинг хўжалик аҳли учун, қолаверса, бошқалар учун сабзавот, мева-чева, картошка маҳсулотлари етиштириш мақсадида ижара системасидаги кооператив-ишлаб чиқариш уюшмаси тузганимизга ҳам икки йил бўлиб қолди. Совхоздан шартнома асосида ўн йиллик муддат билан ижарага 310 гектар ер олганмиз. Эллик нафар ишловчимиз бор. Ўғит, сув ва техника келишилган тартибда хўжалик томонидан берилади. 35 гектар ерда дон, 28 гектарда сабзавот ва 16 гектарида эса полиз маҳсулотлари етиштираяпмиз. Экин майдонимизнинг бир қисмини эса озуқа экинлари банд қилган.

Биз кооператив уюшма фаолияти билан танишишни дончилик бригадасидан бошладик. Ихчамгина дала шийпони. Ундан сал нарида кузда экилган дон майсалари мавжланиб турибди. Шийпон ёнидаги дош қозонда эса бригада бекаси қандайдир таом пиширишга овора эди.

— Шу сувли майдонларнинг ҳар гектаридан қанчадан дон ҳосили олиш мумкин? — қизиқиб сўрадик Қулмирза акадан.

— 35-37 ботмондан дон олаяпмиз. Агар жумҳуриятимиз бўйича пахта майдонидан ярим миллион гектари қисқартирилиб, ўрнига дон экилса борми, диёримизда дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжимиз тўлиқ таъминланарди. Унинг хас-сомонини айтмайсизми, моллар учун жуда ҳам қўл келардида.

Ҳамроҳимнинг бу мулоҳазасидан сўнг ўтган йилги қишлоқ хўжалик ходимлари қурултойидаги бир номақбул гап эсимга тушди. Ўшанда Фарғона вилоятининг Киров ноҳияси фирқа уюшмасининг биринчи котиби минбарга чиқиб: «Баъзи ижодий зиёлилар пахта якка зироатчилигига қарши чиқишиб, пахтазорларни қисқартиришни талаб қилмоқдалар. Мабодо, пахта майдонини бир миллион гектарга қисқартирадиган бўлсак, у ҳолда бу майдонни қандай уддалаймиз, унга нима экамиз?» деб нолиди. Ўшанда унинг гапидан энсамиз қотиб: «Бобур даврларидаёқ қовунининг таърифи Ҳиндистонгача етган ўзбек деҳқони наҳотки бугун шунчалик уқувсиз бўлиб қолган бўлса», деган фикр хаёлимдан ўтган эди. Ахир, мамлакатимиз ҳар йили қанчадан-қанча донни четдан валюта ҳисобига сотиб олаяпти. Масалан, ўтган йилиёқ давлатимиз биргина АҚШдан 4 миллион тонна дон, яна шунча миқдорда маккажўхори донини сотиб олиш ҳақида шартнома тузди. Жумҳуриятимизнинг ҳозирги имконияти ҳам унинг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини мутлақо қоплолмаяпти-ку.

Тасаввур қилинг, мабодо, пахта майдони бир миллион гектарга қисқартирилиб, ундан бўшаган бу катта майдонга дон экилса. Сувли ернинг ҳар гектаридан 40—45 центнергача дон ҳосили олиниши мумкин. Шундай бўлгач, бир миллион гектар майдондан ҳазилакам дон ҳосили олинадими.

Биз қайта қуриш шароитида ҳам қуйи ва юқори доираларда бўлаётган кўп сонли йиғилишларда мамлакатни иқтисодий тангликдан чиқариш ҳақида кўп гап қилаяпмизу, лекин ҳар бир жумҳурият ва вилоятларнинг шу борадаги ички имкониятларини пишиқ-пухта ҳисобга олиб, амалий тадбирлар кўрмаяпмиз. Оқибатда жамиятимиздаги иқтисодий танглик тобора чуқурлашиб бораяпти.

Ўшанда Қулмирза Қамбаров етиштирилган сабзавот маҳсулотларини, мева-чевани сотиш ва сақлаш билан боғлиқ муаммолар ҳақида ҳам таажжубланиб гапирди.

— 1988 йилда 10 гектар ерга қанд лавлаги ҳам эккандик, — деди у гапининг давомида. — Ҳосилни сотиш ташвишлари хусусида сўзларкан. — Ўша йили Чита вилоятига 200 тонна лавлаги юборишимиз лозим эди. Унинг 60 тоннасини Тошкент аэропортида жўнатолмай роса овора бўлдик. Бир қисмини 30 фоизини чиқитга чиқариб, зўр-базўр Янгийўл консерва заводига топширдик. Яна бир қисмини Ангрен шаҳрига олиб борганмиз. Таажжубли томонини қарангки, мамлакатда шакар тақчил бўлган бугунги шароитда ҳам бизга ўхшаган деҳқонлар пешона тери ҳисобига етиштирган маҳсулотни тегишли жойга топширолмай оворамиз. Ахир, еймлик лавлаги — бу шакар дегани-ку. Шунчалик ҳам калаванинг учини йўқотиб қўямизми... Эзмалик қилди демасангиз, яна бир мулоҳазани айтмоқчиман: ғарқ пишиқчилик бўлган кузда жумҳуриятимиз шаҳарларининг кўчаларида, айниқса, Тошкентга ўхшаган катта шаҳар кўчаларида олма, анор, узум каби ҳўл мевалар беҳисоб кўпайиб кетади. Сотувчилар тонгдан шомгача оёқда тик турадилар, маҳсулот кўплигидан уни сотолмай роса овора бўладилар. Сотилмаган маҳсулотлар эриб-чириб кетади. Уша кезларда магазинларда чиқитга чиққанларини айтмайсизми. Ортиқча маҳсулотларни қишда асраб, одамларнинг дармонсиз, силласи қуриган пайтларда сотувга чиқариш ҳақида мутлақо ўйламаяпмиз. Оқибатда, мамлакатимизда, жумладан, жумҳуриятимизда деҳқон етиштирган ҳосилнинг бир қисми исроф бўлмоқда. Биз ҳам кооператив уюшмамизни ташкил қилгандан бери ҳар йили ана шундай қийинчиликларга дуч келаяпмиз. Кейинги йилда мўл бўлган карам ҳосилини вақтида тегишли тайёрлов идораларига топширолмай қийналдик. Бирор совхоз сабзавот сақланадиган омборхона қуриш учун ҳам унинг лойиҳасини тайёрлаш учун марказдаги қандайдир институт ёки лойиҳалаш идорасидан рухсат олиш керак. Билмадим, бу борада хўжаликларнинг ўзлариг бундай ҳуқуқ, имконият қачон берилади? Ҳозирча идоравий тўсиқлар оёғимизга кишан бўлиб турипти-да.

Шийпондан қайтганимизда ҳамроҳимиз йўлни хўжалик чегарасини кесиб ўтган зовурлар ёқасига бошлади. У зовурлардан қачонлардир қазиб чиқарилган тупроқ уюмлари ёнига келиб, машинани тўхтатди.

— Меҳмон, агар бемалол бўлса, машинадан тушиб, атрофга бир зеҳн солсангиз, — деди Қулмирза ака. — Илгариги бепоён чўл деган тушунчалар энди эскирди, мантиқсиз бўлиб қолди. Ҳамма томонга пахта экилавериб, Мирзачўлнинг ҳам имкониятлари чекланди. Энди уч-тўрт гектарга боғ экайлик, ток тараб узум етиштирайлик, десак ер йўқ. Мен ўзимча бир имконият топдим. Шу зовурнинг четидаги тупроқ уюмларини сурдириб текислатмоқчиман. Кейин ҳосил бўлган тўққиз-ўн сотих ернинг бир қисмини лимонарий, яна бир бўлагини токзор қилиб, уни ҳув наридаги ҳосилга кирган токзорга уламоқчиман. Уша олдинги токзорнинг ичидаги яланғликни текислаб бир ҳовуз қурдириш, унинг атрофига токларни тараб, узум ундириш ниятим ҳам йўқ эмас. Ахир, сизга ўхшаган меҳмонлар, дўсту жўралар келганда суҳбат қуриб, дам оладиган сўлим жой ҳам керак-да.

Тушдан сўнг Қулмирза ака билан хайрлашиб, йўлга чиқдик. Йўл-йўлакай у бундан атиги икки йил илгари ташкил қилган мева-сабзавотчилик кооперативининг баъзи иқтисодий омиллари хусусида Қулмирза Қамбаров юритган мулоҳазалар хаёлимдан кетмасди. Хўжалик қошида ташкил этган ишлаб чиқариш кооперативи кейинги йилда режадаги 200 минг сўм ўрнига қарийб 400 минг сўм даромад қилибди. Уч юз гектардан ошиқроқ майдонда карам, помидор, бодринг, пиёз, картошка маҳсулотлари етиштирилипти. Бу маҳсулотлар хўжалик дўконларида, вилоят бозорларида аҳолига сотилган. Бир қисми эса шартнома асосида тайёрлов идораларига топширилган. Кооператив ишлаб чиқаришда алоҳида фаоллик кўрсатаётган бригада бошлиқлари Жўра Мусулмонов, звено етакчиси Бекмирза Қамбаров, механизаторлар Туғул Қодиров, Зокир Қамбаров, сувчи Эркин Отавуллаев сингари фидокорларнинг номларини Қулмирза ака бутун суҳбат давомида мамнуният билан бирма-бир тилга олди. Чунки, ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, дейдилар. Қулмирза Қамбаров қайси лавозимда ишлаган бўлмасин, кўпнинг мададига суяниб иш тутди, ёши улуғ, тажрибали оқсоқолларнинг маслаҳатларига доим қулоқ солди. У меҳнаткаш халқнинг дилини ҳам, тилини ҳам тушунишга ҳаракат қилди.

Катта йўлга чиққунча Волков номли совхоз устидан ўтдик.

— Илгари Қулмирза ака шу совхозда ҳам ишлаган-а? — дея машина рулидаги йигитни гапга солдим.

— Ҳа. Амакиларим билан тоғдан дастлаб шу ерга кўчиб келишган. Ҳув наридаги қишлоқни тоғамнинг номи билан «Қулмирза қишлоқ» деб аташади, — деди ўша томонга нигоҳ ташлаб ҳамроҳим.

Қулмирза қишлоғи. Одам ўзи дастлаб қадам қўйган жойи, у қурган маскан унинг номи ила аталса, бу унинг учун мангу шараф-ку. Халқимиз яхшиларнинг қадамида гул унади, деб бежиз айтмаган-да.

**Шомурод СИДДИҚОВ**

*Минсинми-минмасин отга бу ёшлар,*
*Отга минса улар қай йўлга бошлар?*
*Оқлармикан элнинг умид-ишончин,*
*Не ўйда таъзимга эгилди бошлар?!.*

*Эҳтимол ишқ сабаб — ўртада сир бор,*
*Балки бир баҳс сабаб — тунлари бедор...*
*Ва ёки бир-бирин соғиниб, қўмсаб,*
*Икки дўст дўстона кўришган дийдор.*

*Баъзан қовуштирар одамни дардлар,*
*Бир дардда бирлашган куймайди шартлар.*
*Фақат халқ дардида эзгу ўй билан*
*Одатда отларга минишар мардлар.*

*Мардларга тилайлик ҳар ишда сабот,*
*Йўл юрса, отлари боғласин қанот,*
*От ўзи мардларга ҳамиша ҳамроҳ,*
*Мард мангу яшасин, қолсин яхши ОТ!*

**Ш. Иброҳимов туширган сурат**

Эркин УСМОНОВ

ҲИКОЯ

Ҳаммаси собиқ курсдоши Дўнанбой болачақаси билан ҳудди осмондан тушгандек лоп этиб пайдо бўлган кундан бошланди.

Бир вақтлар у мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътилида болаларига: «Тошкентга олиб бораман!» деб қўйган экан. Икки-уч йил ишдан ортмай, ваъдани ана шунақа катта қилиб юрган экан, бўлмабди. Қараса, болалари хафа. Шунинг учун бу йилги таътилда саккизта боласини олдига солиб: «Ҳайё-хуйт» деб йўлга чиқаверибди. Хотини: «Бирон меҳмонхонага қўна қолайлик», деган экан; «Ўртоғим Абдурасул эшитса хафа бўлади», деб кўнмабди.

Расулжон «юз сўмлик пулдай кўринмай кетган» ўртоғининг ташрифидан тоза қувонди. Онда-сонда, байрамларда хатми, открытками ёзишиб туришарди-ю, аммо яқин ўн йилдан бери кўришмаган эдилар. Дўнанбой анча озибди, қорайибди, «будённийча» мўйлов қўйворибди. Аммо ўша-ўша Дўнанбой!

Расулжон район халқ маорифи бўлимининг югур-югурлари, мажлисбозликлар ва зиёлиларнинг минғир-минғир гап-сўзларидан чарчаган эканми, ғойибдан пайдо бўлиб қолган бу бегараз, болалардек содда ва оққўнгил йигитнинг самимий сўзларидан дили ёришиб кетди. Дўнанбой гап орасида Расулжонни чеккароққа олиб, «саккизта болам билан ботинка қутичадек кавартирангга сиғармиканмиз», деганди, Расулжон: «Э, саккизта экан-у, тўққизта бўлса ҳам сиғасизлар», деб ҳазилга йўйди. Шу гап сабаб бўлди-ю, Дўнанбой ош устида оиласида юз берган бир воқеани эслаб, ҳаммани роса кулдирди.

Дўнанбой ҳар куни кечқурун болаларини сафга тизиб, санаб уйга киритаркан. Аввало, ким қайси фандан неча баҳо олган, кимнинг пешонаси қашқа, кимнинг бурни қонаган, кимнинг юзи тимдаланган, обдон текшириб, «ким-ким билан уришиб, ким зўр чиққанигача» аниқлаб, кейин уйга киритаркан. Бир куни саналса, болалари тўққизта чиқибди. Ҳайрон бўлиб қолибди. Қайта санабди. Яна тўққизтамиш. Кейин маълум бўлишича, қўшниларининг икки яшарлик ўғилчаси ҳам болаларига эргашиб, сафга тизилганча кириб қолган экан...

Расулжон ҳам, хотини Малика ҳам қотиб-қотиб кулишди. Шу сабаб бўлиб, райондан келган лекторнинг қишлоқ клубида «кўп болаликнинг мода эмаслиги» ҳақида ўқиган лекциясини эслашди. Дўнанбойнинг: «Вэ, эр-хотинлар нечта бола кўришни лектор билан маслаҳатлашиб ўтиришармиди», деган луқмаси ҳаммасидан ошиб тушди. «Тўғри да,— деди яна Дўнанбой соддадиллик билан,— ўзбакнинг боласи кўп бўлади-да!..»

Эртаси шаҳар айланишди. Циркка тушишди. «Ҳайвонот боғи»га боришди. Олдинда икковларининг хотини, ўртада ўнта бола (энди уларга Расулжоннинг қизи билан ўғилчаси ҳам қўшилганди), орқада Дўнанбой билан Расулжон. Ўтган ҳам қарайди, кетган ҳам...

Кечаси иккала оғайни студентлик йилларини эслаб, балконда сигарет тутатиб ётишди.

Хуллас, Дўнанбой бола-чақаси билан уч-тўрт кун меҳмон бўлди-ю, Расулжон билан Маликадан ёзда отпускани Яккақояда ўтказишларига ваъда олиб кетди.

Мана шундай қилиб, саратоннинг илк кунларида эр-хотин болаларини лагерга жойлаб (аксарият шаҳарликлар каби сафарда бола етаклаб юришга тоқатлари йўқ эди), «Яккақоя қайдасан?» дея сафарга отланишди...

* * *

Яккақоя қишлоғи Дўнанбой мақтаганча бор экан.

Бир тарафи ўркач-ўркач тоғларга туташиб кетган, бир томони адир, бир томони дарё... Худди Дўнанбой студентлик кезлари таърифлагандек, «курортнамо» қишлоқ экан. Одамлари ҳам мард, танти, ичида гап ётмайдиган, бир қоп ёнғоқ деб таърифланадиганлар сирасидан экан. Эр-хотин ҳали у қўшниникида, ҳали бу қўшниникида меҳмон бўлаверіб, тоза чарчашди.

Шаҳарликлар тор ва биқиқ шароитда яшаганликлари учунми, табиатан саёҳатларга, янги-янги жойларни кўришга чанқоқ бўлишади. Шу боис, эр-хотин қишлоқ устига ағдарилгудек ваҳимали қояларга тез-тез қараб қўяётганликларини сезган Дўнанбой эртаси куни Расулжон билан Маликани эрталабданоқ тоғ тарафга бошлаб кетди. «Кун тиккага келса, кабоб бўп кетасизлар, эрталабки салқинда бориб олақолайлик», деди. Расулжон: «Қаёққа?» девди, «Секрет. Борганда кўрасизлар», деб илжайди.

Ниҳоят, йироқдан ҳолва бурдаларини эслатгувчи қоялар билан қуршалган дарага чиқишди. Бир қараганда, одам оёғи етмаган жойнинг нақ ўзгинаси. У ер-бу ерда ёввойи олма, писта дарахтлари, саватдек-саватдек наъматаклар кўзга чалинади. Бел баравар ўтлар худди теварак-атрофга қулоқ тутаётгандек, тек қотган. Осмон гумбази остида иккита бургут сас-садосиз чарх уради.

Хонтахтадек харсанг ёнига келиб ўтиришгандиямки, Дўнанбой ўттиз иккита тишини кўрсатиб, Маликага жилмайди:

— Чарчаб қолмадингизми, келин?

Малика ҳам бўш келмади:

— Лифт ишламаганда, тўққизинчи қаватга зинадан чиқавериб, пишиб кетганмиз. Кулишишди.

— Ҳов, анави ерни кўраяпсизларми?— кўрсаткич бармоғи билан юқорига ишора қилди Дўнанбой.

— Қайси? — атрофга аланглади Расулжон.

— Мана бу сўқмоқ ҳув юқорига, тўғри ғорга олиб чиқади. Ана! Ғорнинг оғзи қорайиб кўриниб турибди,— деди Дўнанбой қандайдир қушчалар вижирлашиб ётган улкан қояни кўрсатиб.

— Хўш, у ерда ибтидоий одамлар ишлаган суратлар борми? — сўради Расулжон.

— Йўқ. Ундан ҳам қизиқ!

— Нима экан? Эртаклардагидек сеҳрлими? — сўради Малика.

— Сал яқинлашдингиз. Шунақа деса ҳам бўлади,— кўзларини қувлик билан қисди Дўнанбой.

— Вой-бў-ў, айтиб қўяқолмайсизми энди, юракни тоширмай! — деди Расулжон қизишиб.

— Чиқайлик, кейин...

Бир-бирларининг қўлларидан тутиб, ғор тарафга чиқишди.

Ғорнинг одатдагиларидан сира фарқи йўқ эди. Атрофини тошлар орасидан ёриб чиққан буталар, ўт-ўланлар қоплаган, оғзи ўпқондек ғор.

— Хўш, энди «сим-сим, оч эшигингни!» дейишимиз керакми? — кулди Расулжон.

— Йўқ, ошна, бу ерга кириш керак.

— Аттанг, қўлчироқни олволсак бўларкан,— астойдил ачинди Расулжон.

— Йўқ, шарт эмас. Ичи ёп-ёруғ.

— Қанақасига? — таажжубланди Малика.

— Шунақасига,— кулди Дўнанбой.— Лекин айтиб қўяй, бу ғорга киришга ҳамма ҳам журъат этавермайди.

— Нимага?

— Айтишларича, кимнинг бўйнида гуноҳи ё айби бўлса, у ердан чиққанда сочлари пахтадек оқариб кетар эмиш...

Орага жимлик чўкди. Эр-хотин ғорнинг оғзига тикилганча қотиб қолишди.

— Қизиқ, шунинг учун бу ерга ҳеч ким кирмайдими? — сўради Расулжон.

— Йўқ, нега? Киришади. Масалан, ўзим беш-ўн марта кирганман.

— Хўш?

— Унча-мунча гуноҳим бор экан,— Дўнанбой хохолаб кулиб юборди ва бошини эгиб, битта-яримта оқ оралаган сочларини кўрсатди.— Мана!

Кулиб юборишди.

— Балки, ростдан ҳам шунақадир? — товуши титраб сўради Малика.

— Ким билади дейсиз, келин! — деди Дўнанбой бепарво оҳангда ва қўшиб қўйди.— Ҳа, энди, ота-боболардан қолган бир гап-да!

— Хурофот деймизу, бунақа гаплар бежиз айтилмайди,— деди Расулжон.

— Хўш, кирамизми? — илжайди Дўнанбой.— Худди йўлакнинг ўзи. Доминглардаги подъездга ўхшайди. Бу ёғидан кириб, у ёғидан чиқамиз.

— Йўқ, мен кирмайман,— деди шошилиб Малика.— Мен шу ерда кутиб ўтира қоламан.

— Бе, нега қўрқасиз, келин? Бу бир афсона-ку! Юринглар! — ўрнидан қўзғалди Дўнанбой.

Малика эрининг пинжига суқилиб олди. Унинг ранги қув ўчган, қўллари сезилар-сезилмас титраб турарди.

— Нима, ростдан ҳам қўрқаяпсанми? — хотинининг қулоғига шивирлади Расулжон ўзининг ҳаяжонини сездирмасликка уриниб.

— Вой, ғорда ҳар бало бўлиши мумкин-а? — деди Малика.— Илонми? Чаёнми?!

— Ҳеч нима йўқ, келин,— деди Дўнанбой уларга далда бериб.— Бир йили мактабимизнинг «тирик бурчаги»га илон қидириб шу ерга чиққандик, илон тугул чуволчанг ҳам тополмаганмиз!..

Ғорга киришлари билан моғор ҳиди димоқларига урилди. Эр-хотин Дўнанбойга эргашганча қоқила-суқила ичкари киришди. Чиндан ҳам ғорнинг ичи ғира-шира ёруғ, икки тарафдаги харсанглар худди йўниб текислангандек силлиқ, Дўнанбой айтмоқчи, «йўлакнинг ўзи» эди. Ҳув, нариги тарафдаги ғорнинг нариги оғзи ҳам шундоқ кўзга ташланиб турарди. Олдинда бораётган Дўнанбойнинг овози гулдираб эшитилди:

— Бу ғорни қадимги овчиларники бўлиши керак, деб тахмин қилишади...

Бу гап ҳам эр-хотинга тасалли бермади. Улар шу топда ғаройиб бир ўлкада сайр қилиб юрган сайёҳлардек ҳис қилардилар ўзларини. Гўё Дўнанбой эртакчи-ю, ажиб бир ривоятни ҳикоя қилиб бораётгандек.

— Қадимда ҳар бир овчи шу ғорга қўниб ўтгач, ўзидан кейин ўтинми, чақмоқтошми, туз ё ўқдорими, ишқилиб бирон нима қолдириши керак экан. Ўзидан кейин келиб қоладиган бошқа овчилар учундир-да! Бошқалар ҳам шу ёзилмаган анъанани давом эттиришган экан.

— Яхши одат экан. Ҳозир-чи? — сўради Расулжон.

Дўнанбой хохолаб кулиб юборди. Ғор гулдираб кетди:

— Ҳозир қаёқда? Қолдириб кетиш у ёқда турсин, бошқаларникини ўмариб кетишар! Жуда ов қилгилари келса, марказга — Ҳуснободга бориб «Тир»да айиқ, бўриларнинг суратини отиб, сал ҳовурларини босиб юришади. Ов қилиш ман этилган. Овчилар ҳам йўқ ҳисоб...

Расулжон йўғон ўрим сочларига ўхшаш қорамтир илдизлар осилиб ётган ғор шифтига тикилганча тўхтаб қолди:

— Дўнанбой! Бу ҳалиги... ғорга кирган гуноҳкорнинг сочлари оқариб кетади деганлари бор гапми ё одамлар тўқиб чиқаришганми-а?

Дўнанбой ошнаси тарафга ўгирилиб илжайди:

— Ким билсин, балки: «Ҳой инсон, кўзларингни каттароқ оч!» деган бир мақсадда айтилган ҳам бўлиши мумкин. Бир олам гуноҳ билан одам саналиб юрганлар кўп-ку, ахир!

Расулжон индамади.

Ниҳоят, ғорнинг нариги оғзидан чиқишди. Маликанинг кўзлари қуёш нуридан қамашиб кетди.

— Вой-бў, Расулжон! Шунча гуноҳ билан қанақа қилиб бош кўтариб юрибсиз, ошна?— кулди Дўнанбой ва Маликага имо қилди.— Кўраяпсизми, келин?

Малика шубҳаланиб эрининг бошига кўз ташлади.

— Ие, бунақа сирни фош қилманг-да, Дўнанбой! — деди Расулжон танглайини тақиллатиб.

Иккала оғайни қийқириб кулиб юборишди.

— Меники-чи? — секингина сўради Малика эридан.

— Сени сочингда оқ нима қилади, тентак? — Расулжон кула-кула хотинининг елкасидан қучди.

* * *

...Шу кеча Малика ажриққа юмалагандек бўлиб чиқди. Кўзини юмди, қаршисида ғор пайдо бўлаверади, қулоқлари тагида эса Дўнанбойнинг сўзлари такрорланаверади. «Айтишларича, кимнинг бўйнида гуноҳи ё айби бўлса, сочлари пахтадек оқариб кетар эмиш...»

«Нега шу ғорга кирдим ўзи?.. Улар, буларнинг ҳаммаси бир афсона деди-ку!.. Барибир қўрқинчли... Чунки, гуноҳ... гуноҳмиди у? Йўқ, жиноят, хиёнат эди у!..»

Малика бундан бир неча йиллар муқаддам содир бўлган, ўша мудҳиш воқеани ҳарчанд эсламасликка уринмасин, у бутун даҳшати билан яна кўз олдида намоён бўлаверди, бўлаверди...

* * *

«Қизнинг бозори бир қизийди», деганларича бор экан. Ўша кезлари совчилар Маликаларнинг эшигини бузгудек эдилар. Кундакун ора ясан-тусан қилган, узун-қисқа хотин-халажлар кириб келаверишади. Маликани бўлса, бунга сари кулгиси қистарди. «Тавба! — дерди ўз-ўзига.— Танимаган-билмаган эшикни тақиллатиб: «Қизингларга харидор бўлиб келдик», деяверса! Харидор эмиш! Гўё қиз бола бирон буюму, улар сотиб олмоқчидек...» Маликанинг наздида ҳеч ким уни тушунмасди.

У институтнинг олди гўзалларидан ҳисобланарди. Орқасидан соядек эргашиб юрадиган, «ўлдим-куйдим» деб хат ёзадиганлар сон мингта эди. Аммо Малика бунақаларни жини суймасди. Тўғри, юқори синфда ўқиётган кезларида, институтнинг биринчи-иккинчи курсларида ўқиган китобларининг таъсиридами, кўрган кинолари туфайлими, ўзи севиб қоладиган йигитни машҳур ҳинд киноюлдузлари қиёфасида кўргандек бўлар, аллақаерлари уларга ўхшаш йигитларни учратганда юраги бир орзиқиб кетарди. Кейинчалик, фикри ўзгаргандек бўлди. Унинг идеалидаги йигит оғир-вазмин, мард ва олижаноб, мағрур ва албатта келишган бўлиши керак эди. Боз устига, алоҳида квартираси, шахсий машинаси ҳам бўлса... Нотавон кўнгил экан-да! Малика шунақа йигитни учратаман деб кўп йилларни ўтказди. Учратгандек ҳам бўлди. Аммо улар, Маликага чиройли бир буюмга қарагандек, бўйдоқ йигитларга хос қизиқиш билан тикилсалар-да, парво қилмасдилар. Тегажақлик қилардилар, гап отардилар, аммо буларнинг барчаси жиддий эмас эди. Ҳатто, худди ана шунақа Малика орзу қилган йигитлардан ҳам совчилар келди. Аммо бўлмади... Биринг олий маълумоти йўқ, иккинчиси илгари уйланган, учинчисининг олтита ака-укаси бор... «Бир камим олтита ака-уканинг майка-трусиларини ювиб юриш эди», деди. «Поварга тегмайман, ёғ ҳиди келади», деди. «Хотин қўйгани мени ўпаётганида аввалги хотинини эслайди», деб ўйлади. Худди шунақа ўз ёғига ўзи қовурилиб юрган кунларининг бирида, ўпкасини шамоллатиб қўйди-ю, касалхонага тушиб қолди.

...Азаматни шу ерда учратди. Учратди-ю, оромини йўқотди-қўйди. Хушбичим мўйловли, кўзлари ҳамиша кулиб турадиган бу йигит уларнинг палата врачи эди. У беморларга ниҳоятда меҳрибон, ширинсўз, ҳазилкаш эди. Ҳар сафар у палатага «обход»га кириши олдидан, Малика кафтдеккина кўзгусини олиб, шоша-пиша пардоз-андоз қилиб олар ва каравотда чиройли оёқларини чалиштирганча, гўё журнал ё китоб ўқиб ўтирган бўларди. Ҳар сафар Азамат бўйнидаги стетоскопини олиб, унга: «Қани, Малика ҳон, юракни бир эшитиб кўрайлик-чи, нима гаплар бор экан?» деб ҳазиллашар, Малика ҳам: «Э, Азамат ака, юракда гап кўп. Ўзимдан сўраб қўя қолмайсизми?» дея бўш келмасди. Малика ички бир туйғу билан Азаматни бошқаларга нисбатан ўзига меҳрибонлигини, алоҳида эътиборини сезар, сезган сайин бундан кўнгли тоғдек юксалиб, завқланиб кетарди.

Малика касалхонадан чиқадиган куни телефон номерларини алмашишди. Шу-шу телефон орқали суҳбатлашиб турадиган, кўп ўтмай гоҳ хилват хиёбонларда, кинотеатр олдида, рақс майдончаларида учрашадиган, баъзан Азаматнинг «Жигули»сида шаҳар атрофига чиқадиган ҳам бўлишди.

Азамат суҳбати жонон йигит эди. Билмайдиган нарсаси йўқ. Гоҳ Италия неореализми, Антонини ва Феллини фильмлари ҳақида баҳс бошласа, гоҳ «поп» музикасию ҳозирги замон эстрадаси, гоҳ Кафка ва Пруст асарларию сўнгги модалар, муҳаббат эркинлиги ҳақида суҳбат қурарди. Малика унинг Юнусободдаги квартирасига ҳам бориб турадиган, Азаматнинг дўстлари-улфатлари тўпланадиган кечаларда ҳам қатнашадиган бўлди. Улар — ёш врачлар, актёрлар, рассомлар, шоирлар эди. Улар ярим тунга қадар танца тушишар, ичишар, чекишар, карта ўйнашарди, чет эл видеофильмларини томоша қилишарди...

Малика ҳар сафар Азаматнинг пинжига кириб, лабларига лаб босарди-ю, негадир у кўзларини олиб қочишини ички бир туйғу билан сезар, ҳар сафар юраги орқага тортиб кетарди. Аммо сўрашга ботина олмасди.

Кўп ўтмай, ҳаммаси маълум бўлди. Малика кунларнинг бирида метрода ўзи ётган касалхонада ишлайдиган Зуҳра исмли ҳамшира қизни учратиб қолиб, ундан Азаматнинг илгари уйланганини, битта ўғилчаси ҳам борлигини, яқин беш-олти ойдан бери хотини билан қўйди-чиқди бўлиб юрганини эшитди-ю, адойи-тамом бўлди. Азамат оиласини ташлаб, унга уйланаман демади. Малика ҳам унга тегаман деб осилиб олмади. Аммо кўнгли ғаш бўлиб қолди. Вужудига иркит бир нарса теккандек ҳис қилди ўзини. Юз-кўзларига алланечук маъюслик ўзининг шафқатсиз муҳрини босди...

Худди ана ўша кезлари Расулжон исмли ўқитувчи йигит унга совчи юборди. Малика ниҳоятда оғир-вазмин, камсуқум бу йигитга Анҳор бўйида илк бор учрашганларидаёқ турмушга чиқишга рози бўлди. Аслида, энди унга ҳаммаси барибир эди. Расулжон эса, тақдирнинг бу мукофотидан, толе ўзига шундай тенги йўқ гўзални инъом этганидан маст ва масрур эди. У Маликани еру кўкка ишонмасди. Кейин-кейин Малика ҳам кўникиб кетди. Мана энди бугун бўлса...

Мана ҳозир тун қўйнида, шаҳардан олис, хилват бир тоғ қишлоғидаги шийпонда ётибди-ю, яна ўша кезларни эслади. Эслади-ю, юраги тўлиқиб кетди, мижжаларида ёш йилтиради.

Хуллас, ўшандан кейин икки йил ўтмай, Расулжон район халқ маорифи бўлимига ишга ўтди. Алоҳида квартира олишди. Аввал қизлик, кейин ўғилчалик бўлишди. Ҳозир яна ҳомиласи бор. Буни фақат ўзи билади, холос. Расулжонга айтганича йўқ...

Малика шу кеча туш кўрди. Тушида фарзанд кўрганмиш. Туғуруқхонадан чақалоқни олиб чиқишаётганда, Дўнанбой ҳадеб: «Қаний, битта кўрай! Кимга ўхшаркин, сизгами ё Расулжонгами?» деб сўрармиш. Малика аста чақалоқнинг юзини очибди, қараса... чақалоқ худди қуйиб қуйгандек... Азаматнинг ўзимиш... Додлаб, боласини қўлидан ташлаб юборибди...

Малика йиғлаб уйғониб кетди. «Вой тавба! Нималар бўлаяпти ўзи, худойим?!» дерди титраб. Тонг ёришгунга қадар ухлаёлмади. Кўзини юмди, гоҳ Октябр инқилоби хиёбонининг қоронғу бир бурчида Азамат билан ўпишаётган бўлади, гоҳ Азамат билан қўл ушлашиб «Панорама» кино-театридан чиқиб келаётган бўлади, гоҳ ҳозиргина кўр-

(Охири 9-бетда)

Ф. Аъзамов чизган расм.



Сирожиддин АҲМЕДОВ

# ХАЛҚИ УЧУН ЁНГАН

## Санжар Сиддиқ ҳаётига бир назар

Ўзбек матбуоти, театр танқидчилиги намояндалари ҳақида гап кетганда, беихтиёр, Санжар Сиддиқнинг сиймоси киши кўз олдига келади. Зеро, унинг таржимонлик, танқидчилик, мухбирлик фаолияти ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Санжар Сиддиқ — Босит Сиддиқовнинг адабий тахаллуси. У (1902—1937) Тошкентнинг Сақичмон маҳалласида дунёга келди. Дастлабки таълим-тарбияни эски мактабда олган бўлса-да, аммо мустақил мутолаа билан маълумотини ошириб борди. Санжар Сиддиқ ижодининг илк тадқиқотчиси, шоир Отаёр Наҳановнинг ёзишича («Гулистон», 1977 йил, 7-сон), у рус, инглиз, форс тилларини пухта ўрганган.

Ижодкор матбуотда илк бор «Қизил байроқ» газетасида иш бошлаганда ўн тўққиз ёшда эди. Мазкур газетада масъул саркотиб лавозимида ишлаш жараёнида Ғози Юнус, Мамат Ҳасан, Шоҳрасул Зуннун, Аъзам Айюб, Вали Галломов, Аҳмаджон Муҳаммаджонов каби тажрибали журналистлардан ҳамда ўша давр сўзи билан айтганда, газетанинг «фаол ёзишғучилари» Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдурраҳмон Саъдий, Маннон Ромиз, Қаюм Рамазон, Али Исмоилзода, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Акмал Икромовдан ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, адабий муаммоларни ёритишни, таржима сирларини ўрганди. Бу тажриба унинг «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон», «Озод Бухоро» газеталарида, «Ер юзи» — «Машъала» — «Гулистон», «Муштум» журналларида ишлаш пайтида қўлланма вазифасини ўтади.

Босит Сиддиқов матбуотда Санжар Сиддиқ (асосан), «Китобхон», «Томошачи», «Санжар», «Бир киши», «Газетачи», «Тошкентлик», «Кўзқулоқ», «Санжар нафратчи» ва бошқа тахаллуслар билан мунтазам қатнашиб турди.

Толмас ижодкор мухбирчилик фаолияти билан чекланиб қолмади. Марксизм классикларининг асарларини чуқур ўрганди ва ўзбек тилига таржима қилди. Жумладан, 1929 йили «Коммунистик партия манифести»ни китобхонларга ўзбек тилида тақдим этди. У ижтимоий-сиёсий адабиётларни таржима қилиш билан чекланмади, бадиий асарларни ҳам ўзбек тилига маҳорат билан ўгирди. Чунончи, Лев Толстойнинг «Кавказ асири», Лопе де Веганинг «Қўзибулоқ қишлоғи», Н. Погодиннинг «Менинг дўстим», Н. Зарҳинингнинг «Шодлик кўчаси» ва бошқа кўпгина асарларни рус тилидан таржима қилди.

Шунингдек, таржима назарияси билан ҳам шуғулланди. Унинг «Адабий таржима асослари», «Саҳнада тил», «Одам тушунмайдиган сўзлар ва осон тилда ёзиш тўғрисида» мақолалари ҳамда «Адабий таржима санъати» китоби (1936) фикримизга мисол бўла олади.

Санжар Сиддиқ ва таржима санъати ҳақида гап кетганда, Чўлпоннинг «Ҳамлет»нинг таржимаси устидаги баҳсларга адолатли ҳакам бўлганини эслаб ўтиш ўринлидир. Маълумки, Ҳамза номидаги ўзбек давлат драма театри 1935 йили Шекспирнинг «Ҳамлет» асарини саҳналаштирди. Шоир Чўлпон «Ҳамлет» фожиасини рус тилига Р. Каншин томонидан ағдарилган нусхасидан фойдаланиб ўзбекчалаштирган.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1936 йил 27 июл сонида Назир Тўрақуловнинг «Ҳамлет»га туҳмат» мақоласи босилди. Тўрақулов бошқа манбага асосланиб, Чўлпоннинг таржимасини ер билан яксон қилади, ҳатто уни «отбоқар», «миршаб» деб, «ҳеч бир совет матбуотида ишлатилмайдиган терминлар билан сўкади» (Чўлпон нутқидан). Ана шу келишмовчиликка Санжар Сиддиқ хотима ясаб, «Туҳматга ўхшаган танқид» («Қизил Ўзбекистон» 16 август, 1936 йил.) мақоласини эълон қилади. «Бу кунгача Шекспир асарларини тафсирловчи юзларча, мингларча мақолалар, асарлар, китоблар босилган,— дейди С. Сиддиқ.— Рус адибларининг энг усталаридан аллақанча кишилар булар устида ишлаганлар. Русча таржималар устида улуғ танқидчи Белинскийдан тортиб, то замонамиздаги шекспиршуносларгача қанча-қанча мунаққидлар, ёзувчилар фикр юргузганлар. Лекин...

Лекин шундай бўлса ҳам рус адабиётида бу кунгача Шекспир асарларининг тўғри ва мукаммал таржимаси йўқ». Кўриниб турибдики, мунаққид бир асарнинг бир неча таржималари ва улар турлича бўлиши мумкинлигини айтиб, Н. Тўрақуловнинг даъвосига илк раддияни беради ва «шу ҳолда таржимондан бундан икки йилгина бурун бўлган ўзбекча таржимадан, биринчи таржимадан, бевосита эмас, учинчи қўл орқали бўлган бир таржимадан мукаммаллик, хатосизлик талаб этиш мумкинми?» дейди. «Токи «41 даражали ҳарорат билан касалхонадан қочган кишини сўзлари» қаёқдан келаётгани аниқ бўлсин» учун Тўрақуловга Каншин, Лозинский нусхаларини қиёсий солиштириб, ўртадаги фарқни кўрсатиб беради. Чўлпон таржимасидаги камчиликларни хаспўшламайди. Шу билан бирга «Чўлпон биринчи мартаба бизга «Ҳамлет»ни таништирган экан, унинг иккинчи таржимасида ҳам хизмат этишига ишона оламиз. Уни Абдихолиқ элликбошига ўхшатиш инсофсизлик бўлади», дейди.

Санжар Сиддиқ ўзбек театр танқидчилигида ҳам ўз овозига эга бўлган мунаққиддир. У театр санъати, драматургияга жуда навқиронлигида аралашди. 1920—21 йилларда Тошкент эски шаҳар маориф шўъбаси қошидаги репертуар коллегиясида (цензурада) ишлаш чоғида драматургия сирлари билан танишди, театр санъати ривожиётини кузатиб борди ва жараёнга мардонавор бош қўшди.

Маълумки, 20-йилларда Тошкентда жуда кўп ҳаваскорлик тўгараклари фаолият кўрсатар эди. Улар миллий, анъанавий қизиқчилик санъатидан узоқлашиб, Европа театри туридаги ўзбек театрини яратиш учун интилдилар. Шу аснода усмонли турк, озарбойжон тилидан Шиллернинг «Қароқчилар», «Макр ва муҳаббат» фожиалари ўзбек тилига таржима қилинди. Шекспирнинг зикр этилган тиллардаги «Ҳамлет», «Ромео ва Жулетта», «Макбет» фожиалари театрчиларни сеҳрлаб қўйди. Янги иқтисодий сиёсат даврида ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўзбек театри ўзини тиклаб олиш учун пул ишлаш ва ўз биносини қуриш пайига тушган эди.

Театрнинг йўналиши, репертуари ҳақида ҳеч ким ўйламас, ўзбек санъатининг жонкуяри Маннон Уйғур эса Москвага ўқишга кетган эди. Анъанавий театрнинг Карим қизиқ, Жўра қизиқ, Ҳожи Ҳамдам, Юсуфжон қизиқ сингари намояндалари фаолиятига эътибор йўқ эди. Бу муаммо Санжар Сиддиқни ҳаяжонга солади. У «Ўзбек театри» мақоласида шу масалани кўтариб чиқади. «Кейинги кунларда,— дейди мунаққид,— театрудан халқнинг муздай совуганлиги кўриладир. Жуда кўп эълон ва мақташлар билан қўйилган уюшмаларимизга келган кишиларнинг сони шунинг қўйилишига қатнашувчиларнинг ададига етмай хинна томоша учун эмас, залда кўриладиган воқеалар учун келадилар. Лекин кўпинча театрудан хурсанд бўлиб қайтган бир кишини ҳам кўриб бўлмайдир. Бунинг сабаби нима?» Жавобни ҳам ўзи топади. «Саҳнамизга чиққан ҳар бир «ўйин» (яъни спектакл — С. А)нинг европача бўлганлиги дуруст эмаслигидек, ўз қаламларимиз билан ёзилган ва ўйналган томошанинг муҳитимизга назаран ғайри табиийлиги, ҳар бирининг яна шу «европали»лик ариғида оқиб борганлиги ва буларнинг ижросидаги Европа кўзи билан қараб қиймат қўйилмоғи, халқимизнинг саноийъ нафиса ва театруга муҳаббат қўймаслигига сабаб бўладир».

Дарҳақиқат, ўзбек халқ театри руҳида тарбияланган, томошабин усти ёпиқ саҳнада, ажойиб безатилган ҳаётий спектаклни қабул қилиш қийин эди, бу — бир. Иккинчидан, ўша даврда қўйилган баъзи спектакларда томошабинга маънавий-руҳий озиқ берадиган асарлар ниҳоятда озлиги сабабли, драматургия талабларидан узоқ бўлган ҳаваскор «драматург»лар халқнинг жиғига тегадиган йўсинда асар ёзиб, кўпинча ўзлари саҳналаштирганлар. Буни мунаққид ҳақли равишда инкор этади. «Бир кўп томошаларимизда,— дейди у,— халқнинг кўпчилигини мазаммат қилмоқ ва сўкиш йўллари тутулгани кўриладир, ҳолбуки бизнинг томошаларимиз халқимизни ўзига жалб эта олмоқ учун уни сўкмак эмас, руҳини кўтармак билан тарбия қилмоқлари керакдир».

Октябр инқилобининг ҳарорати авж нуқтасида бўлган паллада томошабин билан юзмаюз гаплашадиган театр, бинобарин халқнинг дилидагига кўзгу бўладиган санъат зарур эди. Бу қисман Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» музикали драмасида кўринди. Санжар Сиддиқ буни юракдан ҳис қилди. Шу боис у «Ҳақиқатан халқимиз театрдан фақат «томошо»нигина кутадир. «Ҳалима» операсида халқимиз Маъсума хонимнинг санъаткорона ашуласидан таъсирланар экан, бунинг сабаби, шу томошадан «келин тушди» ва «тортишмачоқ» ўйинларидир. Агар «Ҳалима»нинг шу хусусияти бўлмаса эди, кўпчиликнинг диққатини ўзига бу қадар жалб эта олмас эди», — дейди. Кўриниб турибдики, мунаққид анъанавий театрга хос элементларни санъатга олиб кириб, НЭП даврида ўзини боқа олмаётган театрлар олдига «ғоявийлик» билан бир қаторда «томошавийлик» муаммосини ҳам қўймоқда. Негаки, спектакл томошавий бўлмаса, томошабин иккинчи бор театрга келмаслиги табиий эди. Чунки ўша йилларда ҳар қандай томоша «Байналмилал» билан бошланиб, «Марселеза» билан тугар, асарнинг ўзи эса ташвиқотдан иборат бўларди.

Ўз халқи табиатини, савиясини яхши билган Санжар Сиддиқ Европа туридаги театр ва миллий театр синтезидан иборат мутлақо янги услубдаги театр яратиш фикрини олға сурди. «Бизнинг театримиз,— дейди мунаққид,— қимор ва бачча ўйинлари, сафсата, базм мажлислари, чойхона манзаралари, баччадан, «полвон»лардан (яъни полвон Качал — С. А.) ва булардан чиққан фожиалардан иборат бўлмоғи лозимдирки, бунинг халқимизга таъсирини Шекспир ва Шиллерларнинг қўйилишида кўрсатиладиган санъаткорликлардан топа олмаймиз. Бу кун адабсиз Карим масхарабоз, Рафиқ ва Жўра қизиқлар халқимизнинг энг суюклик сиймоларидирлар.

...Бизга бу кун халқнинг диққатини ўзига тортиб, унга бир таъсир ижро қила олурлик «муқаллид»лар лозимдир».

Бу эндигина тетапоя қадам ташлаётган, Европа туридаги ўзбек театри арбоблари учун ҳам, ёш жумҳурият Маориф Комиссарлиги учун ҳам мутлақо янги муаммо эди. Шу сабабли Санжар Сиддиқнинг «Ўзбек халқ театрини тузиш» ҳақидаги таклифи амалга оширилмай қолиб кетди. Оқибатда минг йиллар мобайнида ўз хиллари, жанрлари, репертуари, актёрлик маҳоратига эга бўлган миллий театр инқирозга учради, унинг айримлари эса мутлақо йўқолиб кетди.

Санжар Сиддиқ ўзбек театрининг ҳар бир қадамини, унинг намояндалари фаолиятини зийраклик билан кузатиб борди ва тараққиётига ўз ҳиссасини қўшди. Ҳамза номидаги драма театри учун турли йилларда Н. В. Гоголнинг «Ревизор», Лопе де Веганинг «Қўзибулоқ қишлоғи», Ас-Ҳабиб Вафонинг «Бўмбай» асарларини таржима қилиб берди.

СССР халқ артисти, СССР Давлат ва жумҳурият Ҳамза мукофотлари соҳиби Сора Эшонтўраевадан Санжар Сиддиқ таржималари ҳақида суҳбатлашганимизда Сора опа мамнуният билан шундай дедилар: «Санжар Сидиқ ниҳоятда билимдон ва камтарин киши эди. Театримизга кўп келиб турарди. Санжар ака таржима қилган «Қўзибулоқ қишлоғи» драмаси худди ўзбек тилида ёзилгандай чиққан эди. Мен бош қаҳрамон Лауренсия ролини ўйнардим. Биз артистлар учун «Қўзибулоқ қишлоғи» пьесаси қўйиладиган кун байрамдек бўлиб кетарди. Бизга унинг ғояси, воқеалар, ундаги персонажларнинг ўй-фикрлари, ҳис-туйғулари жуда яқин бўлгани учун қалбимизга сингиб қолган эди. Айниқса Лауренсиянинг монологи томошабинларда катта қизиқиш уйғотган эди. Умуман бу асарни кўпчилик қайта-қайта томоша қиларди, артистлар ҳам ролларини мириқиб ижро этишарди.

Муҳими шундаки, Санжар ака ҳар бир репетицияга эринмай келарди, тушунмаган сўзларимизни шарҳлаб берарди. Репетиция мобайнида актёрларнинг талаффузига қараб, баъзи сўзларни ўзгартириб берарди. Бу биз актёрларнинг асар ғоясини томошабинга етказишимизда қўл келарди».

Актёрлар билан ҳамкорлик қилиш, бевосита саҳна нутқи маданияти масалалари билан тўқнашиш самараси сифатида «Саҳнада тил» мақоласини ёзди. «Саҳна тили, артистнинг сўзи— кенг ва мураккаб масала» бўлгани учун мунаққид унинг уч нуқтасини кўрсатиб беради. «Биринчи,— дейди Санжар Сиддиқ, — асар ёзувчи драматургнинг адабий моҳирлиги, услуби, иккинчи — артистнинг дикцияси (талаффузи) сўзни томошабинга етказиб бериши, учинчи — оҳанг, сўзлаш».

Ижодкор артист ва режиссёрлар талабига асосланиб драматургларнинг жумлалари нечоғлик силлиқ, иборалари содда бўлиши кераклигини уқтиради. Артистлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Уларнинг талаффузига жиддий аҳамият беради. Айниқса, сўзни томошабинга етказиб бериш, образнинг характерига путур етказмаслик санъаткорнинг маҳоратига боғлиқ эканини тушунтириб беради: «Саҳнада шундай сўзлаш керакки, дудуқ ва соқов типларнинг оғзидан чиққан сўз ва товушлар ҳам томошабинга етиб борсин. Буни артистлар «дикция» деб атайдилар. Артистнинг санъаткорлик маҳорати кўпроқ унинг талаффузи билан ўлчанади».

Мунаққид ушбу мақоласида профессионал артистлар олдига «артист саҳнада турмушнинг табиийлигини сақлаши лозим, саҳнада ўзи ўйнаган типнинг табиий ҳолатига кира билиши керак, актёр театрда «артист» бўлиб эмас, «ўша одам» бўлиб ўйнаши зарур», деган ўта замонавий талабни қўйди.

«Ўша одам» бўлиб ўйнаш зарур», деган сўз образ ҳаёти билан яшамоқ санъатидир. Афсуски, бундай вазифанинг ҳозирги кунда ҳам кўп артистлар уддасидан чиқа олмаяптилар.

Актёр ва режиссёр ижоди, маҳорати ҳақида гап кетганда, бевосита Санжар Сиддиқнинг Аброр Ҳидоятов ва Маннон Уйғурга бағишланган «Етуклик учун имтиҳон» («Машъала», 2-сон, 1934 йил), «Уйғур» («Қизил Ўзбекистон», 1935 йил, 5 март) мақолалари хотирага келади. Мунаққид шингил мақолада Маннон Уйғурнинг ўн тўққиз йиллик фаолиятига назар ташлайди, унинг изтироблари, шодликларию орзуларини оммага ёяди. Ушбу мақоладаги икки муҳим факт эътиборга сазовордир. Биринчиси — «Маннон Мажидий (Уйғур)... артист бўлиб танилиши ва режиссёр бўлиши инқилоб соясида юзага чиққан». Иккинчиси — «1919 йилнинг январ воқеасининг эртасигаёқ Уйғурнинг «12 соатлик ҳукумат» деган асарни ёзиб, саҳнада ўйнаб чиқиши, унинг Октябр инқилобига ижодий иш билан садоқат кўрсатиши».

Айрим кишилар Маннон Уйғурнинг 1919 йил январ ойида Тошкентнинг янги шаҳар қисмида содир бўлган Осипов раҳбарлигидаги ғайриинқилобий исённинг бостирилишига бағишлаб асар ёзганига шубҳа билан қарашади. Ваҳоланки, у «12 соатлик ҳукумат» комедиясида айнан шу воқеани қаламга олган эди. Санжар Сиддиқ эса ушбу асар томошабини сифатида буни бир карра тасдиқлаяпти. Бу — театршунослик илми учун муҳим далилдир.

Жаҳоншумул санъаткор Аброр Ҳидоятов фаолиятига бағишланган «Етуклик учун имтиҳон» мақоласи буюк актёрнинг ҳаётидаги катта воқеа — Шекспирнинг «Ҳамлет» асарида Ҳамлет образини яратиш арафасида битилган, Ғози Юнусдан кейин унинг истеъдодига берилган иккинчи баҳо эди. Санжар Сиддиқ ўз қаҳрамонини ҳаёлий иборалар билан алқамайди, сохта мақтовлар билан кўкка кўтармайди. Ҳидоятов ижодидаги «кемтик»ни очиқ айтиш билан унинг ютуқларини ҳам адолат билан тилга олади: «Унинг саҳна ҳаётида оригинал ва таржима асарлар юзасидан яратган образлари жуда кўп, уларни ўрганиш, текшириб билиш учун бутун бир китоб ёзса бўлади.

Аброр ўзининг ўтмиши, хизмати, ижодчилиги, ишга жонкуярлиги билан қараши билан ҳам, характерларни гавдалантириш масалаларини инсоф билан ҳал қилиши билан хизмат кўрсатган санъаткор номини олишга сазовор...»

Санжар Сиддиқ театр муаммолари, санъаткорлар фаолиятини ёритиш билан чекланмади. У танқидчи сифатида янги спектакллар ҳақида танқидий мақолалар ёзди. Унинг Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун», Анқабойнинг «Шодмон», Молернинг «Мусофирхона бекаси», «Ниқоб йиртилди» устида диспут», «Босмачилар зулми», «Москва инқилоб театри Тошкентда» тақризлари эътиборга молик.

Ижодкорнинг «Адабиёт кучларини тўплаш керак», «Танқид ва мулоҳаза», «Умархон даври ва мулла Гулханий», «Кучли бир восита» мақолалари унинг таржимонлик, театр танқидчилиги билан бир қаторда адабиётшунос сифатида меҳнат қилганини ҳам кўрсатади.

Санжар Сиддиқ Октябр инқилобининг ғояларини тараннум этган ўзбек миллий матбуоти, театр санъати тараққиётига улкан ҳисса қўшган, моҳир таржимон, таржимашунослик асос солган толмас ижодкордир. Шуни дард билан таъкидлаш керакки, инқилоб ва маданият тарғиботчиси бўлган Санжар Сиддиқ умр дарахтини сталинизм эрта қуритди. Халқи учун ёнган ҳассос ижодкор ҳалок этилганда эндигина 35 ёшга кирган эди...

---

(Давоми, боши 7-бетда)

ган тушини эслаб баттар ваҳимага тушади...

Эрталаб у Дўнанбойнинг қўлбола мўрчасида ювинаётиб, ойнада ўзини кўрди-ю, чинқириб юбораӗзди, гангиб-каловланиб қолди. Унинг икки чеккасидаги жингалакка мойил гажаклари оппоқ оқариб кетган эди...

* * *

— Ие, нега бўронда қолгандек рўмол ўраб олдинг? — сўради таажжубланиб Расулжон ичкари уйдан чиқаётган хотинини кўриб.

Маликанинг оқ-сариқ юзлари дув қизарди.

— Қулоғим оғрияпти,— деди у толғин товушда ва шу заҳоти кўнглидан кечди: «Яна алдадим!..»

— Унда, кеча тоғда шамол тегибди-да, келин,— деди Дўнанбой хижолатли оҳангда.— Гуноҳ менда, келин!

«Гуноҳ! Гуноҳкор менман-ку!» — лабларини аламдан тишлади Малика.

* * *

Малика эртаси эрталаб: «Қайтамиз!» деб туриб олди. «Болаларни туш кўрдим, хавотирланаяпман», деди, «Қулоғим ҳам босилиб қўяқолмаяпти», деди. Хуллас, Расулжон ҳам ноилож қолди. Дўнанбой қўшнисининг машинасида уларни беш чақирим наридаги Ҳуснобод шаҳарчасининг станциясигача кузатиб чиқди.

* * *

Шаҳарча станцияси одамлар билан гавжум эди.

Расулжон билан Дўнанбой майдончадаги ўриндиқлардан бирида суҳбатлашиб ўтиришаркан, Маликанинг қандай қилиб ёнларидан ғойиб бўлиб қолганини сезишмади. Малика поезд станцияга кириб келаётганида тепасига «Почта», «Буфет», «Гўзаллик салони» деб ёзиб қўйилган икки қаватли ғиштин бинодан чиқиб келди. Юз-кўзларида табассум. Унинг бошида кеча ўраб олган рўмоли йўқлигига, янгигина бўялган қопқора сочлари шамолда елкаси узра ёйилиб тушганига Расулжон ҳам, Дўнанбой ҳам эътибор беришмади.

Диктор қиз дона-дона қилиб поезднинг йўлга чиқишини такрорлаб турар, майдончада ким кузатувчию ким йўловчи — фарқлаб бўлмай қолганди.

Поезд чўзиб гудок чалди. Бу товуш асрий тоғлар тепасида анчагача акс-садо бериб, фарёд чекиб турди...

ОТАЁР

## БАХШИЁНА

**Шеърларимда жилва қилсин замона,**
**Юртим мадҳи бўлсин сўнгги сатрим ҳам...**
**Миртемир**

Баланд-баланд тоғлар бунча виқорлидир,
Ҳам виқорли, ҳам баҳорли, ҳам қорлидир,
Ҳам бодомли, ўт-ўланли, олқорлидир,
Чўнг бағрида булоқлари бедорлидир,
Устоз, сизни шу тоғлардек баланд кўрдик,
Сиздан неки мадад кўрсак — бепоёнсанд кўрдик.

От чопганда гумбурлар-ку тоғ дараси,
Сиз бўлдингиз шеъриятнинг тоғ дарғаси,
Дарға гапми, шеър кўзининг оқ-қораси,
Буколмади замонларнинг дағдағаси,
Собит қалам, собит қадам нор бўлдингиз,
Устозларнинг қаторида бор бўлдингиз.

Садқа бўлсин жон, дединг из шеъриятга,
Анов-манов шеъриятмас — чин санъатга,
Шеър умрини боғлай-боғлай ҳур ҳаётга,
Боғлай-боғлай умумбашар ҳурриятга —
Ажин тушиб, кўпайса ҳам сочнинг оқи,
Бир умрни айладингиз умри боқий.

Шеър бўлдингиз — виқорлиги тоғлар мисол,
Замирида: оддий ҳаёт, оддий инсон,
Замирида: Ленин ва халқ тенгсиз тимсол.
Замирида: тарих, бугун, эртанги шон...
Шеър бўлдингиз — она қалби бўлиб кўчган,
Шеър бўлдингиз — ишқ матлаби бўлиб кўчган.

Шеър тингласак — қани сиз, деб бўзлагаймиз,
Шеър ўқисак — баҳонгизни қўмсагаймиз.
Давраларда ўрнингизни излагаймиз,
Сўзингиздан, ўзингиздан сўзлагаймиз,
Қатордошсиз, ҳамон боғлаб белга қамиш,
Зимнангизда ҳамон бурчу шеърий ташвиш...

Теран қалбдан кўчган шеърнинг умри узун,
Замон тўсмас умри фузун сўзнинг кўзин.
Кел эй, соқий, шеър базмининг нафасин сун,
Келаётир олам бўлиб меҳр ва шеър —
Тоғ ўмровли миқти устоз, алп Миртемир...

## МАНГУ УМР

Эзгулик дарчасин чертмади бекор,
Сокин кечиб ўтди ўту сувидан.
Умри ўтди оддий, бетинч, камсуҳан,
Аянч ҳар даҳмаза — ортиқча ва ор...

Шундай: оддий бўлди, миқти ва девтарс
Куйлади ёндириб, ёниб бир овоз —
Дунёни ғубордан бўлсин деб халос,
Жаҳонга ногаҳон тушмасин деб дарз...

Бу зилол уммондан қатра ичолмоқ
Беғараз кўнгиллар армони бўлди,
Чанқоқ йўлчиларнинг дармони бўлди,
Осонмас оддийлик зангини чалмоқ.

Олисларга етди, овози, сози,
Халқининг кўнглидан айтди не деса,
Бир силтаб қайирди не довон келса,
Беминнат умридан эл-юрти рози.

Сокин ҳайқириқ у, сокин садо у
Она тупроғини суйган энг суюк.
Ленин даҳосини билган энг буюк,
Мангу ватаним, деб куйган адо у.

## УСТОЗГА ИҚТИДО

Севсанг ҳам, севмасанг ҳам
Мен сенга жазман, санам!
Кўйингда куйдиравер,
Жонимдан тўйдиравер.
Тинчитма: хоҳ ҳушимда,
Хоҳ хаёл, хоҳ тушимда
Ишқингда довдиратгил.
Майли, довдир атагил,
Майли де, тентаккинам.
Кўнглимга тегмас гинанг...
Майли, кўнглинг билайин
Не десанг, шай турайин:
Ош, десанг, довон ошиб,
Тош, десанг қувнаб-тошиб
Кўнглингни хушлагайман —
Қўлингдан ушлагайман —
Юлдузларга элтгайман!
Севмасанг-а... Нетгайман?
Севмасанг — зўрлик увол...
Обқочмам ошиб дувол,
Ташлаб ҳам кетмам лекин,
Бўлмагайман ҳечам гум.
Кўнглингга кириб секин,
Бир кун кўнглинг овлагум.

...Барибир севмасанг-а?
Тошингни тер, десанг-а?!
Ҳай-ҳай.. мунчалар совуқ,
Мунча совуқ, бетовфиқ —
Ўйимга берсин тўзим!..
Сеники бўлай ўзим...

## МИНГ БИР ХОТИРАДАН БИРИ...

*(Ёхуд куз, мен ва учинчи ўғил)*

1

Минг тўққиз юз етмиш саккизинчи йил...
Индинга биринчи ноябр.
Шу тонг насиб этди учинчи ўғил,
Жилмайган анов қиз — доядир!

Доядир наздимда шу куз фасли ҳам —
Йил дардин йўргаклаб кўтарган...
«Суюнчи!» деб турган доядек кўркам
Куз кўркин кўзимга суртаман.

Суртаман кўзимни севинч ёшига
Кўз очмиш тағин бир мурғак шер!
Кузнинг япроқлари ёғар бошимга,
Измида хазондан — зарҳал ер.

Зарҳал ер ловуллар, ловуллар кўксим,
Ловуллаб ер тишлар япроқлар.
Кезаман, ортимдан ўпишиб изим
Пилдираб эргашар япроқлар.

Япроқлар шивирлар... Шивир ўнгу сўл,
Эҳтимол улар ҳам доядир?!
Бу тонг насиб этди учинчи ўғил
Индинга биринчи ноябр.

2

Ноябр тонгини ўзим уйғотдим —
Уйқу ҳеч инмади кўзимга.
Ўз-ўзимга неча бор сўз ҳам қотдим,
Ном ахтариб қаро кўзимга.

Кўзимга шу тунда куз сеҳрин жойлаб,
Тонггача ном танлаб тоғландим!..
Сўнг Ойни кузатиб, Қуёшни пойлаб,
Бир қарор азмига боғландим.

Боғландим хаёлга кўнмиш ниятга,
Ниятки, оқ тонглар янглиғ оқ.
Боғландим шеър янглиғ дилхуш ниятга,
Ниятки, шеърият янглиғ пок.

Пок эрур ниятлар нияти шундоқ,
Қачонки, у тонгдай оқ эрур.
Шундайин бегубор тонгда, ўшандоқ
Ниятдан тўкилди дилга нур.

Дилга нур тўкилиб, бермасми самар
Лаб очсам, болажон, исмингдин.
Сенга ном танлаб кезган шу саҳар,
Боз устоз руҳига сиғиндим.

3

Сиғиндим Миртемир руҳига тағин
Куз тонги — хазонли сеҳрдир...
Сеҳрли шу тонгда, болажон
Исмингни атадим Миртемир.

Миртемир бобонгдай чўнг ва субҳ
Шеър бўлиб кўчмоғинг шарт эмас.
Шу эл, шу тупроқ меҳрини туюб,
Яшолсанг, ҳа, шунинг ўзи бас!

Шунинг ўзи басдир инсон бўлиб
Курашиб яшолсанг ҳаётда.
Евга ёв, инсонга чин инсон бўлиб
Ешингни яшасанг ҳаётда.

Ҳаётда кўп эрур паст-баланд йўллар,
Бу йиллар дардинг оз кўрдимми?!
Давом эттиролсанг бахт шу бўлар
Фараҳли, ташвишли умримни.

Тошкент

# ҲОФИЗЛАР САРДОРИ



...Маҳалладаги тўйда, тавонхонада дунё юзини кўрган мурғак чинқириғи тўй устига тўй қўшиб юборди. Хотин-халаж уни йўргаклаб, бир оғиздан «Тўйчивой, Тўйчивой» деб суя кетдилар. Маҳалла дастурхончиси ва ҳаммом ходимгаридан таваллуд топган, ўзи ҳам эр йигит ёшига етгунча ходимгарликдан бўшай олмаган бу оддий ўзбек фарзанди замонанинг зайли билан фақат Туркистон ўлкасида эмас, аксарият хорижий Шарқ мамлакатларида ҳам ўз хонишлари билан ўн мингларча, юз мингларча тингловчилар қалбини забт этди!

...Тошмуҳаммад ходимгар ўғли Тўйчивойни мактаб ёшига етгач, ўзлари яшайдиган Гулбозор маҳалла масжиди қошидаги мактабга, Абдулла қори қўлига ўқишга берди.

Абдулла қори шарқ классиклари китобларини кўп мутолаа қиладиган зукко зиёли эди. Бунинг устига Фурқатнинг «Саргузаштнома»сида келтирилганидек, эски мактабда Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Навоий, Бедил, Фузулий каби забардаст шоирларнинг асарлари ўргатилар эди. Бўлажак ҳофизда форс-тожик, ўзбек, озарбойжон классик шеъриятига иштиёқ ўша вақтлардаёқ туғилган, кенг муҳофаза ва кучли хотира қувватига эга Тўйчивой бу тилларда ўнларча ғазал, мураббаъ, мухаммас ва шеърларни ёдлашда бошқаларга ибрат эди.

Тўйчивой ўқишдан бўш пайтларида ҳозирги Октябр колхоз бозори ёнида жойлашган «Дўппибозор ҳаммоми»да отасининг ходимгарлик ишларига ёрдамлашарди. Ҳаммом эса ғалати жой: унга шоҳ ҳам, гадо ҳам келади. Ўзига тўқроқ одамлар иссиқ ҳаммомдан дарҳол кўчага чиқиб, шамоллаб қолмаслик учун аччиқ чой буюриб, бир-икки соат ҳангомалашиб ўтиришарди. Зийрак Тўйчивой уларнинг гапларига қулоқ солади, айниқса, қаерда, қачон катта сайил ёки тўй бўлишини билиб олади. Чунки у ерларда ҳамиша ҳозиру нозир Исаҳофиз, Мирзақосим, Сайидаҳмад аскиё, Исохон аскиё, Абдулла Фонус, шунингдек, Фарғонадан тез-тез келиб турадиган Мадумар пучуқ, Абдуқаҳҳор, Фарзинча, Макайлик ва бошқаларнинг қўшиқлари, қизиқчилик ва рақсларини томоша қилиш мумкин эди.

Устозларнинг авжи фалакка етгучи хонишлари Тўйчивойнинг оромини ўғирлади. У ўша катта йиғинлардан қайтар экан, эшитган ашулаларини хиргойи қилар, тенгдошлари эса: «Яна айт, яна айт», деб қўйишмасди. Халқда: «Овозинг ашулага ярашини билмоқчи бўлсанг, ҳаммомда айтиб кўр, жарангидан биласан», деган гап бор. Тўйчивойга эса ҳаммом ўз уйидек гап. Уни одамлар келишидан олдин ва ҳамма кетиб бўлгандан кейин тозалар экан, ашулани ванг қўярди. Бундай қараса, овози усулга тушиб, бинойидек ёқимли бўлиб қопти. Бўйи чўзилган сари овози ҳам тўлишиб борди.

Ходимгар Тўйчи ҳофизнинг халқ ўртасида шуҳрати кундан-кунга ортиб, у ўзининг ота касби билан хайрлашди, жиянлари Шожалил, Шораҳим ва Чимкентдан келган танбурчи Шобаротни ёнига олиб, янги-янги қўшиқлар ижро этиб, тез орада бутун Туркистон ўлкасининг машҳур ҳофизига айланди. Кишилар катта йиғинларга узоқ шаҳарлардан унинг хонишларини тинглашни орзу қилиб келадиган бўлиб қолдилар. Унинг хонишларини турли даврaларда эшитган Муқимий, Фурқат каби шоирлар бирин-кетин унинг ижроси учун ғазал, мураббаъ, мухаммаслар битиб берадиган бўлишди. Шунингдек, Тўйчи ҳофизнинг ўзига бағишланган кўп ва хўп шеърлар битилди. Фурқат, Нодим, Хислат, Мутиий, Абулқосим Лоҳутий, Ғафур Ғулом, Чустий меросидаги айрим намуналар шулар жумласидандир.

Фурқатнинг 1890 йилда ёзган ғазалларидан бири Тўйчи ҳофиз номига мувашшаҳ қилинган. Ёш ҳофизнинг никоҳ тўйида шоир шахсан иштирок этгани манбаларда қайд этилади. Ўзбек демократик адабиётининг йирик намояндаларидан Нодим Намангоний эса, Тўйчи ҳофизга эҳтиросли мухаммас бағишлаган ва бу мухаммас шоирнинг «Танланган асарлар»идан ўрин олган.

Ҳофизнинг машҳур шогирдларидан бири Ҳалима Носированинг кейинчалик Тўйчи ҳофизга «XX асрнинг буюк қўшиқчиси» дея берган баҳосининг ҳаққонийлигига тан берасан киши.

Асримизнинг бошида Рига грампластинкалар заводи тарихда биринчи марта ўзбек куй ва қўшиқларини оммавий тарзда чиқаришга бел боғлаб, Тошкентга махсус овоз ёзувчилар бригадасини юборганида, бригада аъзолари, табиийки, ўша даврнинг энг йирик хонандаси Тўйчи ҳофизга келиб учрашган, Туркистон бўйлаб қилинажак сафарда ҳамроҳликни таклиф этган эдилар. Тўйчи ҳофизнинг фидойилиги туфайли Шожалил, Шораҳим, Шобарот, Ҳамроқул қори, Абдулла фонусчи, Набихўжа сингари санъаткорларнинггина эмас, балки Адолхоним, Моҳзодахон, Нетайхон ва бошқа ўнга яқин аёл хонандаларнинг ижролари ҳам граммофон пластинкаларига ёзилиб, Туркистон, Бухоро, Хоразм ва кўпгина хорижий Шарқ мамлакатларига ҳам тарқалган эди. Йирик санъаткор ижодининг тадқиқотчиларидан бири ҳақли равишда таъкидлаганидек, Шарқий Туркистонга Фурқат биринчи бўлиб газеталар олиб борган бўлса, Тўйчи ҳофиз рус техникаси мўъжизаси бўлмиш граммофон ва пластинкаларни илк бор етказган эди.

Тўйчи ҳофиз ўша йилларда ўзбек санъати ва адабиётини кенг тарғиб этишнинг бошқа йўлларини ҳам топди. Дастлаб чинни идишлар тайёрловчи зукко табиатли кишилар билан биргаликда мингларча пиёла, коса ва лаганларга ўзи ижро этадиган қўшиқлардан парчалар ёздириб, уларнинг ҳар бир хонадонга кириб боришига эришди. Кейинроқ эса, шоир дўстлари Хислат ва Сидқий Хондайлиқий ёрдами билан ўзи ижро этадиган қўшиқларнинг матнини тўла келтирган ҳолда қайси куйда ижро этилишини айтиб, 238 саҳифадан иборат ноёб китоб нашр эттирди. Тўйчи ҳофизнинг ташаббускорлиги, фидойилиги туфайли чиқарилган бу ноёб китоб мусиқашунослар ва адабиётшунослар томонидан қунт билан ўрганил-

**Тўйчи ҳофиз (биринчи қаторда ўртада) ўз дўстлари Сафо Муғанний (чап томонда), Ҳожи Абдулазиз (ўнг томонда), Домла Ҳалим Ибодов (иккинчи қаторда чапдан биринчи), Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий ва Шерозий Еқубовлар билан бирга (30-йилларнинг ўрталари).**

са, бу кўпгина масалаларда янги илмий тўхтамларга келинишига ёрдам бериши мумкин, деб ўйлаймиз.

Беназир санъаткор, санъат ва адабиётнинг фидойи тарғиботчиси Тўйчи ҳофиз халқнинг аксар қисми оч яшаётган шароитда хонандаликдан келган даромад билан камсуқумгина ҳаёт кечирар, унинг бутун бойлиги қўшиқлари эди. Бунинг устига шундай бир шароитда унинг умр йўлдоши Зебинисо оламдан ўтди. Оиладаги беш фарзандга у ҳам ота, ҳам она бўлиб қолди. Энди ҳофиз хазинасида «Баёт», «Ушшоқ», «Гиря», «Нолиш» каби юракларни зардобга тўлдирувчи қўшиқлар кўпайиб борди.

Кунлардан бирида Шаҳрихонга катта йиғинга таклиф этилди. У ижро этган хонишлар мухлисларини шу қадар сархуш этган эдики, машҳур косиб Зияфаранг ўртага чиқиб: «Халойиқ, ўзларингиз биласизлар, бўйи етган зебо заифам бор, совчилар эшигим зулфини бузишаяпти. Ҳаммасига рад жавобини бериб келдим. Энди шу қизимни, агар рози бўлса, Тўйчихонга узатаман. Қизим йўқ демаса керак. Бундан ортиқ қаллиқ қаёқда дейсиз», деб юборганини ўзи билмай қолди. Ўша давр таомилига бир тарз зид ҳисобланган бу гапни эшитиб, оломон бир лаҳза ҳайрон бўлди. Шунда ўзига тўқ бир кекса одам: «Хўп бўлади. Мен қайнота бўлиб, келинни уйимга тушираман. Барча тўй харажатлари ҳам зиммамда. Тўйчихон Шаҳрихонга куёв бўлиб, тез-тез келиб туриши ҳаммамиз учун катта бахт», деди.

Уч-тўрт кундан сўнг тўй бўлди. Шаҳрихон гўзали Отинчахон Тўйчи ҳофизнинг фарзандларини оқ ювиб, оқ таради. Улар яна уч ўғил, икки қиз кўрдилар.

Инқилобдан сўнг машҳур халқ ҳофизи ўзбек совет санъати бешигини тебратганлардан бири эди. Унинг Ҳамза Ҳакимзода, Маннон Уйғур, Қори Еқубов, Сафо Муғанний, Ҳожи Абдулазиз, Домла Ҳалим Ибодов ва бошқа санъаткорлар, В. Успенский, Н. Миронов, Р. Глиэр, С. Василенко каби рус бастакор ва мусиқашунослари билан ҳамкорлиги ажойиб самаралар берди. У дастлабки ўзбек музикали драмалари ва операларининг яратилишида асосий маслаҳатчилардан бири бўлди, ўзининг ва бошқа хонандаларнинг овозларини нотага ёзиб олишда жонбозлик кўрсатди, инқилобдан кейинги дастлабки ўн йил ичида театрда, 1927 йилдан умрининг охирига қадар Ўзбекистон радиосида етакчи хонанда бўлиб ишлади.

Тўйчи ҳофизнинг шогирдларини санаб адо қилиш қийин. Афсонавор мақом усталари Юнус Ражабийдан тортиб Муҳаммаджон Каримовгача, овози фалак авжини кўзлаган Жўрахон Султоновдан тортиб Акбар Ҳайдаровгача бўлган ялла усталари, халқ куйларининг тенгсиз ижрочилари ака-ука Сўфихоновлардан тортиб Назира Аҳмедовагача, Ризқи Ражабий ва Ориф Қосимов сингари соз сеҳргарларигача — бари-бари Тўйчи ҳофиз яратган улкан мактабнинг истеъдодли талабаларидир.

Ҳофизнинг халқ олдидаги улкан хизматлари партия ва ҳукуматнинг ҳамиша эътиборида бўлди. Шуни айтиш кифояки, Ҳамза Ҳакимзодага Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси унвони берилган йили Тўйчи ҳофизга Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи, Меҳнат Қаҳрамони фахрий унвонлари берилди.

Тўйчи ҳофиз бошлаган ишни унинг жиянлари Шораҳим, Шожалил Шоумаровлар, Шоқосим, Шоолим, Шоакбар Шожалиловлар, Абдумутал Абдуллаев ифтихор билан давом эттирдилар. Улуғ ҳофизнинг фарзандлари Абулқосим ва Эркин ўзбек давлат концерт бирлашмасида, невaралари Ўткир Тўйчиев ўзбек академик опера театрида, Маъмура Жабборова «Шодлик» ансамблида, Темур Маҳмудов Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблида хизмат қилмоқдалар.

Ўзи қолдирган ҳайратомуз бой қўшиқ мероси билан, етиштирган юзлаб шогирдлари, невара-шогирдлари билан Тўйчи ҳофиз ҳануз халқ назидида ҳофизлар сардори бўлиб қолмоқда.

**Шариф ЮСУПОВ**

# ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ



**Суратда: Оржоникидзе ноҳиясидаги Ильич номли паррандачилик бирлашмасининг товуқбоқари Умри Жумаева.**

**Бирлашманинг жўжа очириш бўлими тажрибахонаси ходимлари иш устида.**

**Жўжалар сараланади.** **Р. Нуримбоев суратлари**

# ДАВР ВА ШАХС

**Азиза САИДХЎЖАЕВА,**
фалсафа фанлари номзоди

Қайта қуриш фалсафаси диққат марказида шахс масаласи турибди. Бу — қонуний ҳодиса. Чунки инқилобий янгиланиш жараёнининг бош қаҳрамони ҳам, ҳал қилувчи кучи ҳам инсондир. Аслида қайта қуриш одамларнинг манфаатини кўзлаган ҳолда амалга оширилмоқда. Бутун ижтимоий ҳаёт, унинг турли соҳалари кишилик фаолияти натижасидир. Бинобарин, қайта қуриш тақдирини ҳам охир-оқибатда замондошларимиз меҳнати, ижоди ҳал этади. Табиийки, қайта қуриш жараёнида инсон муаммоси энг муҳим аҳамият касб этмоқда, бу масалани янгича ёндошув асосида ижодий ечиш, шахсни шакллантиришнинг, унда қайта қуриш кишисига хос муҳим сифатларни тарбиялашнинг янги мезонлари ва йўлларини топиш заруриятини шарт қилиб қўймоқда. Академик Л. Абалкин матбуотдаги чиқишларида ижтимоий, инқилобий кучлар етишмаслиги сабабли қайта қуриш иши юришиб кетмаётганлигини, омма сифати йўқлигини, миллионлаб — мутлақо бошқача ходимлар кераклигини айтди.

КПСС XXVII съезди ва партия Марказий Комитети Январ (1987 йил) пленумининг материалларида қайта қуриш даври шахси концепцияси илгари сурилди, унга хос: ташаббускорлик, мустақиллик, юксак сифатли меҳнат, ижодий, янгича тафаккур, ғоявий эътиқод, маданият, тийраклик, ҳаракатларда қатъийлик каби етакчи хислатлар ажратиб кўрсатилди. Булар — шахсни асосан ишчанлик нуқтаи назаридан намоён қиладиган хислатлар ҳаёт талаби негизида юзага келгани аён. Меҳнатда қобиллик, омилкорлик шахсни камол топтиришда ва иқтисоддаги сирқовликни енгишда, иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда зарур омиллардан бири бўлади, албатта.

Халқ хўжалигидаги меҳнатнинг бугунги тараққиётига хос хусусият шундаки, у тобора юксак ақлий сифатни талаб этади, билимдон, малакали, ўз касбининг устаси бўлган янги мутахассисни шакллантиришни тақозо қилади, ана шунда унинг фаолияти шахс камолотининг намунасига айланади, меҳнат эса ишлаб чиқариш вазифаларини тўла-тўкис амалга оширади, шодлик бағишлайди.

Онгни, руҳиятни қайта қуриш жараёни — мураккаб, одам тезда ўзгариб қолмайди, бир қолипга тушиб қолган тафаккур янги бир ўзанга кириши учун маълум вақт керак бўлади. К. Маркс одамлар онгига ўрнашиб олган ўтмиш уларни ўз кишанларидан чиқариб юбормай маҳкам тутиб туришини, тараққиётга халақит беришини айтган эди (8-жилд, 119-бет). Ижтимоий турмуш ўзгариши натижасидагина олға қараб силжиш бўлиши мумкин. Масалан, бир қуюшқондаги тафаккур — «юқоридан» буйруқ кутишга барҳам бериб, иқтисодий қонунларга таянган ижодий, янгича тафаккурга ўтиш аввало онгда ўзгариш ҳосил қилиш билан боғлиқдир.

Қайта қуриш кенг тарихий истиқболга эга, у амалдаги социализмнинг янги сифат босқичига кўтарилиши учун шарт-шароит яратади.

Қайта қуриш даври шахсига тааллуқли фазилатлар хусусан ташкилотлар, муассасалар, кооперативлар, колхозлар, совхозлар раҳбарлари қиёфасида яққол ифодаланади. Шундай кишиларнинг фаолиятига қараб, улар бошчилик қилаётган меҳнат аҳли ишлари ва ҳаёти ҳақида муайян хулосалар чиқаришимиз мумкин. Омма билан яқиндан боғланган, демократ, ижодий салоҳиятли, одамларни эргаштира биладиган, улардан доимий равишда ўргана оладиган, ўзаро иззат-ҳурмат, ишонч — ошкоралик муҳити ҳосил қила оладиган шахсларгина корхоналарни чинакамига бошқара оладилар.

Эгаллаб турган мартабасига муносиблиги, омилкорлиги раҳбарнинг обрўйини таъминловчи асосий хусусиятдир. Чунончи, «Сув кетар, тош қолар» ҳужжатли филми («Узбекфилм», 1987 йил) Саттор Усмонов тақдири орқали Она ерга муҳаббат, мустақиллик, ташаббускорлик хислатларини очиб беради. Филм муаллифлари мазкур мутахассис ишлаб чиққан — пахтани суғоришнинг янги, илмий асосланган йўли ҳақида ҳам ҳикоя қиладилар. Бу йўлни қўллаганда, сув исроф бўлмайди, суғориш миқдорини 2,5 марта қисқартириб, 2 марта кўп ҳосил олиш мумкин. Филм қаҳрамони шахси фақат меҳнатдаги муваффақиятлари билан эмас, балки инсоний фазилатлари билан ҳам эътиборни тортади. У изланади, ташаббус кўрсатади, ёшларни қизиқтириб, илгари бошлай олади. Муаллифлар, қайта қуришга худди шундай одамлар керак, деб ҳисоблайдилар.

Одамнинг ақли тўла бўлиши жуда тансиқ неъматдир, унинг инсоний ва ижодий тараққиётини таъминловчи сарчашмадир. У, шахс ўз фаолиятини эркин шаклда амалга оширишга, ютуққа эришишнинг мақсади, йўли ва воситаларини тушунишга, ўз ҳаракатлари натижаларини олдиндан кўришга имкон беради. Замонавий ишлаб чиқаришда ва ҳаётда бу сифатлар тобора етакчи мавқе касб этмоқда.

Маълум тармоқлар раҳбарларининг экология масалаларида ғофиллиги атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келди. Маълум мутахассислар ва раҳбарларнинг ўз зиммасидаги масъулиятга нолойиқлиги Орол денгизи ва Оролбўйи бошига тушган жуда катта фалокатга сабаб бўлди. Ҳозирги ҳаёт, ишлаб чиқариш мураккаблашди ва эндиликда чаламуллаликка, малакасизликка тоқат қилиб бўлмайди, давр қайта қуриш белгилаб берган вазифаларни оқилона, кучли ирода билан амалга оширишга қодир мутахассислар ва раҳбарларни талаб этмоқда. Шундай қилиб, бутун инсониятнинг ақлий имкониятини сафарбар этмасдан туриб, қайта қуриш мурод-мақсадларини рўёбга чиқариб бўлмайди. Бугунги кунда, аввалгидек, яъни бири-биридан бехабар, экология масаласига ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатига панжа орасидан қараган ҳолда ишлаш мумкин эмас. Йиллар давомида йиғилган маънавий бойликлар, тажриба қайта қуриш, мамлакатни ўзгартириш хизматига қўйилиши, жамият ҳаётини ташкил қилишнинг тарихий чекланган шаклларига барҳам беришнинг ва социализмни илмий-техник инқилоб ҳамда ақлий (интеллектуал) тараққиёт талаблари даражасида такомиллаштиришда амалий кучга айланиши зарур.

Узоқ йиллар мобайнида инсоннинг маънавий ўсиши масаласи унинг асосий ишидан, мутахассислигидан узилиб қолди ва у ҳар бир кишининг ўз шахсий иши деб ҳисобланди. Маиший маданият босим келиб, маънавий маданиятни четга суриб қўйгандек бўлди. Техник ва бадиий маданият ютуқларидан керакли даражада фойдаланилмади. Ҳамма ҳам бу хазиналардан баҳраманд бўлиш имкониятига эга эмас ёки уларга нисбатан лоқайд. Маданий марказларда яшаганлари ҳолда, кишилар йиллаб кутубхоналарга, театрларга, музейларга, халқ хўжалиги кўргазмаларига қадам босмайдилар. Фан ва техника муваффақиятларини билишга қизиқиш учун маънавий эҳтиёж бўлиши керак, телевизор яқинидаги дастурхон ёнидан, юмшоқ ўриндиқлардан туриб, кўргазмаларга, музейларга, театрларга боришга куч, қунт топиш жоиз. Маънавий эҳтиёжларнинг ривожланмай қолганлиги ҳаётга, маданиятга истеъмолчилик муносабатида аниқ кўзга ташланади.

Бугунги кун кишисининг ҳаёти мураккаб, қарама-қаршиликларга тўла муҳитда кечмоқда. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаёт билан қийинчиликлар кишиларнинг ахлоқий-руҳий аҳволида акс этмоқда, баъзан уларнинг мурод-мақсадларига салбий таъсир ҳам ўтказмоқда. Маънавий қашшоқлик, истеъмолчилик шахснинг энг хавфли хусусиятларидир; бундай кишилар ҳеч нарсадан — қотилликдан, ўғирликдан ҳам қайтишмайди...

Шунинг учун ҳозирги шароитда одамни чинакам фаолият дунёсига қайтариш муҳим вазифадир. Ҳар бир киши қўлидан қандай иш келишини билиши керак. Истеъдоди меҳнат жараёнида очилиб боргани сари, одамнинг кўнгли ҳам, фикри ҳам ўсади. Қайта қуришнинг шундай босқичи яқинлашмоқдаки, бу жараёнда кучли, принципиал, мустақил фикрловчи кишилар ўз истеъдодларини тўла-тўкис намоён қила биладилар.

Шахс ва қайта қуриш муаммоси жумҳуриятимиз миқёсида ҳам ўта долзарб масала бўлиб турибди. Ўзбекистондаги шарт-шароитнинг ўзига хослиги туфайли бу ерда қайта қуришнинг бошқаларда учрамайдиган қийинчиликлари ҳам юзага келмоқда. Бу, аввало, иқтисодий тараққиётнинг хусусиятлари, унинг маълум қолоқлиги, фақат хомашёни кўзлаб иш тутиши, аграрлиги, пахта якка зироатчилиги, қўл меҳнатининг салмоғи кўплиги, ишчилар синфининг миқдоран озлиги, хўжалик тараққиётининг экстенсивлиги, ишлаб чиқариш ва истеъмол даражасининг Бутуниттифоқ даражасидан уч марта камлиги сингари жиҳатлар билан белгиланади.

Агар киши куни учун кул сочадиган бир вазиятда — базўр тирикчилик ўтказса, ўз қобилиятларини ўстириш, ақлий ва маданий имкониятларини рўёбга чиқариш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бундай шароит одамни синдиради, машаққатлар юки остида эзади. Мавжуд аҳвол демографик тараққиётнинг мураккабликлари — болалар ўлимининг юқори муаммолари, Оролни сақлаб қолиш масаласи, тупроқнинг бузилганлиги — унинг ҳосилдорлигини тиклаш эҳтиёжи оқибатида яна ҳам чигаллашмоқда. Қайта қуришнинг тўртинчи йили ўтмоқда-ю, лекин ҳали масалалар ўзининг оқилона, иқтисодий ечимини кутмоқда. Керакли йўл-йўриқларни ишлаб чиқиш ва ўз ўрамимиздаги шарт-шароитларни яхшилаш чораларини кўриш, табиат муҳофазасини таъминлаш, унинг бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, шахсни унинг ийиғини чиқариб юборадиган оғир меҳнатдан, кишини ижтимоий система «қуроли»га айлантириб қўядиган шароитдан халос қилиш, пахта якка зироатчилигини тугатиш даркор.

Ҳаётнинг ҳамма соҳаларини таҳлил назаридан ўтказиш, ижтимоий-иқтисодий шароитларни чинакамига яхшилаш, ҳар бир кишининг ва умуман халқнинг камолини таъминлаш чораларини кўриш лозим. Жумҳуриятимиз ва кўп миллатли давлатимиз манфаатларини уйғунлаштиришга, амалга оширишга раҳбарлар айниқса масъул ва бурчлидирлар.

**Солдат қишлоққа қайтди.**

**Р. Шагаев олган сурат (ЎзТАГ)**

# ШОИР ЁДНОМАСИ



Мамлакатимизда қайта қуриш шарофати туфайли ўтмиш тарихимиздаги яшириб келинган ҳақиқат юзага чиқиб, қатағон йиллари қурбонларининг номлари қайта ёдга олинаётир.

Айниқса халқ қалбидан мажбуран ситиб чиқарилган Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий каби ўнлаб шоир ва ёзувчилар иккинчи — ижодий умрларини бошладилар. Ўзбек совет поэзияси тараққиётига катта хизмати сингган, халқни маърифатли бўлишга чорловчи шеърлари билан халқ эътиборини қозонган шоир Тавалло ҳам оммавий қатағон йиллари ноҳақ туҳматга учраб, Сталин даври зўравонлигининг қурбони бўлган эди.

Лекин орадан йиллар ўтиб Тавалло номи, унинг машаққатли меҳнати маҳсули — асарлари яна эл оғзига тушди, шеърлари яна матбуот юзини кўриб, мухлислар қалбидан муносиб ўрин олди.

Яқинда пойтахтимизнинг Маннон Уйғур номли маҳалласидаги 136-мактабда бўлиб ўтган ёднома кечаси шоир Тавалло хотирасига бағишланди.

Кечани Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Мирмуҳсин олиб борди.

— 1882 йили, Тошкентнинг Кўкча даҳасида туғилган Тўлаган Хўжамёров — Тавалло илғор ўзбек совет ижодкорларидан бири эди, — деди Мирмуҳсин ўз сўзбошисида.— Истеъдодли шоирнинг дарсликларга киритилган шеърларини биз ҳали-ҳали эслаймиз. Уларда кучли лирика, ўткир сатира ҳамоҳанг эди. 30-йиллар ўқувчилари хотирасида ёд бўлиб қолган шеърларидан бири «Оламга бир назар»даги қуйидаги сатрларни ҳар қандай ўқувчи ҳаяжонсиз ўқий олмас эди:

*Мактабни қадрин билмайин, инсон каби иш қилмайин,*

*Ҳозирда ўзга келмайин, ҳеч ибрат олмайсиз ҳануз.*

Шундан сўнг сўз филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимовга берилди. Тавалло ижодий фаолиятининг тадқиқотчиларидан бўлган олим, аввало 1920-30 йиллар адабиёти, ўша долғали йилларнинг ижодкорлари, уларнинг бой ижодий мероси ҳақида гапирди.

— Машъум 30-йилларда,— деди Б. Қосимов.— Тавалло номи Беҳбудий ва Фитрат билан бир қаторда унутилган эди. Замона зайли билан яна 60-йилларда уларнинг номи тилга тушди.

Таваллонинг илк шеърий тўплами 1914 йилда босилиб чиққан эди. Шоир уни «Равнақул ислом» деб атади. Лекин унда ислом эмас, Туркистон мусулмонлари — туб аҳоли равнақи кўзда тутилган бўлса-да, бу ном узоқ муддат тадқиқотчиларни чўчитиб келди. Аслида «Равнақул ислом»даги шеърлар мудроқ, гунгу-лол Туркистонни уйғотиш дарди билан ўртанган шоирнинг изтироб тўла кечинмалари билан йўғрилган эди.

— Адабиёт тарихини ўрганар эканмиз, даҳшатли 30-йиллар жумбоқларини очишдаги шарафли ва оғир ишда биз тарихчилар ҳам ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилаётирмиз, — деди кечада сўз олган тарих фанлари доктори Қодир Фозилхўжаев.— Тавалло на фақат шоир, ўз даврининг илғор кишиси ҳам эди. У Улуғ Октябр инқилобини зўр мамнуният билан кутиб олди. 1918 йилдаёқ шўролар сафига кирди. Эски шаҳар фавқулодда тафтишчилар бошлиғи бўлиб ишлади. Тавалло на фақат шеърлари билан, балким ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол ҳаракати билан ҳам халқни илмли, маърифатли ва маданиятли бўлишга чорлади. Агар, — деди олим ўз фикрини якунлаб. — Мана шу 136-мактабга унинг номи берилса, шоир хотирасига авлодлар ҳурмати бўлур эди...

«Шарқ юлдузи» журналининг бўлим мудири, филология фанлари номзоди Ортиқбой Абдуллаев Тавалло ижодий фаолияти, унинг шеърларидаги ўзига хослик — халқни кўпроқ тараққиётга, ўзга ривожланган халқлардан ўрнак олишга чорлаш, ривожланишга халақит бераётган урф-одатларни кескин танқид қилишдан иборат эканлиги ҳақида гапирди.

Тавалло «Муштум» журналида эълон қилинган кўплаб ҳажвий шеърларига «Мағзава» тахаллусини қўйган.

— Унинг шеърлари бугунги кунда ҳам ўз оҳорини йўқотган эмас, — деди ёзувчи Оқилжон Ҳусан.— Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодини тиклаш ҳақида сўз борар экан, бу албатта кишиларнинг илмли ва маърифатли бўлиши билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан халқни тараққиётга чорловчи Тавалло шеърлари бугунги кунимиз шиоридай бўлиб жаранглайверади.

Кечада шоир Эргаш Муҳаммад Тавалло шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Маннон Уйғур маҳалласининг раиси Тоғай Аълоев, маҳалла фаолларидан Муҳаббат Фозилхўжаева, меҳнат ветерани Мирзаюсуф Абдуллаев маҳаллаларидаги мактабга Тавалло номини беришни қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Уларнинг фикрларини бутун кеча иштирокчилари ҳурсандлик билан қабул қилдилар.

Кеча ниҳоясида Таваллонинг ягона фарзанди Раҳбар опа Расулова отаси ҳақидаги хотираларини гапириб, барча йиғилганларга миннатдорчилик билдирди.

Шоир Таваллога бағишланган ёднома кечасида Маннон Уйғур маҳалласи аҳли, олимлар, радио, газета ва журналларнинг ходимлари, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар иштирок этдилар.

**Абдураззоқ КАРИМОВ**

# ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ МАҚБАРА

Ойқор — Туркистон тизма тоғларининг энг юксак чўққиси. Маҳаллий халқ: «Шу тоғдан қор кетса, дастурхондан нон кетади», дейди. Ҳақиқатан ҳам бу чўққидан йил давомида қор аримайди. Айни саратонда Ойқорга узоқдан қаралса ой шаклида бўлиб кўринади. Номи ҳам шу манзарага нисбат бериб қўйилган. Сангзор дарёсининг бир ирмоғи мазкур тоғдан бошланади. Эриган қор кумушдек товланиб, сойликка қуйилади ва шиддат билан пастликка отилади. Шовуллаган овоз турфа қушларнинг овозига, дарахтларнинг тебранишига жўр бўлади. Бу сойликнинг номини Боғимозорсой деб атайдилар.

Боғимозорнинг жануб томонига қараб беш юз метрлар чамаси кўтарилсангиз, томи гумбаз шаклида ёпилган меъморчилик ёдгорлиги бор. Чорбурчак усулида солинган бу мақбара Амур Темур номи билан боғлиқ. Ривоятларга қараганда, жаҳонгир сафардан қайтиб келаётиб шу ерда тўхташга мажбур бўлибди. Сабаби, жанггоҳларда қаҳрамонлик кўрсатган, соҳибқиронни бир неча бор душман қиличидан сақлаб қолган яродор саркардаси шу ерда жон таслим қилибди. Яъни, Амир қиличининг кучини кўрсатган шонли лашкарбоши шу сойликка дафн этилибди. Оғир йўқотишдан қаттиқ изтироб чеккан Амир Темур мотам тутибди ва қурувчиларига шу ерда мақбара қуришга фармон берибди. Иморатнинг ғиштлари «ер юзининг сайқали» — Самарқанддан қўлма-қўл қилиб ташилибди. Мақбара тайёр бўлгач, атрофи боғ қилинибди.

Бу афсонада ҳақиқат бор. Чунки бу ерда ҳозир ҳам чинорлар ўсиб турибди. Тарихимизда номига қора чапланиб келаётган Амир Темур билан боғлиқ боғларни санайверсангиз, бармоқ етишмайди: Боғибаланд, Боғибеҳишт, Боғидавлатобод, Боғидилкушо, Боғижаҳоннамо, Боғизоғон, Боғимайдон, Боғинав, Боғичинор, Боғишамол... Тарихда ўтган ҳеч бир ҳукмдордан бунчалик кўп боғ қолмаган бўлса керак. Аксинча, аксарияти боғларни қуритган. Боғимозор ҳам Амирнинг саҳоватидан бир чашма бўлса не ажаб!

Амир Темур номи тилга олиниши билан «тарих идеаллаштирилаяпти», деб айюҳаннос соладиганлар бу ерда бир зумгина ҳордиқ чиқарсалар, қалбларига эҳтимол, бошқа ҳислар қуйилармиди? Минг хил овозда сайраётган қушлар, майин елда шовуллаётган дарахтлар кишини аллалайди, руҳига ором беради. Исканжадан қочаётган табиат бу ерда ҳукмронлик қилиб турибди. Яшилликнинг ранги бўй-басти билан рўёбга чиққан.

Мақбара ҳам шу гўшада. Унга қараб ачинасан киши. Ахир бу мақбара эмас, бир гавҳар-ку! Ноёб санъат асари — меъморчилик ансамбли. Шундай бўлмаса қачонлари нураб, кули кўкка совурилиб кетарди. Лекин барибир табиат ва вақт ўз кучини кўрсатган. Гумбазни ёриб ўсаётган гиёҳларнинг уруғини шамоллар сепиб кетган. Мақбарани асосан қушлар маскан қилган. Бўғотларда қалдирғочларнинг қатор уялари. Қўйингчи, шунчалар буюк санъат ўз ҳолига ташланиб хароба ҳолига тушиб қолган. Баъзиларнинг гази билан ўлчанганда отнинг тақасичалик қадри йўқ бу мақбара замонасининг Беҳзодлари, Музаҳҳиблари томонидан яратилганлигига ким қаршилик қила олади.

Бу тарихий бино ўз ҳолича турса ҳам майлига эди, сал бўлмаса бир сиқим ўқдорининг (порохнинг) қурбони бўлишига бир баҳя қолди-ку! 1986 йилнинг ўрталарида мана шу бинони, халқимизнинг ўрта аср ёдгорлигига диний тус беришиб портлатиб юборишмоқчи бўлишди. Ўтмишни билмайдиган, ҳурмат қилмайдиган, буйруқ берилса бас, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган манқурт кимсалар йўқотмоқчи бўлишди уни! Хайрият, ўтмишимизнинг, тарихимизнинг жонкуярлари бор экан. Шундайлардан бири Бахмал ноҳиясидаги «Партия XXIV съезди» совхозида яшовчи Мустафоқул Олимовдир. Шу жонкуяр инсон хўжалик ўрамида жойлашган тарихий бинони жон-жаҳди билан ҳимоя қилиб, меъморчилик ёдгорлигининг динга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини исбот қилди. СССР Олий Советининг 1976 йил 29 октябрдаги «Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш» тўғрисидаги қонунини бузғунчиларга кўрсатди. Яхшиям, Мустафоқул Олимовга ўхшаганлар бор, бўлмаса меъморчилигимизнинг ноёб ёдгорлигидан ажралиб қолган бўлардик.

Ўтмишдан хотира бўлган бу бинонинг қурилганига яқин 600 йил бўлган. Афсуски, бу ёдгорлик қачон қурилганлиги ҳақида аниқ бир лавҳа ҳам йўқ. Биз ер юзининг тарихий осори-атиқаларини кўрамиз, деб хорижга борамиз, уларга атайин экспедициялар уюштирамиз, экскурсиялар ташкил қиламиз, аммо олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек мана шундай бебаҳо бойлигимизни кўрмаймиз. Лоқайдмиз. Агар шу бино портлатилганда борми, бошимизни чангаллаб аттанг, деб қолишимиз ҳеч гап эмасди.

Бу ёдгорлик рўйхатга ҳам олинмаган. Бахмал ноҳия Совети ижроия комитетининг тарихий ёдгорликларни асраш жамиятининг мутасадди ходимлари қаёққа қарамоқдалар? Ёки асосий ишни фақат аъзолик бадалларини йиғишдан иборат деб билишадими улар?!

Қолаверса, биз ҳикоя қилаётган ёдгорлик ноҳиядаги «Партия XXIV съезди» совхози ўрамида жойлашган. Хўжаликда бир неча мактаблар мавжуд. Ана шу ўқув даргоҳларида тарих фани ўтилади, албатта. Ўрта Осиё тарихий ёдгорликлари дарси ўтилаётган пайтда ўқитувчи талабаларга ўтмишнинг жонли мисолини кўрсатишни хаёлига ҳам келтирмаса керак? Санъаткор боболаримизнинг қўли билан яратилган, асрлар синовига мардона туриб бераётган бу ёдгорликдан ҳаётий кўргазма сифатида фойдаланиш мумкин-ку! Шундай қилинганда ўқувчилар қалбида ўтмишимизга, тарихий ёдгорликларга муҳаббат ҳисси уйғонган бўларди. Келажакда лоқайд, ҳиссиз кимсалар етишиб чиқишининг олди олинарди. Кези келганда бир нарсани айтиш жоиз. Ҳозир кўпчилик мактаблар йўқолиб кетиш арафасида турган ўсимликларни сақлаб қолишда, номаълум аскарларимизни излаб топишда яқиндан ёрдам бераяптилар. Биз юқорида номини тилга олган меъморчилик ёдгорлигининг ташландиқ ҳолатда ётгани учун ўқувчиларга, ўқитувчиларга ҳам таъна қилишга ҳақлимиз. Ҳеч бўлмаса, улар бу бинони асл ҳолига келтиришга ёрдам беришлари, тегишли ташкилотларга мурожаат қилишлари мумкин эди.

Меъморчиликнинг ўзига хос кўринишдаги бу ёдгорлик тикланиши, мутахассислар томонидан таъмирланиши лозим. Бу бинонинг қачон ва кимлар томонидан қурилганлигига аниқлик киритилиб, кўз қорачиғидек асралиши зарур. Шундай қилинмаса, маданиятимиз дурдонасидан ажралиб қолишимиз тайин. Сир эмас, ҳали ҳам тарихий тепаликлар бузилиб, ўрнига бинолар қурилмоқда, ҳайдалиб, қишлоқ хўжалиги тасарруфига киритилиб юборилмоқда. Бу эса бой маданий меросимизга бефарқ қарашдан бошқа нарса эмас. Лоқайдлигимизни эса авлодлар кечирмайдилар. Тарихимиз билан боғлиқ кўплаб ёдгорликларни йўқ қилиб, ўтмишимиздан ажралиб қолай дедик. Энди қолганларидан меҳр-шафқатимизни аямайлик.

Боғимозорда ҳам тоғлар бағрида устига гард қўнган бир марварид турибди. Унга сайқал бериб ярқиратишимиз, гарддан халос қилиб, келажак авлодлар учун асраб қолишимиз керак.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

* * *

*Одамлар, сизларга келмасин малол,*
*Балиқни дейсизлар луқмаи ҳалол.*
*Мен қайга борайин одамдан ўтиб,*
*Лек мендан балиқнинг қочмоғи маҳол.*

*Бировга оғуман, бировга соҳир,*
*Аммо нималигим жисмимда зоҳир:*
*Не кўрсам юборгум тириклай ютиб,*
*Томоқдан иборат жонзотман, ахир.*

*А. Кошкин суратлари*

# ҲАЙКАЛТАРОШ ОМОН АЗИЗОВ ДЕЙДИКИ:

«ГУЛИСТОН» ГАЛЕРЕЯСИ

Омон АЗИЗОВ ўз устахонасида.

...Шеъриятнинг, умуман адабиётнинг вазифаси қандай бўлса, санъатнинг, яъни ҳайкалтарошликнинг ҳам вазифаси шундай — кўпчиликка завқ бериш, халқнинг кўзини очиш, юртнинг ривожига ҳисса қўшиш. Бизда санъат шу пайтгача фақат бир томонлама ўргатилиб, ривожлантириб келинди. Айтмоқчиманки, санъатдаги барча мезонлар европача ўлчовлар асосида олиб борилди, барча кенгашу муҳокамаларда европача нуқтаи назар ҳукмрон бўлди. Бу ҳолатни мутлақо нотўғри деб тушунаман ўзимча. Бордию агар бизлар хитой, япон, эрон, араб санъатларини ҳам қўшиб ўрганганимизда ғоятда дуруст иш бўларди. Эҳтимол, санъатнинг ҳамма тур ва жанрларида ўзимизнинг тўғри, мустақил йўлимизни топиб олган бўлардик.

Мана, масалан, шаҳарсозлик ёки меъморчилик санъатини олайлик. Мен жумҳуриятимиз шаҳарсозлигини кўзда тутаяпман. Шарқоналик, ўзбеконалик борми меъморчилигимизда? Таассуфки, йўқ деб, ҳеч бўлмаганда кам деб жавоб беришга тўғри келади. Қани эди, ҳеч бўлмаганда, улкан биноларимизни замонавий гумбазлар, миноралар, диққатни тортувчи тоқи-равоқлар безаб турса!.. Лекин ҳали ҳам кеч эмас, имкони бор ишни қилавериш мумкин. Чунки қайта қуриш деб аталаётган инқилобий давр кўп эзгу ишларга эшик очиб берди.

Ҳар қандай санъатнинг ўзига хос кўринишлари, аломатлари, белгилари бўлиши лозим. Акс ҳолда, у санъат афти-ангори номаълум одамга ўхшаб қолади. Бизда, яъни Ўзбекистонда бундай касаллик анча-мунча бор. Мисол дейсизми?.. Қани, айтинг-чи, ҳозиргача биронта ресторанда муттасил ўзбекча мусиқа чалиниб турганини кузатганмисиз? Йўқ, албатта. Ахир, бу ўзбек мусиқа маданиятига нисбатан қилиниб келаётган жиноят эмасми?!.

...Мени баъзилар кандакор, мисгар деб атайдилар. Хафа бўлмайману, лекин бу тўғри эмас. Мен — ҳайкалтарошман. Асарларимни металдан ясайман.

Болалигимдан оловни яхши кўрардим. Олов мўъжизавий куч бўлиб туюларди. Чунки кўз олдимда у ўзи ёндираётган ўтинлардан ҳар хил ҳайвонлар, қушлар, ҳатто, ҳеч қаерда учратиб бўлмайдиган тарздаги одамларни ясар эди-да, бир лаҳзадан кейин ҳаммасини кулга айлантириб юборарди. Бу манзаралар менинг учун ҳам завқли, ҳам сирли туюларди... Кейинчалик эговларни эритиб, пичоқлар ясадим ва ўшандай онларда, темирдан (темир деганда кўпинча умуман метални тушунамиз) ҳар хил нарсалар ясаш мумкин эмасмикин, деган фикрлар уйғонди. Бу фикр мени ҳайкалтарошликка етаклади. Қўшимча қилиб айтай: мактабдалигимда рассомликка ҳам қизиқардим ва дуппа-дуруст расмлар ҳам чизардим. Қисқаси, тасвир чизишга қизиқиш билан оловни яхши кўриш туфайли ҳайкалтарош бўлдим.

Устозларингиз ким дейсизми?.. Хўш, нима десам экан-а?.. Тбилисида Ираклий Очаури деган санъаткор бор. Ҳайкалтарош. Мисда ишлайди. СССРда биринчи марта мисдан ҳайкал ясаган одам у. Ўша санъаткорнинг асарларини кўриб, жуда ҳавасланиб кетганман. 1970 йили Тбилисига бориб, Очаури билан танишдим, устахонасида бўлдим. 1974 йили яна у кишини зиёрат қилиб келдим.

Яна бир мўътабар инсоннинг номини тилга олишим керак. У киши бухоролик машҳур кандакор Салимжон Ҳамидов эдилар. У кишидан ҳам кўп нарса ўрганганман. Салимжон ака ўзаро суҳбатларимиздан бирида: «Сизнинг ишингиз — мисгари-оҳангари», деган эдилар. Яъни, мисгарлик билан темирчилик қўшилиб кетган, деб айтувдилар... Демак, Ираклий Очаури билан Салимжон Ҳамидовни устозларим десам бўлади.

Дарвоқе, темирчилик деган сўзни ишлатдим. Мен ўзимча, ҳар бир халқнинг маданиятини умуман яхлит бўлиши керак, деб тушунаман. Айтайлик, темирчилик, ошпазлик, новвойлик, кулоллик, пичоқчилик ва ҳоказоларнинг ҳаммаси халқнинг умумий маданияти, санъати ҳисобланиши керак. Буларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун, бу касбларнинг ҳаммасини улуғлашимиз, эъзозлашимиз, чинакам санъат даражасига кўтаришимиз лозим, дейман...

Умуман, ҳайкалтарошларнинг меҳнатлари бир нечта жараёнлардан иборат. Менинг ишимда эса, ўша жараёнлар қоришиб, бирикиб кетган. Ижодий ишим учун материални жумҳурият бадиий фондидан сотиб оламан. Таъкидлаб ўтишим керак: жуда тежамкор одамман, бирор нарсани чиқитга чиқармайман, бирор парчани ташлаб юбормайман. Майда-майда метал бўлакчаларини ҳам қийиб-қийиб кавшарлашга ишлатаман. Мисол учун мана бу чигиртка ҳайкалини ҳам чиқит материаллардан ишлаганман. Чигиртка ҳайкалининг яратилиши ғояси, ўзингиз тушуниб тургандирсиз, табиатни асраш, атроф-муҳитнинг тозалигини сақлаш шиори билан юзага келди. Бордию чигирткалар ҳам «Қизил китоб»га ёзиладиган бўлса, унда инсонларнинг ҳолига маймунлар йиғлайди, деган гапни изҳор этиш ниятида яратдим мазкур асарни.

...Энди «Гулистон» журналида босилаётган Алишер Навоий тасвири хусусида. Бу асарни мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг буюртмаси билан ишладим. Ишлаганда ҳам жон-жон деб ишладим. Зеро, ҳар қандай ўзбек фарзанди каби менинг ҳам Навоий руҳиятига ҳурматим баланд. Тан олиш керак, кўпгина рассомлар Навоий асарларини ўқий олмайдилар, аниқроғи таржимада ўқийдилар. Менинг бахтим шундаки, Алишер Навоий асарларини эски алифбода ҳам, янги алифбода ҳам бемалол ўқийман. Эътибор берган бўлсангиз, асар остига «Сурати амири кабир Мир Алишер» деган сўзларни чекканман. Падари бузрукворим менга: «Ул кишининг номини чала тутмагин, Мир Алишер деб айтгин», дея ўргатганлар.

Шу тахлит асарлар ижодимда анчагина. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг Андижондаги бўлагида турган Навоий тасвири, Адабиёт музейидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур тасвири (шуниси қизиқки, бу асарни Бобур ва унинг меросига қарши кураш кетаётган пайтларда ишлаганман), Абдулла Қодирий, Муҳаммадшариф Сўфизода ва бошқалар тасвиридан иборат сувратлар галереяси ҳам томошабинлар нигоҳига тушиб турибди. Ўзбекистон жумҳурияти Санъат музейида турган «Суғд ривояти», яна Индира Ганди тасвири асарларим ҳам ўзимга ёқади.

Кейинги сўзни ҳазрати Навоийдан бошловдик. Улуғ мутафаккир бобомизнинг таваллудлари 550 йиллиги муносабати билан тайёргарлик бошланиб кетган. Мен ҳам шу қутлуғ санага атаб Алишер Навоий ҳайкалини ишлаяпман. Ҳозирча бу ишни пластилинда олиб бораяпман. Асарга дастлабки нуқта қўйганимдан кейин уни мисга кўчираман. Бу асарни яратишда мен кўпроқ Маҳмуд Музаҳҳиб чизган тасвирга суянаяпман. Завқ-шавқ билан ишлаяпман... Ҳазрати Навоий расмий ҳолатда — тиззада ўтирибди. Ўзининг маънодор нигоҳи билан суҳбатдошларига, авлодларига муҳим бир гапни уқтираётгандек... Ҳар қалай, асар ҳозирги ҳолатда ҳам айрим дўстларимга маъқул бўлаяпти.

Суҳбатни **Оқилжон ҲУСАН** олиб борди.

**ОМОН АЗИЗОВ.** АЛИШЕР НАВОИЙ ПОРТРЕТИ.

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ.

ҚИШЛОҚ ТОНГИ.

**РАССОМ ФАЙЗУЛЛА АЪЗАМОВ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР**



ЛАБИ ҲОВУЗ.



СИГИР — ХОНАДОНИМИЗ ҚУТ-БАРАКАСИ.

ТОҒ ШАБАДАСИ.



ҲОВЛИ.

Дийдор.
М. Болтабоев сурати

Чуст дўппилари.

А. Губенко сурати

АСРИМИЗ МУАММОЛАРИ

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОХИРИ ФАЛОКАТМИ?

**Маматмусо МАМАДАЗИМОВ,**
физика-риёзиёт фанлари номзоди

Инсониятнинг уйи ҳисобланмиш сайёрамиз — Ерда охирги бир неча ўн йилликлар ичида фан ва техника мисли кўрилмаган тараққиётга эришиб, улкан ютуқларни қўлга киритди. Мазкур тараққиётда микроэлектроника муҳим ўрин тутиб, бошқариш жараёни ва технологиясини кескин ўзгартириб юборди. Бу эса, ўз навбатида автоматика ва телемеханиканинг қўлланилиш соҳасини беқиёс даражада кенгайтирди. Фан тараққиётининг яна бир омили кимё бўлиб, унинг агротехника, машинасозлик ва бошқа соҳаларда қўлланиши чексиз ортди. Шунингдек, ген инженерияси ва биотехнологиянинг тараққиётдаги катта ролини бугун ҳеч ким инкор этмайди. Атом электростанцияларининг фойдаси ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Бу янгиликларнинг барчаси олимлар томонидан кишилар қўл меҳнатини енгиллаштириш ва турмуш шароитларини яхшилашга, жамиятимиздаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар асосида яратилди.

Маълумки, олимлар кўп машаққатли йиллар ва йўллардан ўтиб, атомдаги «яшириган» энергияни ажратиб олдилар. Биринчи атом электр станциялари ток беришга улгурмай, ёмон ниятли кишилар томонидан Хиросима ва Нагасаки устида портлатилган атом бомбалари 100 минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритиб, ундан ҳам кўпроғини мажруҳ қилиб қўйди. Микроэлектрониканинг ривожланиши халқ хўжалигига катта иқтисодий фойда келтириши билан бир вақтда ҳарбий соҳада қурол-яроқларни аскарларсиз бошқаришда унинг мислсиз имкониятлар яратишидан хабар топган ёмон ниятли кишилар ҳарбий техникани автоматлаштириш, коинотда ўз-ўзини бошқара оладиган автоном система — СОИни ишлаб чиқдилар.

Кимё фани ва унинг асосида кимё саноатининг ривожлантирилиши халқ хўжалигига кони фойда келтириши билан баробар ёвуз ниятли кишилар учун кимёвий ва бактериологик қуролларни берди, шунингдек, атроф-муҳитни заҳарли чиқиндилар билан ифлослантиришга олиб келди. Кимё саноати тараққиётимиз учун бундай ташвишлар туғдириши мумкинлигини олимлар дастлабки тадқиқотларда яхши англаб етмадилар. Еки англасалар ҳам, инсон бу даражада лоқайд иш юритади, деб ўйламаган эдилар. Бироқ, минг афсуски, улар янглишган эканлар.

Бу борада атом энергиясининг ажратилиши ва ундан фойдаланиш жараёни ҳам фожиаларга сабаб бўлмоқда. Олимлар ўзларининг бу кашфиётлари сайёрамизни, қандайдир 40 йил ичида Ер юзи аҳолисини бир неча бор йўқ қиладиган даражада кўп ядровий қирғин қуролларининг «омборига» айлантиради, деб ҳеч ҳам кутмаган эдилар. 1939 йили атом бомбаси ҳақида гап кетганда, ҳатто даниялик физик, дунёга таниқли олим Нилс Бордеи бундай бомбани яратиш принципиал жиҳатдан мумкин эмаслигини санаб ўтган эди. Маълумки, бугунга келиб, ядровий қирғин қуроллари шартли портловчи модда ҳисобида 18 минг килотоннани ташкил қилади. Бошқача айтганда, бу миқдор иккинчи жаҳон урушига кетган шундай модданинг миқдори билан солиштирилганда, бундай урушни 6 минг марта такрорлаш қувватига эга. Шундай қилиб, бир гуруҳ бойлик ортидан қувган якка ҳукмрон бойларнинг қўлига тушган XX асрнинг буюк ихтироси 40 йилга қолмай (эътибор қилинг-а, қанчалик қисқа вақтда) инсониятни ҳалокат ёқасига элтиб қўйди.

Бироқ, атом ядросида яширинган энергияни ажратиб олиш устида дастлабки тадқиқотлар кетаётганда, бундай энергияни қўлга киритиш, келгусида тараққиётимиз учун катта хавф туғдиришини кўра олган олимлар ҳам йўқ эмас эди. Шундайлардан бири венгриялик олим Лео Сциллард эди. У немис олимлари Отто Ган ва Ф. Штрассманнинг уран атоми ядросини нейтронлар зарби билан парчаланиши мумкинлиги ҳақидаги кашфиётларидан хабар топиб, ядронинг парчаланиши билан боғлиқ илмий тадқиқотлар устида ишлаётган Жолио Кюрига хат ёзди. Олим ўз хатида уран ядросининг парчаланиши билан боғлиқ илмий ишларининг натижаларини бундан буён очиқ матбуотда эълон қилинишини тўхтатишини қаттиқ туриб илтимос қилди. У мазкур тадқиқотларнинг натижалари келгусида сайёрамиз аҳолиси бошига ҳалокатли хавф келтиришини олдиндан кўра олди. Л. Сциллард ёзган бошқа бир хат кейинроқ — 1939 йилнинг 2 августида Альберт Эйнштейннинг қўли билан АҚШ президенти Рузвелтга йўлланди.

Сциллярддан анча олдин — 1903 йили Пер Кюри ўз кашфиёти учун Нобел мукофотини олиш муносабати билан сўзлаган нутқида: «Жиноятчилар қўлида радий (радиактив элемент) жуда хавфли қурол бўлиши мумкин. Шу боисдан табиат сирларининг янада очилиши одамзотнинг қизиқишидамикин, унинг ақлзаковати, эришилган билимларини фақат фойдага ишлатиш учун пишиб етилганимикин, бу билимлар инсониятнинг келажагига салбий таъсир бўлиб қайтмасмикин?» деб хавотирланган эди.

Хиросима ва Нагасаки осмонида атом бомбаси портлашининг гувоҳи бўлган машҳур инглиз физиги Фредрик Содди бундай хавфни олдиндан кўраолмаганидан хафа бўлиб: «Тўрт йил олдин хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган даҳшатли кучни фан бугун қабул қилишга ҳали мутлақо тайёр бўлмаган қўлга топширганлиги»ни нақадар даҳшатли воқеа деб қайд қилган эди. Дарҳақиқат, прогрессив инсоният эришган фан ва техниканинг улкан ютуқларининг ана шундай «тайёр бўлмаган қўлларга» топширилиб қўйилиши, қувватига кўра, тараққиётимизни бир неча бор йўқ қила олиш қудратига эга бўлган ядровий қирғин қуролларининг вужудга келишига, сайёрамизнинг табиий имкониятларидан, қазилма бойликларидан ҳисоб-китобсиз ваҳшийларча фойдаланишга, атроф-муҳитнинг заҳарли газлар, кимёвий дорилар ва технологик чиқиндилар билан булғанишига, «озон туйнуги»нинг очилишига, хулоса қилиб айтганда, инсониятнинг ҳалокат ёқасига элтиб қўйилишига сабаб бўлди.

Миқёсига кўра улкан ва жуда жиддий бўлган бу муаммоларнинг ҳақиқий айбдори «тайёр бўлмаган қўллар» эгаси инсон эканлигини кўрмай, мазкур барча муаммоларнинг ягона «айбдори» — илмий техникавий тараққиёт, яъни фан деб қаровчилар кам эмас, улар ҳозир ҳам бўлса эски даврларга қайтиш кеч эмас, деб фикр қиладилар.

Бироқ, аслида инсоннинг қўл меҳнатини енгиллатиб, мушкулини осон қилишга, турмуш даражасини яхшилашга қаратилган «заҳматкаш» фанни, техникавий тараққиёт, рўй бераётган ҳалокатли ҳодисалар, экологик кризислар ва ядровий қирғин қуроллар омборининг вужудга келишида айбдор деб билиш ўринли бўлмайди. Бу масалаларда асосий айб ўзимизда — одамларда.

АҚШнинг Аломогордо саҳросида атом ядросидан ажраладиган энергиянинг миқдори Эйнштейннинг формуласида ифодаланган миқдорда тенглигини синаб кўриш учун биринчи бор атом бомбаси портлатилганда, кўкка бўй чўзган портлаш қўзиқоринини кузатаётиб, инсоният учун нақадар даҳшатли қурол яратилганлигини фаҳмлаган физик Кеннет Бейнбирж атом ядроси энергиясини ажратиб олиш ишига улкан ҳисса қўшган физик Р. Опенгеймерга қараб: «Биз энди ҳаммамиз қанжиғнинг болаларимиз», деган эди. Кейинроқ Опенгеймернинг ўзи: «Биз иблиснинг ишини қилдик», деб тан олганди. Табиатига кўра юмшоқ ва кўнгилчан Отто Ган эса Хиросима ва Нагасаки устида атом бомбалари портлатилганда, уларнинг яратилишида ўзини айбдор ҳис қилиб, ўз жонига қасд қилди, фақат тасодифий ҳолгина уни ўлимдан асраб қолди.

Атом электростанцияларининг атроф-муҳитни ифлослантириши масаласига тўхталайлик. Кўмир, нефт, мазут билан ишлайдиган иссиқлик станциялари (ТЭС)лар АЭСга қараганда табиий муҳитни ўнлаб марта кўп радиоактив ифлослантириши мумкин. Бунинг устига мазкур ёқилғининг ёниши жараёнида атмосферага «улоқтирилган» ис гази, азот оксиди ва олтингугуртли газларнинг Ер атмосфераси — озон қатламини емириши ва томчилари эса кислотали эритма кўринишидаги ёмғирни ёғдириш хавфи ҳам бор.

Шубҳасиз, бундай мулоҳазалар, охирги йилларда Тримайл оролида (АҚШ) ва Чернобилда рўй берган атом реакторларининг ҳалокатларини оқлamайди ва меҳнаткашларнинг бу масаладаги норозиликларини табиий деб англайди. Бироқ, шу билан бирга, техника эришган ютуқлардан турли соҳада, жумладан автомобиллар, темир йўл транспорти воситалари, ҳаво кемалари ва ҳатто космик аппаратлардан фойдаланишда мутлоқ ҳалокатларсиз ишлаш мумкин бўлмаганлиги каби, атом реакторларидан фойдаланишда ҳам ҳалокатлар содир бўлишининг эҳтимолини нулга туширишнинг иложи йўқ. Бугунги кунда жамиятимизнинг автомобиллар, темир йўл ва ҳаво транспортларининг ҳалокати туфайли кўраётган талафот Чернобилникидан кам эмаслигини ҳамма ҳам билмаслиги мумкин. Мамлакатимизда 1987 йилнинг ўзида фақат автомобил ҳалокатлари туфайли 40 мингдан зиёд киши (кўз олдингизга келтиринг: сал кам бир «Пахтакор» стадионини тўлдираоладиганча одамлар) ҳаётдан кўз юмди, 260 мингдан ортиқ киши эса, оғир тан жароҳати олди. Моддий зарарнинг ўзи қарийб 7 миллиард сўмни ташкил қилди. Шунингдек, самолёт ва темир йўл транспортида рўй берадиган ҳалокатли ҳодисаларнинг олдини юз фоиз олишликка ҳеч ким кафиллик бераолмайди. Бироқ, шунга қарамай, шаҳарлараро унча катта бўлмаган масофани ўтишда ҳам ҳеч ким от ёки эшакни техника воситаларидан афзал кўрмайди.

Қишлоқ хўжалигида ва саноатда кўплаб кимёвий фаол моддаларни зўрма-зўраки, баъзан бутунлай ўринсиз ишлатиш оқибатида заҳарли экологик вазиятларнинг вужудга келтирилганлиги сабабли кишиларда халқ хўжалигини кимёлаштиришга нисбатан салбий муносабатлар туғилди. Аслида эса, тараққиётимизнинг бугунги куни кимёвий технологиясиз ўтиши мушкуллигини ҳамма ҳам яхши тасаввур қилаолмаслиги мумкин. Чунки инсоннинг фақат маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг ўзи учун хусусан, шахсий компьютер, телевидение, радио, кино, магнитофон ва фотографик қурилмалар ва уларнинг қисмлари учун кимёвий саноат етакчи рол ўйнаши барчага аён.

Шунингдек, маълумки, 1987 йилдаёқ сайёрамизнинг аҳолиси 5 миллярддан ортиб, айни пайтда туғилишлар 6 миллиард ҳисобига кетаётир. Асримизнинг охирига бориб Ер шари аҳолисининг сони 6,5—7 миллиардга етиши кўзда тутилмоқда. Бинобарин шунча аҳолини едириш, кийдириш ва унинг бошқа ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун кимёвий технологиянинг «холис хизмати»дан юз ўгириш талай қийинчиликларга олиб келади.

Шу муносабат билан сайёрамиз миқёсида улкан экин майдонларининг эрозияси, истеъмол қилинадиган мева-сабзавот ва полиз экинларининг турли кимёвий дорилар билан заҳарланиши ҳамда атмосферанинг озон қатламида хавфли «туйнук»нинг пайдо бўлиши каби экологик муаммоларнинг вужудга келишида фақат кимё саноати ва унинг маҳсулотларини айбдор деб санаш унчаям тўғри эмас. Бу маса-

лаларда ҳам, энг аввало, кимё ютуқларидан амалда фойдаланаётган инсоннинг ўзи, жумладан, мазкур маҳсулотларнинг фойдаси ва зарарини «экологик тарозида» тортмай туриб, унга «оқ йўл» берган айрим олимлар айбдор.

Кейинги йилларда, айниқса, шифокор ва табиатшунос олимларнинг насл инженерлиги соҳасидаги кузатишларида кишини ташвишга соладиган томонлар кўп. Хусусан, инсон эмбрионини сунъий йўл билан ривожлантириш имконининг яратилиши мазкур тадқиқотлар ичида энг ташвишлидир. Бу борада юксак онглилик билан иш тутилмаса, одоб ва ахлоқ нормаларига риоя қилинмаса, келажакда бундай ихтиролар инсоният учун қанчалар қимматга тушишини тушуниш қийин эмас. Шуларни эътиборга олиб, кейинги йилларда бундай изланишларнинг адлий жиҳатдан чекланган йўналишларининг ишлаб чиқилганлигини мамнуният билан қайд этиш мумкин.

«Жилови» онгли кишиларнинг қўлидан кўйилмаслиги зарур бўлган бошқа бир соҳа — келгусида инсон мияси фаолиятининг сезиларли қисмини ўз зиммасига олишни мўлжаллаётган — «электрон мия»лар номи билан машҳур бўлган компьютерлардир. Хусусан, олимларнинг сунъий интеллект бўйича олиб бораётган ишлари қўл меҳнатини енгиллаштириш, талай ишларни автоматика ва телемеханика зиммасига юклашдек яхши ниятларга қаратилган. Бироқ, «ҳар яхшининг бир ёмони...» деганларидек, бу янгилик ҳам лоқайд кишилар қўлида тараққиётимиз учун ҳалокатли ҳодисаларда воситачи бўлиб қолиши мумкин. Маълумки, айни пайтда сайёрамизда ядровий қирғин қуролларининг жуда катта запаси йиғилган ва кун сайин бошқариш пултларида инсоннинг ўрнини темиртанлар эгаллamoқда. Бироқ ҳеч қандай техниканинг, у қанчалик такомиллашган бўлмасин, ҳалокатларсиз ишлашига юз фоиз кафиллик бериб бўлмаганидек, бундай «электрон миялар»нинг ҳам ҳар доим беками-кўст ишлашига ҳеч ким кафолат беролмайди. Сайёрамизнинг маълум бурчагида ядровий бомба портлатилгани ҳақида бизни огоҳлантириши лозим бўлган ва Ер сунъий йўлдошларидан бирига ўрнатилган бундай темиртанлар қаердадир рўй берган жуда кучли ёнғинни ёхуд момоқалдироқ яшинини ядровий қурол ҳужуми деб билиб, Ердаги марказга «жанг бошланганидан» хабар бериши мумкин. Коинотда секундига тахминан 8 километр тезлик билан учиб юрган, баъзилари ўз фаолиятини тугатган минг-минглаб сунъий йўлдошлар замонида бундай «кичик» янгилиларни тасаввур этиш қанчалик даҳшатли!

Хўш, энди компьютер техникасининг бундай салбий томонларини деб бугун мураккаб технологик жараёнларда инсоннинг қўлидан ишини олаётган, унга ёрдамга келаётган темиртанлардан воз кечиб бўладими? Йўқ, албатта. Бунга ҳаммамиз гувоҳ бўлган ва яқинда рўй берган Чернобил ҳалокати пайтида инсон ўрнига «электрон мия» бошқарадиган техникаларнинг фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, коинотдан тинчлик мақсадларида фойдаланишни, келажакда сайёрамизнинг экологик муаммоларини ҳал қилишда етакчи рол ўйнаши мўлжалланаётган космонавтикамизнинг энг сўнгги ютуғи бўлмиш «Энергия» — «Бўрон» транспорт ракета — космик тузилмасининг мўъжизавий ютуғи ҳам шу «электрон мия» туфайли қўлга киритилди-ку! Бундай «мия» космос қаъридан келаётган орбитал самолёт — «Бўрон»га бепоён сайёрамиз сиртидан унга ажратилган — эни 84 метр, бўйи 4,5 километр келадиган қўниш йўлагини топиб, бошқарувчисиз қўнишга имкон яратди!

Шубҳасиз, фан ва техниканинг шиддатли ривожи, юқорида эслатилганидек, фақат фойда келтирмай, турли йўналишларда инсон саломатлиги ва ҳаётини таҳликага соладиган хавфхатарли ҳалокатли вазиятларни вужудга келтиради. Шуни эътиборда тутиш керакки, олимларимиз ҳар бир фан янгилиги ёки техника ютуғини турмушга тадбиқ этишда шошма-шошарликка йўл қўймай, унинг фойда ва зарар томонларини экологик нуқтаи назардан тарозига солиб, улардан фойдаланишнинг энг қулай йўлларини ишлаб чиқишлари керак.

**Зоҳиджон ОБИДОВ**

* * *

Эй, Ватан, сен ризқиму рўзимдасан,
Қайга бормай, жон каби ўзимдасан.
Ўзга юртда сайр этар чоғ лол эсам,
Кўзни тўсдинг жонланиб бир зумда сан.
Бўлди пайдо зич ўрикзор, олчазор,
Ғуж келиндек оқ либос йўсиндасан.
Рақс этиб дилдоралар шўх ноzланиб,
Зап наволар янграган бак-бумдасан.
Эй, Ватан, бўстонларинг хуш бўй тараб,
Беҳисоб гуллар бўлиб таъзимдасан.
Уч товусдек қуршабон уч мадраса,
Кенг Регистон узра тик тўзимдасан.
Ложувард ҳар гумбазу нақшин минор
Жилва айлар, фахри нақ кўксимдасан.
Қорли тоғлар оқ рўмолли онадек —
Солди савлат гуркирар мавсумдасан.
Ўз кўчам, гўшам ва гавжум чойхонам —
Қайга бормай сен менинг кўзимдасан.
Айламанг айб ўзга зебо ўлкалар,
Дер эсам юртимни энг маъсумасан.

* * *

Кўнглим осмон менга меҳринг бор учун,
Шафқатинг давлат менингдек зор учун.

Сен билан бу дилбар дам дилнавоз,
Борлиғим бахшида сен дилдор учун.

Яшнагай дил, ўзгаларга нораво,
Менга инъом бунча хуш дийдор учун.

Гоҳ кўриб кўрмасга олсанг майлига,
Минг тасанно мунча номус-ор учун.

Четда қолсам, даврада этдинг имо,
Жон тасаддуқ сен каби ҳушёр учун.

Зоҳиджоннинг оҳи топди эътибор,
Қалбини тутмиш тугал сен ёр учун.

## ЭЛДА ЭЪЗОЗ ИСТАСАНГ...

Айла дилкашлик ҳамиша
оқилу доно билан,
Айла дилдорликни сен чин
хулқи хуш барно билан.
Сирти силлиқлик бўлурму
қадру қимматга гаров,
Ботининг ораста айла
мағзи тўқ маъно билан.
Элда эъзоз истасанг гар,
кўзла поклик даврасин,
Бирга бўлгил шавқли меҳнат
гаштида ошно билан.
Бир келур оламга одам,
гар фароғат истасанг,
Ўз ҳаётинг айла пайванд
бир гули раъно билан.
Зоҳиджон не-не синоат
кўрмади бу даҳр аро,
Ҳормайин пок ўтказ умринг
файзи соз асно билан.

## СЕНИ КЎРГАН ОНИМДАН

Ҳушимда ҳуш йўқ асло
сени кўрган онимдан,
Енгди ишқ деган савдо,
сени кўрган онимдан.
Дил қуши энди ҳар зум
сен томон тилар парвоз,
Соянгдай юргум шайдо
сени кўрган онимдан.
Васлинг умиди бирлан
хаёлларим безанди,
Хаёлларим сержило
сени кўрган онимдан.
Чертиб қўйиб дил торин,
этдинг мени умидвор,
Едингсиз ўтмас асно
сени кўрган онимдан.
Умидим гулшанига
фақат ўзинг бўл боғбон,
Кўнглим васлинг дер танҳо,
сени кўрган онимдан.
Зоҳиджон наво айлар
номингни тилдан қўймай,
Кўйингда қўшиқ ошно,
сени кўрган онимдан.

## ЧАРАҚЛАБ КЕТСИН

Баҳор келиб қуёш ҳам
шўх нигоҳ ташлар бўлди,
Боғларни безаб баҳор,
дов-дарахт яшнар бўлди.
Ғунчалар табассумлаб,
булбул куй бошлар бўлди.
Хуш ислар пуркаб еллар
дилларни хушлар бўлди.
Бирга бўл, дил олами
ёздай ярақлаб кетсин,
Туйғуларимда борлиқ
мудом чарақлаб кетсин.
Бағримга сиғмай шавқим
сойдай шарақлаб кетсин,
Лутф эт кўнглим дафтарин
кўнглинг варақлаб кетсин.
Умримни безатиб қол
кўнглимни этиб осмон,
Зоҳиджоннинг юраги
сенга талпинур ҳар он.

## ЎНГИММИ Ё ТУШИММИ?

Лутф этиб майин боқдинг, ўнгимми ё тушимми,
Умид учқунин ёқдинг, ўнгимми ё тушимми?

Бузиб аҳду паймонинг, ишониб ғанимларга,
Нега адашиб оғдинг, ўнгимми ё тушимми?

Қаҳринг булути тарқаб, рўшнолик ато этдинг,
Қалбга нур бўлиб ёғдинг, ўнгимми ё тушимми?

Меҳринг ташнаси эрдим муҳаббат саҳросида,
Дилга дарёдек оқдинг, ўнгимми ё тушимми?

Зоҳиджон дил дардини неча бор хатга солди,
Нега мунча кеч уқдинг, ўнгимми ё тушимми?

## НОЗЛАНА-НОЗЛАНА

Ўйна жонон, чарх уриб, ноzлана-ноzлана,
Кўз қамаштир барқ уриб, ноzлана-ноzлана.
Қирқ чилвир соч чулғансин нозик белингга,
Шўх тўлғансанг, шўх юриб, ноzлана-ноzлана.
Ғамзаларинг сеҳрига давра маҳлиё,
Жўш ур эл шавқин кўриб, ноzлана-ноzлана.
Куй авжлансин қуюндай ўрланиб кўкка,
Хуш ол чирпираб туриб, ноzлана-ноzлана.
Бахтинг намойиш айла, жилваланиб шод,
Дилни завққа тўлдириб, ноzлана-ноzлана.
Кўз тегмасин, яшнабсан рақс айла гир-гир,
Бежо дилдан юз бурриб, ноzлана-ноzлана.
Тасанно дер Зоҳиджон, даврани лол эт,
Ширинdan-ширин кулиб, ноzлана-ноzлана.

Юсуф ЖУМАЕВ

## АМАЛДОР БИЛАН СУҲБАТ

Дединг: ўйласанг-чи фақат ўзингни,
Ўзгалар дардида бўлгансан яғир.
— Адолат шамоли кўмсин изингни,
Амалдор эмасман, шоирман ахир.

— Чўнтагингни ўйла, юртни ўйлама,
Осмон қулармиди эл бўлса фақир,
Элбошини куйла, элни куйлама,
— Амалдор эмасман, шоирман ахир.

— Тоқат қил тупроғинг тузга айланса,
Тоқат қил денгизинг бўлса ҳам тақир,
Тоқат қил пахта деб халқ бели синса,
— Амалдор эмасман, шоирман ахир.

— Қуриса қурир-да, бағрингни тилма,
Курси бўлармиди Аму билан Сир,
Жим бўл, ҳиссиётга асло берилма,
— Амалдор эмасман, шоирман ахир.

— Халқим деб юрагинг қонга тўлади,
Халқ эмас, қул керак бизга мунтазир.
— Халқ ўлса, шубҳасиз, у қул бўлади,
Амалдор эмасман, шоирман ахир.

* * *

*... халқ ғофил, найлайин.*
*Навоий*

Кўзи очиқ халқ кучдир,
Кўзи юмуқ халқ ҳечдир.
Кўзи очиқ халқ учун
Фарзанд бўлмоқ севинчдир.

Қани яшаш имкони?!
Кўкда дилинг фиғони,
Эй, сен, кўзи кўр халқнинг
Кўзи очиқ ўғлони!

## БИР РАИСГА

Ҳаёт деса, раис бува,
Тушунасиз барра кабобни.
Шўрлик халқ-чи, бағри яра,
Тушунади шудгор, яхобни.

Ҳаёт деса, раис бува,
Тушунасиз сергўшт паловни.
Тушунади халқ бечора
Саратонли ёзни — оловни.

Раис бува, ҳаёт деса,
Тушунасиз Қрим, Ялтани,
Кифти яғир, хор халқ эса
Тушунади эгат, пахтани.

Ҳаёт баъзан тегар ғашга,
Манглайимда кўпаймоқда из.
Тенглик бўлмас, халқ яшашга —
Урганмаса амалдорларсиз.

## АЗРОИЛНИНГ ДЕГАНИ

Бу дунёда қолмади,
Менга заррачалик иш.
Одамзоднинг қасдида
Ортиқ чекмайман ташвиш.

Қай кимсанинг жонини
Олмоқ учун борсам гар,
Мендан бурун дўст-ёри
Пайин қирқиб улгурар.

Кеча битта шўрликни
Қидирдим роса узоқ.
Дедилар: кечикибсан
Нотавон бўлди тупроқ.

Бекорчиман, яллогўй,
Ортиқ чекмайман ғамлар,
Менсиз ҳам эплаб турган
Одамларни одамлар.

## ҒАЛАТИ БЎЁҚЧИЛАР

Бизга пеша бўлган, ўйласам бундоқ,
Мудом қўлимизда икки хил бўёқ:

Бири оқ, бириси қорадир, қора,
Биз-чи, бўяш билан тун-кун овора.

Катта ҳам, кичик ҳам, аёл, эрлар ҳам,
Ишчи ҳам, деҳқон ҳам, министрлар ҳам...

Кечани қорага бўяймиз нуқул.
Бугунни оқ рангга бўяймиз буткул.

Гўё кечада йўқ оқ жойи, сиё.
Бугунда қора жой йўқ каби гўё.

Хулоса қиламиз, мазмуни шундоқ:
Кеча буткул қора, бугун буткул оқ!

Кеча шу «кеча»ни бўёвдик оққа,
Бу кун тенг қиламиз қора тупроққа.

Эртага нетамиз: дангал гаплаймиз,
«Бугун»нинг устига қора чаплаймиз!

Ҳамма англаб етган: аҳволинг чатоқ —
Қўлингда бўлмаса икки хил бўёқ!

# САПИЛТОШ АФСОНАСИ

Табиат мўъжизалар жамланган сирли сандиққа ўхшайди. Айниқса ўтмиш ёдгорликлари, турли осори-атиқалар ҳамиша кишиларни ҳайратга солиб келади.

Мана шундай мўъжизалардан бири Чироқчи ноҳиясидаги Қалқама совхози ҳудудида жойлашган Говхона қишлоғининг шимолидаги Сапилтош қўрғонидир. Неча минг йиллик тарих гувоҳи бўлган бу қўрғон табиат маҳсулидир.

Бу ердаги «тош хоналарга» бирма-бир кириб чиққан киши, тош қўрғоннинг одамлари ҳозиргина шошилинч кўчиб кетишибди-да, деган хаёлга боради. Сапилтош қўрғони ғорсимон, ўтовсимон, уйсимон кавак тошлардан иборат. Узоқ ўтмишда бу жойлар ерли халқнинг босқинчилардан қочиб яширишни учун тайёр макон бўлганлиги кўриниб турибди. Кўп қаватли уйнинг бир томонини оладиган тўрт бурчак темир бетон панелдай катталикдаги қоп-қора тошларга ўйиб чизилган муаззам ҳаётнинг ўзига хос манзаралари ўтмишдошларимиз ҳаётидан ҳикоя қилади.

...Номаълум мусаввир ўзининг метин чўкичи билан тош бетига расмлар чизиб кетган. Остида ўйноқлаган арғумоқ, қўлида ўқ-ёй, чиройли салласининг қоқ ўртасида шоҳлик жигаси қадалган баҳодир йигит бироз олдинга талпинганича архарга ўқ узмоқда. Бу сурат кўринишда «Бобуршоҳ овда» деган тасвирга ўхшаб кетади... Ундан қуйироқда эса бир тўда бўрилар, олдинда жуда катта ёлдор бўри, танҳо бир итга ташланмоқда. Ит якка ўзи бўлишига қарамай ҳай-ҳайлаб чопаётган чўпондан мадад олиб, бўриларга дадил ташланмоқда. Пастда эса итдан мадад олиб хезланиб турган серкалар...

Буларнинг барчасида мусаввир феодал муҳитдаги ҳаётни ва ўша ҳаёт қучоғида узлуксиз давом этган ошкора ва яширин курашларни линзада тўпланган нур каби ихчам тарзда ифодалай олган. Агар бундан ўзгача, ноҳаётий чизилганда эди, суратда шоҳ қўлига камонини олиб, беозор архарларни эмас, ваҳший бўриларни тирқиратиб қувлаётган итга ва чўпонга ёрдам бераётган, архар ва кийиклар эса дала-даштда яйраб юрган бўларди.

Сапилтош сўзи асли Санг — фил — тош, яъни филга ўхшайдиган тош маъносини англатади. Дарҳақиқат, бу тош қўрғоннинг энг юқорисида филга ўхшаб чўнқайган 20—25 тонналик тош, улкан ясси харсанг устига шундай жойлашганки, уни ҳар қандай киши бемалол қимирлата олади. Унинг ёнидаги ясси тош майдон устида ҳозиргина узиб олингандай нон кулча излари ҳам кишини ҳайратга солади.

Маҳаллий аҳоли бу жойни уч хил ном билан — Сапилтош, Бешиктош, Тулкиқўрғон дейишади. Шу ерлик отахон Мурод бобо Тулкиқўрғонни бундай шарҳлайди. Аслида Тулкиқўрғон эмас, Туркиқўрғон дейилса ҳақиқатга яқинроқ бўларди. Чунки бу жойда қадимдан турклар — барлослар яшаб ўтган. Оғиздан-оғизга ўтиб келган ҳикоятларда айтилишича, ўтмишда қайсидир подшоҳлик даврида босқинчилар бир неча бор ҳужум қилиб, бутун атроф шаҳар ва кентларни аёвсиз жанг билан қўлга киритган ва ғалаба нашъасидан маст бўлиб турганда: «Ҳамма жой ишғол қилинди-ю, фақат ана у тоғ тепасидаги Туркиқўрғон таслим бўлмадида», деб қолади. Бу овоз Туркиқўрғондан яширинча қочиб кетган хоиннинг гапи эди. Бир хоиннинг гапи билан минглаб исёнчининг ёстиғи қурийди. Яъни, душманлар от бошини Туркиқўрғонга қараб бурадилар... Сапилтош атрофи тош деворлар билан ўралган (ҳозир ҳам девор қолдиқлари турибди), гўё тош қалъага ўхшарди. Мушаклари тошдай қаттиқ норғул йигитлар бу ерда «ўқ дориси» ҳеч қачон тугамайдиган палахмонлар билан қуролланиб, бутун қўрғонни айланасига жойлашиб олган эди. Ичкарирокда — шинакларида пилта милтиқлилар саф тортиб туришарди. Қолганлар эса тош кавакларга, сирли ғорларга кириб кетишганди, гўё бу тошлар орасида ҳаёт йўқдай жимжит эди. Босқинчилар бир неча кун уриниб, қўрғонга яқин келаолмайдилар. Лекин ҳалиги хоиннинг ёрдамида яширин йўлак топиб қўрғонга киришиб, улардаги фидойи жангчиларни қириб ташлайдилар... Ҳозиргача сақланаётган эски мозор қолдиқлари ўша жанг ёдгорлиги сифатида сақланиб қолган.

Лекин босқинчилар қўрғондаги кўпчилик одамларни топиша олмайди. Улар босқинчилар кетишгач яширинган жойларидан чиқиб, қўрғонни қайта тиклайдилар. Қурбонлар учун душмандан аёвсиз ўч оладилар. Қалъани бутунлай қўлга киритолмаган босқинчилар бу жой Туркиқўрғон эмас, Тулкидай айёрлар қўрғони — Тулкиқўрғон экан, деб қайтиб кетишади.

Сапилтош қўрғони кўп бор элни душман ҳужумидан, бемаҳал ажал чангалидан қутқариб қолган. Шу сабабдан ҳозиргача ҳам говхоналиклар бу жойни муқаддас макон, табаррук қўрғон деб биладилар.

**Ғози РАҲМОН**
Чироқчи ноҳияси

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ

# ТЕЛПАК

ҲАЖВИЯ

Қиш яқинлашиб қолди. Алибекнинг қулоғини совуқ уриб кетса, кейин қизлар қарамай қўйиши мумкин. Эртага Оқтепада бозор. Битта яхши телпак олиш керак. Яна Тоштемирга ялинишга тўғри келди. Эрталаб унинг «Ява»сига мингашиб, бозорга келишди. Афсуски, чайқовчиларни қувиб юборишипти. Магазинда эса... одатдагидай, тузукроқ телпак йўқ. У ёқ-бу ёққа оралаган киши бўлишди, билишса, сал кечикишган экан. Кейин ошхонага ўтиб, кабоб буюришди.

— Нима, энди шунақа қилиб ўтираверамизми? — деди Тоштемир кўзларини лўқ қилиб.

— Нима қилди?

— Кабоб томоқдан ўтмаяпти.

— Эрталабданми?

— Эрталаб эканми? Туш бўлди-ку!

— Э, қўй, кейин телпакка пул етмай қолади.

— Сенда пул йўқми? — Тоштемир аразлади. — Нурали акани алдаб, бутун бригадани еб ётибсан, сенда йўқми?

— Бўлмайди-да-е! Рулдасан.

— Ичмасдан рулда юрганимни кўргандингми? — Тоштемир кулиб юборди. — Олмайсанми? Билиб қўй, дўстлигимиз ўша ароқнинг ичида. Иккига бўлмасак... «узма дўстлик торини, боғлаш қийин», деган қўшиқни эшитганмисан? Ана ундан кейин менинг кўнглимни чоғлаб бўпсан. «Ява»га мингашишдан умидингни узавер.

Тоштемир ҳар куни қизларни мингаштириб юради. Шунинг учун Алибек ҳам олмоқчи бўлганди, отаси кўнмади... Атайлаб! Рулда мағрур ўтирсанг, орқангдаги қиз белингдан маҳкам қучоқласа. Алибек жуда тез ҳайдаб, рулни қаттиқ-қаттиқ бурса, қиз маҳкам Алибекка ёпишса! Энди... бунинг гаштига нима етсин! Аҳҳ! Тоштемир эса... ҳа, майли, шуям хафа бўлмасин. Алибек магазинга кириб чиқди.

Икковидан уч қадам наридаги стол атрофида икки қиз овқатланиб ўтиришар, ўзларича алланималарни гаплашиб кулишар, ҳар замонда буларга қараб қўйишарди. Алибек билан Тоштемир аввалига уларга эътибор беришмади. Кейин... қизларнинг столида оғзи очиқ «Портвейн» шишаси турарди. Ий-е! Тоштемир лабларини чўччайтириб, кўзларини Алибекка бўзартирди.

— Қизлар революция қилаяпти, — деди Алибек.

— Қизларнинг уйда ичганини кўрганман, тўйда ичганини кўрганман, йигитлар даврасида ичганини кўрганман, аммо... — Тоштемир гапини тугатмади. — Айтсанг, ҳеч ким ишонмас-ов! «Маст бўлиб йўлда юмалаб ётганди ҳам», дерсан деб кулишар. Оддий ўзбек қишлоқ қизлари-я!

— Балки шаҳарлик қизлардир, — деди Алибек.

— Қўйсанг-чи, — деди Тоштемир, — шаҳарлик қиз бунақа бўлмайди.

Ҳар қалай, шаҳар борасида у Алибекка қараганда билимдонроқ эди.

Стаканларни тўлдириб, қизлардан кўз узмай туришганди, улар ҳам салгина назар ташлашди. Алибек билан Тоштемир баравар кўз сузиб: «Сизларнинг бахтларингиз учун!» деб ичиб юборишди. Қизлардан бири ошкора кулиб юборди, иккинчиси кулгисини яшириш учун четга ўгирилди. Йигитлар яна сўз қотишмоқчи эди, иложи бўлмади. Бу орада қизлар ўринларидан туриб, бекат тарафга жўнашди. Йигитлар ҳардамхаёл бўлиб, қизларнинг орқасидан тушишди. Имкони бўлса, «илдириш» керак. Бир қарорга келиб улгурмай, қизлар бир «Жигули»га ўтирганча, жўнаб қолишди. Шофернинг ёнида бир йигит ҳам бор.

Тамом! Икковини иккови «илдириб» кетди.

— Қаёққа кетишини кузатиб тур, — деганча Тоштемир «Ява»сига югурди. — Қувамиз. Энди қўлдан чиқармаслик керак.

Мотоциклни катта тезликда ҳайдаб, «Жигули»ни қувиб ўтишди. Қизлар уларни танишди. Кулча юзлиси яна илжайди. Алибекнинг юраги ҳаприкди. — Мана омад! Қишлоқдан чет жой... Зулфия эса... билиб ўтириптими? Зўр қизча экан! Дўмбоққина!

Тоштемир атайлаб орқада қолди. Дўмбоққинаси орқага ҳам ўгирилиб қаради. «Ҳа-а, акагинанг айлансин!» деб Тоштемир қичқириб юборганди, Алибек уни турдди: «Буниси меники! Шилқимлик қилма!» Кейин «Жигули»ни қувиб ўтишди. Э, жуда зўр бўлди-да! Худди кинолардагидай. Қувиб ўтишади, орқада қолишади, ёнма-ён боришади. Қизлар эса айниқса, кулча юзлиси, улардан кўз узмайди. Бир қишлоққа етганда анча олдинга ўтиб кетишган экан, «Жигули» тўхтаб, қизлар тушаётганини кўриб қолишди. Мотоциклни бурриб қайтиб келишса, қизлар ўша ердаги магазинни очишаяпти. Демак, магазинчи қизлар! Кулча юзлиси яна уларга қараб илжайди-да, ичкарига кирди. То Тоштемир мотоциклни жойлагунча, Алибек магазинга кирди. Худди эски танишлардай, олдин каттаси билан кўл бериб кўришди, кейин кулча юзли қизнинг қўлини қўймасдан:

— Билмайман, сизнинг исмингиз нима? Меники Алибек. Сизга битта гап айтмоқчиман. Юринг, четроққа чиқайлик, — деди. Нимага шундай деди, нима демоқчи эди, ҳали ўзи билмас, шунчаки қизиқ устида ўзлари бошлаган «ўйинни» давом эттираётганди. Қизлар ҳайрон, ҳатто кичиги қўлини тортиб олишни ҳам унутганди. — Мен сизга гапимни айтишим керак. Шунинг учун атайлаб орқангиздан келдик, — деди Алибек тинмай кўзларини қизга тикаркан. — Боя ҳа-ҳу деганча жўнаб қолдинглар.

— Во-ой, сиз нима деяпсиз? — қизча тамом қалтираб, ўзини йўқотиб қўйганди. Менга севги изҳор қилмоқчи деб ўйлади шекилли, чўчиди.— Менинг йигитим бор...

Алибек кулиб юборай-юборай деб, ўзини зўрға тутиб қолди. «Қиз нималарни ўйлаяпти?.. Мен-чи? Ўзим ҳам билмайман?».

— Воҳ! Алибек, — деди отилиб кирган Тоштемир. — Мана энди қизлардан илтимос қиламиз, сенга телпак топиб беришади. Қизлар, мана бу телбага телпак топиб беринглар, илтимос! Қулоғимни совуқ уриб кетса, қизлар қарамай қўяди, деб мени судраб юрипти.

Алибек қувониб кетди — баҳона топилди!

— Ий-е! Ҳали тополмадиларингизми? Бутун бозорда-я! — деб сўради катта қиз.

— Бизнинг телпак излаганимизни қаёқдан биласизлар? — Тоштемир ҳам ҳайратланди.

— Боя биздан ҳам сўрагандиларингиз.

— Сизлар қаерда эдиларингиз?

— Дўконлар қаторининг четида.

— Сизлар нима дегандиларингиз? — сўради Тоштемир.

— Йўқ, дегандик.

— Сотиб қўйдик, магазинга борсаларинг топиб беришимиз мумкин демаганмидиларинг? — деди Тоштемир Алибек билан кўз уриштириб оларкан, сен жим тур, бу ёғини ўзим тўғрилайман, дегандай.

— Йў-ўқ, айтганимиз йўқ, — деди катта қиз.

— Сиз айтувдингиз-ку! — дея Алибек кулча юзли қизга мурожаат қилди. Қизча кўзларини катта-катта очганча ҳайрон бўлиб, елка қисди. — Бари бир сизларда бўлиши керак, илтимос, — деди Алибекка жон қириб. Тоштемир режани бузди, ҳеч бўлмаса телпаклик бўлиб қолиш керак ахир.

Пештахтадаги телпаклар Алибекка ёқмади. Қизлар ичкарини излашга тушишди. Алибек пул чиқариш учун ички чўнтагига қўл солганди, қараса, кўкраги баланд. Эсига тушиб қувониб кетди. Боя Тоштемирга кўрсатмасдан икки шиша ароқ олган, бирини яширганди. Яримтани бўшатган, кўнгил ботир, шарт ароқни пештахта устига қўйди.

— Боя сизлар учун олгандим. Энди бирга мен оладиган телпакни ювамиз.

— Ким айтди сизларга бизни ичади деб? — сўради катта қиз жилмайиб. Афтидан унинг бу ғаройиб йигитлар билан валақлашиш истаги йўқ эмас эди.

— Кўрдик ичмаслигингизни, — дея Тоштемир ўз «қизи» билан гапни давом эттирди. Алибек эса телпак излаб ичкарига кирган ўзининг кулча юзлигини кутиб, кўзлари аланг-жаланг эди. — Ошхонада ўтирганларингизда-чи? Олдиларингизда битта «Портвейн» турганди-ку!

— Ий-е! Унда вино эмас, сирка турганди, — деди қиз.

— Ростданми? — Тоштемирнинг кўзлари каттариб кетди.

— Бўлмаса-чи? Сомса ейдиганлар учун қуйиб қўйишган... Ҳали сизлар, бизларни ичадиган анақа қизлар экан, деб ўйлаб, орқамиздан ароқ кўтариб юрибсизларми? — Қизнинг бутун юзига қувонч ёйилди.

«Аҳмоққина қизчалар экан! Вой қишлоқилар-эй!»

— Ароқни-ку, энди... телпак учун олганмиз-ов! — Тоштемир чайналди.

— Йўқ экан, қолмапти, — дея ичкаридан кулча юзлиси чиқиб келди.

— Ий-я, шунча таниш бўлиб, битта телпак топиб беролмайсизми? — дея Алибек тилга кирди.

Қизча уялиб турар, бот-бот Алибекка қараб оларди.

— Атайлаб келдик, бундай қилманглар энди, — дея Тоштемир яна гапга тушди. «Узиникини» авради. — Илтимос сиздан!

— Хўжайиним эртага РайПОга боради. Телпак ҳам олиб келса керак. Балким эртага кечқурун келарсизлар?

— Хўжайинингиз ҳам магазинчими?

— Ҳа, у киши мудир. Ҳозир бизларни ташлаб уйга кетди. Ҳализамон қайтиб келса керак.

— «Жигули»дагими? — Тоштемир хавфсираб Алибекка қараб олди.

— Ҳа, ўша! — Катта қиз жилмайди. — Енидаги йигитга мана бу синглимни, — «Алибекникини» кўрсатди, — унаштиранмиз. Улар ортиб, сотилмай қолган молларни юклаётганда биз ошхонага киргандик.

— Бу синглингиз ҳам магазинчими? — сўради Алибекнинг юрагига ғулғула тушиб.

— Йўқ, бу куёви билан тўйга у-бу харид қилишга борганди.

— Ҳа, майли бўлмаса, синглингизнинг бахти учун юз граммдан оламиз, битта пиёла келтиринг, — дея Алибек ароқнинг оғзини очди.

Шу пайт кўчада «Жигули» ғийқиллаб тўхтади ва ана-мана деганча бояги йигитлар тўртта бўлиб кириб келишди. Алибек ҳамон ароқнинг оғзини очганча, ҳайрон бўлиб турарди.

Кейин... кейин бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Энди у гапларни эслаб ўтиришга ҳожат йўқ. Барлосда тарқалган миш-мишларга қараганда ,Тоштемир билан Алибек мотоциклдан йиқилганмиш. Юзи-кўзи, баданларидаги жароҳатлар шундан эмиш. Барлосда бу воқеа ҳақида бундан бошқа гап чиққани йўқ. Демак гапнинг рости шу. Ким билади дейсиз, бўлса бордир... Ҳамма гапни ўзимиз кўриб-билганимиздан кейин бошқалар нима деса шунга ишонишимиз лозим-да!

# МИКЕЛАНЖЕЛО

Эмил ВЕРХАРН

Сикст маъбадига
қадам қўйди
Буонарроти.
Нилий гумбаз
кўкига боқиб,
тўхтаб қолди,
хаёлга ботди.
Қадамлаб ўлчади мусаввир
Пештоқ билан меҳроб орасин.
Чамалади — неларга қодир
Кунгирадор деразалардан
оқиб кираётган
Кунботарнинг заррин шафағи.
Ва ўйлади —
Насиб этармикин
самога етиш
Илҳому ижоднинг
кўкка сапчиган
асов тулпорларида?
Қош қораяр,
даҳо сарсари
ўйга чўмиб,
қайта бошлар
Кампаня водийси сари...

* * *

Водийлар салқини,
тоғлар виқори,
Ҳар лаҳза ўзгарар
рангларнинг бари.
Шиддатли бўронда камалаксимон
Танаси эгилган,
шохлари юлқинган
дарахтлар —
Гўё самога қўл чўзиб
югуриб бораётган
Буюк баҳодирлар танин эслатар.
Ана — гигантларнинг
чайир бўйини,
мушакдор билаги,
Томирларда — пинҳоний қудрат.
Инсонлар журъати,
фикри, тилаги,
Исёни борлиққа солажак даҳшат.
Қуюндай чарх урар ҳудудсиз олам,
Оламда тин билмас
ҳазрати Одам...
Шаҳар остонаси, сокин далалар
Мусаввир руҳини олқамас бу гал...
Дилида ифтихор,
ғурур ва ташвиш.
Самовий манзара,
ҳудудсиз рўё...
Гоҳ кўринар ҳайкалларсимон,
Тутундай тарқар гоҳ,
кўринмас дунё...

* * *

Эртасига ёвуз бир сиртлон
чангаллаб олгандай
бир бош узумни,
Чанг солиб шарбатин тирқираттандай,
Шодлиги ер билан битта бўлар-ку.
«Рим отаси мени мазах қилар-ку?
Ҳайкалтарош ганчга гул ўйиб,
Қоронғу ибодат қасрини
қандай
Нурли жилолар-ла безата олар?
Нотўғри битилган капелла тарихи,
Қасрми, сағана, билинмас, ахир?
Чароғон кунда ҳам зиндондай хира,
Еритиб бўлурми бу жойни сира?
Бунда сояларни нафис бўямоқ,
Зулматга зарҳал ранг бермоқ не ҳожат?
Самовий гумбазга қандай етар қўл?
Ҳавоза қилинса очиларми йўл?»
Лекин хотиржамдир руҳоний ҳазрат:
«Энг яхши ўрмоним кесинглар, майли.
Биз учун аълодур — санъат, маърифат,
Инсонлар покланар санъат туфайли».
Анжело чиқдию олий даргоҳдан
қайғу, ташвиш ила Римга чекилди.

* * *

Баҳор кунларининг тиниқ наҳори
Қўнғироқ бонг урар, келар мусаввир.
Ҳозирча қоғозда ранглар оҳори,
Бошини қиздирган мингларча тадбир,
Ақл-шуурида ҳукмрон қудрат,
Илоҳий вужудлар бунда қатма-қат.
Мангу куй яраттай, йўл берса толе.
Мушфиқ қавмларнинг тутиб қўлини,
Башорат этгувчи нажот йўлини,
Эътиқод ғиштидан тиклаб бинолар,
Элга паноҳ топган нурли сиймолар...
Олий зот, теграсин қуршаган аъмо,
Саҳобалар, сидқи руҳилло[1] ...
Не-не мумтозу шариф зотлар
олам ишига кулмиш.
Шафқат фаришталари,
қанотли гўдаклар
Биби Марямни
Парвозга ўргатиб
нурли самога.
Жаннат дарахтига
ўралган илон — Иблис,
хушомад қилади
Момо Ҳавога.
Юдиф қиличи
Олоферн қонидан
олга бўялмиш[2]
Тоғдай барзанги рақиб
Ғолиёф
Лоши ётар бошсиз,
не ажиб ҳол?
Вужуди чоғу,
дили — тоғ,
Довуд
Қилган ишидан ўзи ҳам лол.[3]
Қийноғда, талвасада берар жон
бунда шоҳ Амон
Кун тунга уланиб,
тун кунга,
Ором нелигин билмас мусаввир
то қучгунча шараф-шон...
Зулматли самода
неча даҳолар
юлдузи чарақлар.
Зангор гумбаз кўкида энди
муқаддас
Борлиқ китоби ярақлар.
Ёлғизу қодир тангри
Олам қуюнига
Кунпаякун найзасин отмиш[4].
Қуёш гардиши ҳам
Ой чамбари
ёғду уммонига ботмиш.
Ҳар сори оқар зулмат аро
Ҳазрати Яҳё[5]
Елдай учару, нафасидан
уфурар ул оламга зиё.
Самовот, юлдузлар чамани,
Ер, уммон ҳам тоғу тошлар...
Мавзуну мувофиқ
худди тирикдай
нафас ола бошлар.
Олам эгаси олдида
хушқад Ҳаво
таъзимда чўкар тиз.
Қазо дарахтига ўралар,
маккор Илон — Иблис,
Кўкси яланғоч,
худди гўзал қиз.
Тангри яна шафқат этиб, Одамга—
Улуғвор ишлар уфқи очилмиш.
Одаму Ҳаво меҳри-гуноҳидан
туғилган авлодлар
бир-бир оламга сочилмиш.
Қобил ила Ҳобил ўрганишар
қушлар отиб, ўлжа топишни,
Ҳам илк бора
идрок этар
Қурбонларини ўтда ёқишни.
Олтинранг узумзор
ишкоми остида ётар
Шаробдан маст-аласт Нуҳ.
Оламни босар мотам тўфони,
қолмас энди фанода
на шаън, на шукуҳ...
Мусаввир бир ўзи яратган
бу даҳшатли қиёмат
Ўтида ҳар қанча ижодкор
ёниб, бўлажак кул.
Халос этгай уни
эҳтиролар ёнғинидан
фақат — Қудратли ақл.
Гумбаз кўкига рассом
дилидан отилган,
оҳлар оловидан
Дунёга келиб, тўқнашади
неча элат, неча қабила.
Санъаткор нафаси шиддати-ла
олишар бунда,
неча гуноҳ, неча фазилат.
Маҳобатли, қудратли ижод,
илҳом тулпорларида мусаввир
Устозлари — Данте ва Савонарола[6]
етишган шуҳратга эришгай,
балким, қисматлари ҳам бир...
У чизган табаррук ва мумтоз зотлар
энди бу оламга солар кўз.
Ҳар бир аллома лабидан
учар сарҳикмат,
нур сочар сўз
Аммо, бундаги ҳар қудратли вужуд,
ҳар нурли жамолда,
Халқ даҳолари эришган
фазлу камолда
Жилваланар мусаввирнинг
вужуд, қалбини
Жазиллатиб ўртагувчи
олов ёлқини,
Кимлар учун рассом ажиб
дунё яратди,
Кимлар учун чексиз лаззат
шаршаралари.
Кимлар учун тушуниксиз
рўё яратди.
Ўтиб йиллар, ўтиб не зотлар,
Бу оламга меҳмон бўлса
неча авлодлар,
Ҳайрат билан кузатаркан
бу мўъжизани,
Сайр айларкан бу илоҳий
санъат чаманин,
Ҳатто таъзим этгувчилар
илк лотинларнинг
кечмишдаги шаън-шавкатига
Бу шоҳона капеллада,
гумбаз остида
Кўрар экан шоҳ асарни,
парвардигор ишорасида
Сезиб олгай: мусаввирнинг
қудратли руҳин,
хаёлотин,
Чексиз теран ва қудратли
ишораларин...

* * *

Сувлар тинар, бошланади куз.
Мевага ғарқ мусаввирнинг
хаёл боғлари
Улуғвор ва нафис меҳнат
етар поёнга
Зиёратга келар экан шайдоларнинг
лак-лак лашкари
Бу мўътабар даргоҳ узра
дўлдай ёғар
шоён таҳсинлар...
Аммо, жимдир Рим отаси,
Баҳога шошмас,
Сир сақлайди, на аъло дер,
на ёмон демас.
Мухлисларнинг таҳсинлари,
шовқинидан ҳам
Рим отасин сукутидан
Мусаввирнинг қулоғи гаранг.
Аъло ҳазрат совуқлиги
куйдирар уни.
Вужудини чирмаб олар
шубҳа ва алам.
Четга олар ўзин, қувноқ
давралардан ҳам.
Ва оқибат ўзи ижод
этган оламнинг
Тўфонлари, қуюнлари
забтига олар.
Ва ҳудудсиз изтироблар
ичра тўлғонар.
Буюк ижод қуюнлари, тўфонлари
бўлиб қаноти —
Мангуликка йўл олади
Буонарроти.

Маҳкам МАҲМУДОВнинг
эркин таржимаси

[1] Эритрея, Форс, Кум, Ливия, Делфа сивиллалари ривоятларга кўра қадимий китобларни ўқиб, келажакни башорат этган. Микеланжело уларнинг ақл-заковатини, руҳий оламини ёркин тасвирлаган.

[2] Иудея шоҳининг қизи Юдиф форс лашкарбошиси Олоферни алдаб, ҳилват жойга бошлаб боради ва уни ўлдиради — М. М.

[3] Чўпон Довуд осмонбўйи дев Ғолиёфни курашда енгиб, сўнг подшо қилиб сайланади. — М. М.

[4] Қадимий халқлар мифологиясига кўра олам йўқлик, ломакон, Хаосдан яралган — М. М.

[5] Яхве, Иегова.

[6] Иккала улуғ зот қувғинда яшаган. Рим оталигига қарши ҳур фикрлари учун дарвиш Савонарола черковдан оқ қилиниб, майдонда қатл этилган — М. М.

**Даҳо мусаввирлар Леонардо да Винчи ва Микеланжело Буонарроти ижод қилган йиллар Европа санъатидаги Уйғониш даврининг чўққиси деб эътироф қилинади. Иккала мусаввир юксак бадиий кашфиётлари билан жаҳонни ҳайратга солдилар. Аммо, қизиғи шуки, иккала даҳо бир-бирининг ижодини тан олмай, ҳар кун, ҳар лаҳза бир-бирини доғда қолдиришга интилишарди. Бу ижодий рақобат кўп улуғ асарлар яралишига олиб келди. Расмий жамият қоидаларига тўғри келмайдиган фикрлари учун туғилган юрти Флоренциядан кетиб қолишга мажбур бўлган Леонардо узоқ йиллар Миланда яшаб, мангу ўлмас асарлари билан ўз замонасини кўп асрларга орқада қолдирди. Кейинги авлодларга мансуб мусаввирларнинг аксари Леонардо кашф этган йўлдан боришди. У ўз асарларида инсон руҳиятини ва табиат оламини худди табиатнинг ўзидай жонли қилиб ярата олди. Леонардо инсон кўнглининг нозиклигини билишда шоир; инсон бадани тузилишини ва минглаб ҳолатларини билишда ўткир хирург эди. Умрининг охирларида Леонардо ватани Флоренцияга келди, аммо бу ердаги санъат кўкида янги балқиган юлдуз — Микеланжело уни хуш кўрмай, юртига яна сиғдирмади.**

**XVI аср бошларида Рим отаси иккала буюк мусаввирга Синория саройининг Машварат зали деворлари ва гумбазларини безашни таклиф қилиб, яна бир улуғвор ижодий баҳсни бошлаб берди. Леонардонинг мазкур зал учун ишлаган «Ангор яқинидаги жанг» картинаси реалистик бадиий қудрати билан ҳаммани лол қолдирди. Мусаввир бу асарида уруш инсоният бошига нақадар машъум фалокатлар олиб келишини ниҳоятда ҳаётий манзараларда ифодалади. Микеланжелонинг мана шу зал учун картонга ишлаган тасвирлари деворий фрескаларга айланмай қолиб кетган бўлса-да, бу тасвирлар санъатда янада юксак янги давр очганлигини замондошлари эътироф этишди. Флоренциялик заршунос мухлислар иккала даҳо мусаввирнинг қай бирига кўпроқ эҳтиром кўрсатишни билолмай, ҳайрон бўлиб қолдилар.**

**Шунга қарамай, мухлислар нисбатан ёш, оламга янгича кўз билан қараган Микеланжелони ғолиб деб топдилар. Исёнкор авлиё, мутафаккир роҳиб Савонароланинг фикрлари таъсирида Микеланжело ўткинчи моддийликка нисбатан мангу руҳий оламни теранроқ тушунишни ўрганди.**

**«Италия санъати учун Брунеллески замонидан буён бадиийтнинг ўзгармас қонун-қоидаларига амал қилиш ва илмий жиҳатдан табиатга мувофиқликка интилиш юксак орзу бўлиб келарди, — дейди Уйғониш даври итальян санъатининг машҳур тадқиқотчиси Макс Дворжак. — Микеланжело бу иккала муаммони ҳал этиш орзусини бир зарб билан йўққа чиқарди. Вақтлар ўтиб, санъат илмий эмпиризм (ҳаётдаги бор нарсаларга ўхшатиш — М. М.) асоратига тушиб қолган эди, Микеланжело бу асорат кишанларини парчалаб, санъатни яна эркинлик ва мустақиллик йўлига олиб чиқди». У, шакл ва мазмун жиҳатидан композицион яхлитликка албатта эришиш зарур, деган қонуниятни ҳам улоқтириб ташлади. Микеланжело фикрича, санъат ҳар жиҳатдан эркин ва мустақил ривожланиши зарур эди.**

**И. Бунин, М. Горький, И. Куприн, М. Волошин, В. Брюсовлар эъзозлаган белгиялик буюк шоир Эмил Верхарн ўзининг «Микеланжело» шеърида даҳо мусаввирнинг ана шу мураккаб изланишларини акс эттиради.**

**Таржимон**

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

## ЯПРОҚДА МУСОБАҚА

Кокос хурмосининг фойдаси ҳақида жуда кўп ёздик: меваси чанқоқни босади, қоринни тўйғазади, ундан олинган мойнинг аҳамияти беқиёс. Хуллас, кокос хурмоси мурувватли дарахт саналади. Лекин бу дарахтнинг яна бир фойдасини Тамбе оролчаларидаги Туамото оролида истиқомат қилувчи эл яхши билади. Улар хурмо япроғидан спорт анжоми воситаси сифатида фойдаланадилар. Бунинг учун япроққа ўрнашиб ўтиришади-да, унинг бандидан маҳкам ушлаб ўзи томон қайириб тортишади. Ҳосил бўлган тропик чанадан эса, баланд қум уюмлари чўққиларидан кичик тезликда сирғалиб тушиш мумкин. Оролдагилар ҳамон кокос хурмосининг япроғидан ясалган чанада учиш бўйича спорт мусобақаларини ўтказиб туришади.

## ЖАЗО УЧУН... КУЛГИ

Малакка ярим оролида кичик сака қабиласи яшайди. Уларнинг (бу нарса ер шаридаги баъзи халқларда ҳалигача сақланган) қизиқ одати бор — ранжитган кишисини дуэлга чақиришади. Фақат дуэлга чақирилган кишилар қўлига қурол эмас, балки... товус пати тутқазилади.

Дуэлчилар майдонда ҳар бири оралиғи уч метр (бу олти қадамни ташкил этади) масофада туришади ва улар чекланмаган вақт мобайнида бир-бирларини пат билан уриб қитиқлашади. Кўнгил оғритган кишини эрталабдан кечгача қитиқлаш мумкин. Хўш, бу дуэлда ким мағлуб бўлади? Буни яккама-якка олишувчиларнинг ўзлари яхши билишади. Албатта, ўзини тўхтата олмай хандон отиб кулган киши ютқазади. Лекин барибир кулги... ғолиблигича қолаверади.

## АМИР ТЕМУР ТУҲФАСИ

Саркарда Амир Темур буйруғига биноан ўн тўртинчи асрда Туркистон шаҳрида қурилган, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда энг йирик меъморий жамжама ҳисобланган буюк ўрта аср шоири ва файласуфи Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасининг бош гумбази тагига афсонавий Темур туҳфаси — улкан мис қозон қайтариб қўйилди. Узоқ вақтдан буён у Ленинград Эрмитажида сақланиб келинар эди. Мис қозоннинг баландлигидаги диаметри 2,5 метрдир.

Сиз суратда Амир Темур туҳфасини кўриб турибсиз.

**А. Идрисов сурати (ТАСС)**



Исмат ПЎЛАТОВ

## ОНА ТИЛИМ

Тилим — миллатимнинг ору номуси,
Узоқ ўтмишимнинг эрур қомуси.
Кимлигим танитур жумла-жаҳонга,
Элтгучи халқимни шарафга, шонга!..
Тил барҳаёт экан, яшайди миллат,
Бордию топталса, йўқолур элат.
Эй, менинг ўзбегим, эъзозла тилинг,
Шунда яшагуси элатинг-элинг.

* * *

Оламга келибоқ сахий момо Ер
Жонзотни яратди, қучди бағрига.
Она-да: ардоқлаб «болагинам» дер,
Ҳатто ўлганда ҳам олар қаърига!

* * *

Тинмай меҳнат қилар тун-кун болари,
Одамзотга гулдан бол этар эҳсон,
Шу митти ғаройиб жонзот сингари,
Не яхшилик қилолдинг ҳаётда, инсон?

## ШАРОРА

**Тожикистон ССР, Ҳисор ноҳияси, Шарора қишлоғида юз берган зилзила ва сел офатидан омон қолган етти кунлик норасидага бағишлайман**

Саҳар чоғи эди, айни қиш фасли,
Осуда ухларди Шарора аҳли.
Бирдан гумбурлади, борлиқ, тоғу тош,
Титради еру кўк беролмай бардош.
Қаҳр-ла силкиниб она ер шунда,
Хонавайрон бўлди қишлоқ шу тунда!..
Бу ҳам етмагандек, бало-қазодек,
Босарди сел-лойқа оч аждаҳодек.
Очофат ёпирилди қутуриб ҳар ён,
Тупроққа қоришди юзлаб тирик жон!..
Босиб келар эди шиддат-ла офат
Учраган нарсани ютмоқ-чун фақат,
Во ажаб, шу маҳал лапанглаб, қалқиб,
Бешик сел устида келарди оқиб!
Яхшилар қутқарди, унда чақалоқ,
Ухлаб ётар эди жажжи қизалоқ!..
Шундай даҳшатдан бир митти инсон,
Қандай мўъжизаки, қолибди омон!
Мурғак жонгинасин топтаб бемаҳал,

Онаизорини ютди шум ажал!..
Оғир мусибатдан дил бўлди пора,
Фалакнинг ҳукми шул экан, на чора.
Эй жажжи қизалоқ, бу кунлар ўтиб,
Ўсиб-улғаярсан вояга етиб.
Вақт келиб бу ҳақда берсалар сўйлаб,
Балким, ишонмассан, «чўпчак» деб ўйлаб.
Аммо ўксинмагин, қизалоқ, ногоҳ,
Кечган воқеадан этсалар огоҳ.
Шаддод табиатнинг бу қилмишин тан —
Олмасдан илож йўқ, кўргулик экан.
Етимлик ёт эрур бизнинг замонда,
Келажак ҳаётинг ўтмас армонда!
Негаким, қувончли ва оғир дамлар,
Сен билан биргадир яхши одамлар!..

## *ЖОН ОРОЛИМ*

Асрлар яшадинг тинч ва осойиш,
Ташналик нелигин асло билмайин.
Аммо йигирманчи асрга келиб,
Фожиа юз бермиш — даҳшат қандайин!
Саҳрода чанқаган бир сайёҳ каби,
«Сув» дея, «сув» дея фарёд чекарсан.
Пинҳона ёш тўкиб илтижо ила,
Одамзот наслидан нажот кутарсан.
Лоқайд раҳбарларнинг ношудлигидан,
Дарёлар ҳам оқмай қўйди сен томон.
Бенасиб этилиб оби ҳаётдан,
Топталди ҳаётинг, шонинг беомон.
Зилол сув ўрнида тузли барханлар,
Янги оққум саҳро бўлибди пайдо.
Табиат яратган эй, ноёб денгиз,
Чала жон пичирлаб дерсан: «Алвидо!».
Наҳот асраб қолиш келмайин қўлдан
Сендан ажралур халқим умрбод.
Наҳот харитадан кетурсан ўчиб,
Наҳотки қисматинг этилар барбод?!
Оролим, нодонлар етди бошингга,
Қутқариб қолурмиз, чиндир сўзимиз.
Борди-ю, қутқара олмасак сени,
Авлодлар олдида қаро юзимиз.

Жиззах

Барот ЯРАШЕВ

## *ҚИШЛОҚ АЁЛИГА*

Эртадан шомгача далада
Ишлайсиз, ишлайсиз, ишлайсиз.
Ҳорғинлик сезганда танада
Ирода этагин ушлайсиз.

Тун секин чўкаркан қишлоққа,
Шошганча уй томон қайтасиз.
Овқатлар пиширib ўчоқда —
Азонгача, сўнг алла айтасиз.

Ойбарчин наслидан сиз ахир,
Сизлар-ку фидойи ҳар ишда.
Агар жаҳд этсангиз сиз қодир
Ҳар ишда инқилоб қилишга.

* * *

Табиатнинг кенг қучоғида
Эркин-эркин ташласанг одим,
Нигоҳингнинг биллур жомида
Қалб сипқорса гўзалликни жим.

Фариштадай нозланиб еллар,
Титроқ солса, кўксингга ширин,
Ўтлоқларга кўмилиб ётсанг
Билиб-билмай бу ҳикмат сирин.

Юрагингдан жимирлаб оқса
Гўзалликнинг инжа сувлари,
Қандай яхши, қалб чашмасидан
Баҳра олса юрт сулувлари.

Қандай яхши, о, қандай яхши,
Ардоғингга айланса замин,
Унда туйсанг она меҳрини
Ва сутининг ҳаётбахш таъмин.



Комил ЭРМУҲАММАД

## ҚОДИРИЙ ЕДИ

*ёхуд сукунат билан суҳбат*

**Улуғ ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг ўлимидан уч кун олдин тушган суратига боқиб...**

1

Менга бундай қарама,
Боқма кўзларимга тик.
Менинг ёшим қурама
Тоғнинг бошлари, эгик.
Сен-да нечун жим қотдинг,
Менинг усти-бошим ҳўл.
Тезроқ сўйла, совқотдим,
Шусиз-да дардларим мўл.
На-да ўзимга аён,
На-да ўзгага маълум.
Бул совуқ ўлкаларда
Ўтган умрим номаълум.
Энди ҳисоб бермайман,
Ўзим, ўзгага тугул.
Тинч қўйгил, майли қолсин,
Куну тунларим мажҳул.

II

Мен нечун ватанимда
Ватан учун йиғладим.
Сен ҳайрон, тарих нолон,
Ким шоддир, ким нотавон.
Дунё айланур мудом,
Унинг жумбоғи шулдир.

III

Мени тинч қўй, сукунат,
Юракка берма азоб.
Ўтган умримни ёлғиз
Ўзим қилай сарҳисоб.
Ҳайрон бўлмоққа ахир,
Борми гумонли ўрин.
Нечун бунча қийнайсан
Сўроқ бериб ноўрин.
Бари равшан, табиий,
Бари аён-ку, сукут.
Мен дунёда абадий —
Тарихнинг ўзи унут.

## УЧРАШУВ

Карлос Велисдан

Баҳор, баҳор! Кўклам нафаси!
Кўкда қамар, мисли олтин шар...
Жадаллашиб ошиқ қадами
Севгилисин васлига шошар.

Соҳилларга тўлқин тасмаси
Зориқтирган сўзадай урилар.
Элас-элас кўзга ташланиб,
Бир танага айланар улар.

Елканлар-чи енгил, қаппайиб,
Совуқ еллар ҳақида сўйлар.
Денгизчилар жунжикиб бундан,
Паст ва ҳорғин овозда куйлар.

Каютада қари капитан
Айтар ҳар хил эллардан нома.
Турли юртнинг аёлларидан
Кўп ададли, ажиб ҳангома.

Ой юзини булутлар тўсар,
Мусиқа ҳеч билмагай тиним.
Чўмилмоққа кетар денгизчи,
Хўрсинади қизча бетиним.

«Кўзларингни артгил, севгилим...»
Ҳамон йиғлар, йиғлайди қизча.
Мачта узра ҳилпирар байроқ,
Кема юзар қуёшли юртга.

Ой... Сўнгги бор силкинар қўллар,
Ва охирги бўсалар аччиқ.
Дарё эса беғам шалоплар
Кенгликларда кезар хўрсиниқ.

Ноғоранинг оҳанги каби
Тўлқинлару, шамоллар гувлар.
Балиқчилар кетар денгизга,
Қўшиқларни қучади сувлар.

Ой ҳам ботар... Келар айрилиқ...
Қизча йиғлар, йиғит сабрли...
Олис. Садо. Ёқимсиз шамол.
Хайрлашув. Киприклар намли.

Самарқанд

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

# ТАФТИШСИЗ



Эътибор беринг-а, инсон қишда иссиқни, ёзда эса соя-салқинни қўмсайди. Ваҳоланки, одамзотнинг яхши яшаб, соғлом турмуш кечириши учун ўз пайтида ёз ҳам, қиш ҳам жуда-жуда керакдир. Керакли нарсалар эса, бамисоли қаҳратон қишдай ёки жазирама иссиқдай ёқимсиз бўлишини негадир «ҳазм» қилолмаймиз. Жумладан, танқид, тафтиш, аччиқ сўзга муносабатимизда шунга ўхшаш ҳолни кўраман, аччиқ сўз менга асалдек шириндир, деб бонг урадиган одамни учратиш амримаҳол-ку! Аслида одам танаси ўз вақтида қаттиқ совуқ ёки саратондан етарли даражада баҳраманд бўлмаса, касалланиб, дардга чалиниб қолганидек, танқиду тафтишсиз, аччиқ сўзсиз маънавий-руҳий соғломлик таъминланмайдики, бу оддий ҳақиқатни сўзда бажонидил эътироф этамиз, аммо амалда-чи?

Афсуски, эътироф этилган кўпгина оддий ҳақиқатлар, айниқса, танқиду тафтиш, ўз-ўзини танқидни ривожлантириш ҳақидаги ғоятда тўғри, асосли гаплар баралла айтилади-ю, бироқ аксари ҳолларда амалий ишлар билан мустаҳкамланмасдан қуруқ гап, янгроқ сўз, чиройли чақириқ сифатида қолиб кетаверди.

Мана шундай ачинарли, оғир,мураккаб вазиятни тубдан ўзгартириб, ижтимоий, маънавий, иқтисодий тараққиётни таъминлаш мақсадида қайта қуриш, ошкоралик ва демократиялаш жараёни бошланганига тўрт йилдан ортиқ вақт ўтиб бораяпти, бироқ жамият, инсон турмушини, аҳволини кескин яхшилайдиган муваффақиятларга эришилмаяпти, баъзи соҳаларда вазият ҳатто турғунлик даврига нисбатан ҳам ёмонлашаяпти. Ахир, дабдабабозлик, мадҳиябозлик, порахўрлик авжига чиққан пайтларда ҳам совун, шакар каби маҳсулотлар танқислиги йўқ эди-ку?!

Ҳа, бундай танқисликни кўрмаганмиз, аммо маънавият ҳамда иқтисоддаги, айниқса, табиатдаги «ўпирилишлар» фожиаларни келтириб чиқарган объектив шарт-шароитлар, сабаблар, омиллар тўғрисида бош қотирмаганмиз. Айтайлик, бир-икки ёки ўн, ҳатто юз арбоб ёки раҳбарнинг хоҳиши билангина партия, давлат ташкилотларининг энг қуйи тармоқларидан бошлаб юқори поғоналаригача ҳукмронлик қилган буйруқбозлик, маъмуриятчилик касали келиб чиққанми? Агар шундай бўлса, нега ўша бир қанча раҳбарлар, арбобларнинг ўрнини алмаштириш, уларни лавозимларидан халос қилиш билан қайта қурилиш тўла амалга оширилиб, чинакам ижобий ўзгаришлар бўй бермаяпти?

Албатта, раҳбариятни тозалаш, уни янги кучлар билан мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади, лекин бу ишнинг муваффақиятли бажарилишига номенклатура деган қонун-қоида катта тўсиқ бўлаётгани марказий матбуотда рўйи-рост айтилмоқда. Хўш, унинг нимаси ёмон? Аввало шуки, истеъдодли, қудратли, уддабурро, ишчан, доно раҳбарларни танлаш учун ижодий мусобақага йўл берилмайди. Ахир, кимларнинг қандай лавозимларга тайинланиши, ҳатто сайланиши беш, ўн-йигирма йил олдин кимларнингдир истаги, савияси, манфаатига кўра қатъий қилиб белгиланади-ку! Айниқса, раҳбарликка номзодларнинг кенг халқ оммаси иштирокида муҳокама этилмаслиги, жамоатчиликдан сир тутилиши жиддий эътироз туғдиради. Яна шуниси борки, ўша номзодлар бир соҳага раҳбарлик қилиб, ишни бузса, издан чиқарса, иккинчи соҳага, учинчисига, тўртинчиси, бешинчиси... ўнинчиси, йигирманчисига ўтказилаверади. Номенклатурага кириб қолдингми, демак, бир умр баъзан қуйи-паст, баъзан ўрта, гоҳида эса юқори босқичлардаги раҳбарлик мансаби билан таъминландим, деб ҳисоблайверасан. Бордию, бир фалокат босиб, оғир сиёсий хато қилмасангиз ёки оғир жиноят устида тутилмасангиз бас, юқори мартабали раҳбарлар доирасида айшингизни сураверасизки, буни тасдиқлаш учун юзлаб, минглаб мисоллар келтириш мумкин.

Тўғри, уларнинг ичида баъзан, онда-сонда тасодифан истеъдодли, ақлли, тадбиркор раҳбарлар учраб турадики, буни шу йил июл ойида жумҳуриятимиз партия ташкилоти раҳбариятида рўй берган ўзгаришда кўраяпмиз. Энди бу ўзгаришни кенг миқёсда авж олдириб, астойдил мустаҳкамлаш учун ўша номенклатурадан воз кечиш зарур, деб ўйламан. Лекин номенклатура бир-икки йилдан буён эмас, балки қарийб ярим асрдан ортиқ вақт ичида жамиятимизда чуқур илдиз отиб кетганки, ундан қутилиш осон эмас.

Ҳа, ундан воз кечиб, янги қонун-қоида ишлаб чиқиш учун қатиқ курашиш талаб қилинади. Бордию, бу курашда ғалаба қозонилса, жамиятимизнинг кўп соҳаларидаги инқилобий янгиланиш, покланиш жараёни анча тезлашарди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун мисол тариқасида «Бирлик» халқ ҳаракатига жумҳурият фирқа ва давлат ташкилотларининг қандай муносабатда бўлганини шарҳлашнинг ўзи кифоядир.

Маълумки, бу норасмий уюшма инқилобий қайта қуришнинг бир меваси сифатида дунёга келган эди. Ахир, мамлакатни бошқаришнинг барча тармоқларидаги буйруқбозлик, маъмуриятчилик, бюрократияни тугатиш, пахта ҳокимлигига барҳам бериш, пахта харид нархини ошириш, Оролни ҳимоя қилиш, еру сувлар, бутун табиатнинг софлиги, тозалиги, поклигини таъминлаш, миллий, маданий, илмий-эстетик тараққиётни йўлга қўйиш орқали халқимиз иқтисодий, ижтимоий, сиёсий мустақилликка эришиш, пировардида ижтимоий адолат, ҳалоллик, ҳаққонийлик, тенгликни тиклашни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблаши бежиз эмас-да!

Шундай экан, «Бирлик»ни мил латчи ташкилотдир, деб қоралашга ҳеч қандай асос йўқ. Шунинг учун уни биринчилардан бўлиб Темур Пўлатов ҳимоя қилиб чиқди. У ўзининг ўтган йили Бутуниттифоқ ёзувчилари уюшмаси пленумида сўзлаган нутқида (бу нутқ «ЛГ»да босилди-ю, бироқ жумҳуриятимиз матбуоти юзини кўрмади) «Бирлик»нинг программаси — инқилобий қайта қуриш руҳи билан суғорилиб, партия манфаатларига мос тушади, деган фикрни қатъий қилиб айтганди. Сўнгра КПССнинг ўз тасарруфидаги «Учительская газета»да А. Усмонов Ўзбекистондаги норасмий уюшма фаолиятини таҳлил қилиб, унинг мақсад ва вазифалари ифодаланган программанинг муҳим нуқталарига изоҳ беради, пировардида айрим ноаниқликлар, мавҳумликлар, баъзи камчиликларга қарамасдан «Бирлик» халқимизнинг миллий онгу тафаккурини, унинг сиёсий фаоллигини ривожлантиришга қаратилганини ишонарли кўрсатади.

Кўраяпсизми, марказий матбуот «Бирлик»ни қўллаб-қувватлаяпти, унинг реакцион, миллатчи ташкилот эмаслигини исботлаяпти, аммо шунга қарамасдан жумҳуриятимиздаги энг юқори босқичдаги бир қанча раҳбарлар билан бирга уларнинг «ўртача», «қуйи» поғонадаги издошлари, иттифоқчилари бу уюшмани туҳмату бўҳтонларга «кўмиб», унинг бошлиқлари, аъзоларини тазйиқ остига олмоқчи ҳам бўлдилар. Яна шунисига эътибор берилмайдики, шу йил 28 майда «Бирлик»нинг қурултойи бўлиб, унга барча вилоятлардан вакиллар қатнашди, энг муҳими, Ўзбекистон халқ шоирлари Шукрулло, Эркин Воҳидов, жумҳурият ёзувчилар уюшмаси котиби Муҳаммад Солиҳ, рассомлар уюшмасининг раиси Баҳодир Жалолов, таниқли дирижёр, профессор З. Ҳақназаров, ўнлаб истеъдодли ёзувчилар, фан докторлари (уларга мазкур сатрлар муаллифи қўшилган), номзодлари иштирок этди, уларнинг аксарияти мазкур уюшма ҳайъатига сайланди.

Хўш, мана шундай нуфузли ижодкор зиёлилар, оддий ишчилар, деҳқонлар, турли хил миллатларнинг вакиллари уюшган ташкилот халқ манфаатларига зид фаолият кўрсатиши мумкинми? Йўқ, асло... Бугина эмас. «Бирлик» ташкил этилган кунданоқ чинакам инқилобий қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш ғалабаси учун астойдил курашаётган партия арбоблари, аъзолари, ҳукумат бошлиқлари, хизматкорлари билан ҳамкорликда ишлашга тайёр эканликларини баралла айтдилар. Уларга «Бирлик» шу мазмундаги илтимослар билан мурожаат этдилар, лекин мунтазам равишда раддия олдилар. «Бирлик» ҳаётнинг барча соҳаларидаги қолоқлик, турғунлик моҳиятини ёритиб, қандай ижобий амалларга суянган ҳолда мавжуд «ўпирилишлар»ни тугатиш орқали ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий, маданий тараққиётни таъминлашга қаратилган тафтиш ўтказувчи ўткир қурол сифатида майдонга чиқди.

Хайрият, жумҳурият миқёсидаги юксак раҳбариятда ўзгариш бўлиши биланоқ «Бирлик» фаолиятига хайрихоҳлик билдирилди. Унинг раҳбарлари, фаолларига телевидение орқали халққа мурожаат қилишига имкон берди. «Совет Узбекистони», «Правда Востока» газеталарининг 9 сентябр сонида мазкур норасмий уюшма программаси моҳият-эътибори билан партиямизнинг қайта қуришга қаратилган қарорлари, кўрсатмаларига ҳамоҳанг, муштарак эканлиги эътироф этилди.

Борди-ю, «Бирлик»ка муносабат янада яхшиланиб, рўйхатдан ўтказилса, расман эътироф этилса, эркин, мустақил фаолият кўрсатиш учун зарур шарт-шароит яратилса, у партиямизнинг соф, соғлом, салмоқли ижобий кучлари билан бирлашиб, ҳамкорликни кенг қулоч ёздириб, партиянинг ўзидаги, жамиятимизнинг барча жабҳаларидаги фақат сўзда қайта қуриш, ошкоралик, демократиялашни тан олган, аммо ана шундай янгиланиш, покланиш жараёнига қаттиқ қаршилик кўрсатаётган салбий кучларга қарши муросасиз курашга сафарбар этилиши шубҳасиздир. Зотан кундан-кунга мустаҳкамланиб, оммавийлашиб бораётган халқ ҳаракати биринчи галда раҳбариятдаги буйруқбозлик, маъмуриятчиликни бартараф этиб, моддий ҳамда маънавий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнининг барча соҳаларини тафтишдан ўтказишга киришгани бежиз эмас. Шунинг учун норасмий уюшманинг ҳар бир раҳбари, аъзоси жамиятимизнинг ҳамма тармоқларини адолат ғалвиридан ўтказувчи тафтишчи, мавжуд нуқсонларни рўйи-рост очиб ташлаб, қўлга киритилган ютуқларни ҳимоя қилиш билан бирга тараққиётга ижобий таъсир кўрсатадиган танқидчи сифатида майдонга чиқаётгани сезилаяпти.

Бу адабий танқидчиликка ҳам тегишлидир. Негаки, у бадиий асар, ижодий жараённи таҳлил этиш орқали адабий, илмий-эстетик тафаккур, сўз санъати равнақига ҳисса қўшиш билан бирга иқтисодий, ижтимоий ҳаётнинг ижобий ўзгаришига туртки бериши даркор. Ахир, Белинский, Добролюбов, Чернишевский, Писаревлар шунинг учун бу соҳанинг буюк намояндаларига айландиларки, улар адабий-бадиий асарлар, ҳодисалар, материаллар таҳлили орқали фақат ёзувчилар фаолиятига баҳо бериш билан чекланмасдан ҳаётнинг ижтимоий-фалсафий, маънавий моҳиятини ёритганлар, дунё тараққиётига оид барча муаммолар юзасидан мулоҳазалар юритиб, давр руҳини очиб ташлаганлар-ку! Бинобарин, чинакам танқидчи шунчаки тафтишчи эмас, балки файласуф, мутафаккир, олим деб таърифланишига ҳаётнинг ўзи асос берадики, бу оддий

ҳақиқатни кўп вақтлардан бери эътироф этиб келаётганимизга қарамасдан энди идрок эта бошладик. Мисол тариқасида Йўлдош Солижоновнинг «Кўникиш юки» («Ўзбекистон АС», 1989 йил, 7 июл) мақоласини тилга олмоқчиман.

Гапнинг индаллосидаёқ шуни таъкидлашим даркорки, мазкур мақола белинскийчасига ёки добролюбовчасига ёзилган жуда баркамол, етук, деб ғурурланиб гапиришга асос бермайди. Чунки унда кўпгина асарлар умумий йўсинда таърифланиб тавсифланади-да, чуқур ҳамда аниқ, ёркин таҳлилдан ўтказилмайди, лекин танқидчи шундай адабий-бадиий фактлар, воқеаларни изоҳлаб, шарҳлаб бера-дики, бу шарҳлар, изоҳларда онгу тафаккуримиз, руҳимизни бойитиб, чексиз завқ-шавқ бағишлайдиган сўз санъатини, жанговар, муросасиз, қудратли ижодкорни қўллаб-қувватловчи қалб туғёнини шаънига аччиқ, ҳаққоний таънаю танбеҳлар айтилмоқда. Шу маънода М. Қўшжоновнинг «Ўзбекистон коммунисти» журналининг шу йил март сонида чоп этилиб, ўзбек адабиёти ҳамда танқидчилигида рашидовчилик, брежневчилик балосининг урчишини фош этувчи мақоласи алоҳида ажралиб туради.

Шуниси ғалатики, ҳали бизда адабиётимизнинг барқ уриб равнақ топишига халақит берадиган иллатларни ёритишга энди киришилди-ю, аммо негадир танқидчилигимизда фош этиш кучайиб кетди, ютуқларимизни тасдиқлаб, қўллаб-қувватлаш сусайиб кетди, деган шикоят авжига чиқаяпти. Қани фош этувчи мақолалар, тақризлар? Ахир, уларни бармоқ билан санаш мумкин-ку?! Аслида мақтов руҳида чиқишлар ҳукмронлик қилмоқда-ку?! Гўё фош қилувчи танқид зарарлидир, ўтмишга оид воқеаларни тафтиш этишнинг фойдаси йўқ-дир-ади, лекин ҳозирча Ҳабибулло Қодирий ўзбек реалистик асарининг, ўзбек миллий романчилигининг асосчиси — мўътабар отасининг ҳамда ўзининг ҳаёти, фаолиятидан олинган фожиали саҳифаларини тарихий ҳужжатлар, аниқ фактлар асосида намойиш қилиб, ўзига хос жасорат кўрсатган ва бу жасорат мевасини бизларга етказиб берган «Ёшлик» журнали жуда хайрли, зарур, фойдали иш бажарган, деб баралла айтамиз. Шуниси фойдали, зарур, хайрлики, қиссада битта Қодирий эмас, балки Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби ноҳақ қамалган, шафқатсизларча таҳқирланган, ниҳоят, ўлимга маҳкум этишга асос бўлган фактлар, ҳужжатлар биринчи бор ўқувчиларга ҳавола қилинаяпти. Ўша ҳужжатлар, фактларнинг «таъми»ни тотиб кўришингиз учун улардан атиги битта кўчирма келтираман: «Битсин бизнинг орамиздан азият чеккан, энг азиз умрларини бой берган ажойиб ёзувчиларимиз, олимларимиз ва санъаткорларимиз ҳақидаги бор гапларни билиш, жон сақлаш мақсадида уларга бўҳтонлар ёғдирган, туҳматлар уюштирган, фамилияларини яшириб лақаб остида иш кўрган Ежов, Апресян, Леонов, Оғабеков деган қонхўрларга чин ихлос билан хизмат қилган, таъқибга учраганларнинг ҳисобига яшаганлар кимлар эканлигини ҳамма, айниқса, ёш авлод билиб қўйсин!».

«Ёшлик» журнали худди мана шу талабга риоя қилиб, ўзининг шу йилги май-июл сонларида «Қодирийнинг сўнгги кунлари» ҳужжатли қиссасини босиб чиқарганлиги мақтовга сазовордир. Шундай экан, 30- ёки 50-йилларда жонни сақлаб қолиш учунми, ҳасаду қизғанишданми ёки хиёнаткорлик, қотиллик кўчасига кирибми, бесабаб қон тўкилишига кўмаклашган одамлар номини очиқ айтиш, уларнинг қилмишларини фош этиш зарурлиги ҳақидаги К. Яшиннинг ҳозирги гаплари унинг ўзига ҳам тааллуқлидир. Аммо шунга қарамасдан К. Яшин ё Ҳ. Олимжон ёки А. Қаҳҳор қандай эзгу ишлар қилиб, халқимизга қайси баркамол асарлари билан маънавий озиқ, сабоқ берса, буларни ҳам инкор қилиш керак, деган маъно келиб чиқмайди-ку, ахир! Айниқса, А. Қаҳҳор 30—50—60-йилларда «Сароб», «Қўшчинор», «Тобутдан товуш», шунингдек ўнлаб ҳикоялари, бошқа асарлари билан маълум маънода ҳозирги инқилобий қайта қуришга замин ҳозирлашга муҳим ҳисса қўшганлигини йўққа чиқариб бўлмайди. Ахир, баъзан инсон ўзини ҳимоя қилаётиб рақибини ўлдириб қўйиши, шу йўсинда жиноят қилиши мумкин-ку! Бундай пайтда жазо ҳам енгиллаштирилади, бироз вақт ўтгандан кейин жиноятининг моҳиятини чуқур англаб, айби, гуноҳини ҳалол меҳнатлари, тўғри фаолияти билан «ювса», яхшилар қаторига қўшилиши ҳеч гап эмас.

Танг, оғир, мураккаб, чигал аҳволга шундай ёндашиш қанчалик ижобий аҳамият касб этишини «ЛГ»нинг шу йил 13 сентябр сонида босилиб чиққан А. Ананьевнинг мактубини ўқигандан кейин янада яхшироқ ҳис қилдим.

Маълумки, А. Ананьев — СССР Ёзувчилари уюшмасининг котибларидан бири, «Октябр» журналининг бош муҳаррири. Меҳнат қаҳрамони юлдузи билан тақдирланган рус адибларидан бири. У ўтмишда Андрей Сахаров, Александр Солженицин каби ғоятда зўр олим ва ёзувчининг бегуноҳ асоссиз таъқиб этилишига, таҳқирланишига иштирок этганини ошкора эътироф этиб, бунинг учун ҳозир азият чекаётганини, пушаймон бўлганини, тавба-тазарру қилаётганини билдиради. «Лекин,— деб ёзади у,— бунинг ўзи етарли эмас. Гуноҳу айбларимни ювиш учун истеъдодларга, яхши одамларга кўмаклашиб, уларнинг оғирини енгил қилишимиз керак».

Узгаларнинг хатоларини кўрсатиш унчалик қийин эмас, аммо ўзингнинг қаерда «қоқилиб», қандай нуқсонга йўл қўйганингни тафтиш этиш жуда оғир, қийин кечади-ку! Лекин кимки, ҳар қандай шароитда ҳам аччиқ ҳақиқатнинг юзига тик қараб, ўзининг қаерда, нима сабабдан, қандай айб, гуноҳ қилганини бўйнига олса, унга хай-

ТАРИХ ВА ЗАМОН

# ЎСИШ БЎЛМАЙДИ

сезиб турамиз. Бу туғён, айниқса Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик», Нурали Қобулнинг «Унутилган соҳиллар» романлари танқидида ошкора намоён этилган. Негаки, Й. Солижонов шунчаки қоралаш, номига тафтиш этиш, атайин «уриб» ташлаш учун қўлга қалам олган эмас. У «Жимжитлик» романи яхлит олганда адибнинг «Уфқ»и сингари ҳаяжон билан ўқилмайди, романдаги қаҳрамонлар омонат тургандек, «пуф» десангиз, учиб кетадигандек таассурот қолдиради», деган фикрни ўртага ташлаб, буни асардаги айрим шахсларнинг хатти-ҳаракатларини изоҳлаш орқали ишонарли кўрсатади. Худди шу тарзда «Жимжитлик» мадҳиячиларидан бири — А. Алиевнинг бу асарни асоссиз кўкларга кўтарганига қарши чиқади. Н. Қобулнинг «Унутилган соҳиллар» романида ёзувчининг айтадиган жиддий гаплару бору, аммо улар **бадиий тафаккур чиғириғидан** пухта ўтказилмаганини ачиниб таъкидлайди (Таъкид бизники — Н.Х.).

Ҳаётий материаллар, қаҳрамонлар фаолиятини «бадиий тафаккур чиғириғи»дан ўтказиш муаммоси фақат Н. Қобул олдидагина эмас, бошқа қаламкашларнинг олдида ҳам кўндаланг турибди. Қайси ижодкор шу муаммони тўғри ечиб, яхши натижаларни қўлга киритаяпти, аксинча, қайси бирлари мағлубиятга учраяпти, деган талабга мувофиқ Й. Солижонов айрим асарлар ва ўларнинг муаллифларини илмий-эстетик тафтишдан ўтказишга интилган. Лекин бундай интилишлар ниҳоятда кам бўлиб, ўзбек танқидчилигида кенг қулоч ёзмаяпти, тараққиётга салмоқли таъсир кўрсатмаяпти.

Тўғри, илмий-эстетик тафтиш қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш даврида бироз жонланди, турғунлик пайтларида танқиддан ташқарида турган номи улуғ — супраси қуруқ айрим қаламкашлар ку, деган овозлар янграмоқда. Буни «Соғлом муҳит — ижодий муваффақият гарови» («Совет Ўзбекистони», 1989 йил, 6 сентябр) ҳамда «Холис ва ҳаққоний» («Ўзбекистон АС», 1989 йил, 11 август) мақолаларида кўрамиз.

Аввало шуки, ҳар иккала мақоланинг асосий йўналиши, улардаги адабий жараённи, ижодкор фаолиятини холис, ҳаққоний таҳлил қилиш орқали соғлом муҳитни яратишга даъват этиш кайфияти ҳеч қандай эътироз туғдирмайди. Улардаги айрим мулоҳазаларгина баҳслидир.

Иккинчи мақола худди шу жиҳатлари билан биринчи мақолага ҳамоҳангдир, муштарактдир: «... бугун Ғафур Ғуломни Қодирийга қарши қўйиш, Усмон Носир билан Ҳамид Олимжонни синфий душманга айлантириш — сталинча маъмурлар ясаган ўзаро душманчилик муҳитини қайси бир тарзда давом эттириш ёки такрорлаш билан баробар эмасми?»

Борингки, шу саволни ўринли деб ҳисоблайлик, бироқ кимлар қачон, қаерда, нима учун Ғафур Ғуломни Қодирийга қарши қўйиб, Усмон Носир билан Ҳамид Олимжонни синфий душман сифатида қоралабди?

Фақат сезгир, зеҳнли китобхонлар ҳамда бадиий, илмий-эстетик ижод муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар ҳар иккала мақоладаги бундай саволларнинг манбаи «Ёшлик» журналининг шу йил 5—7-сонларида босилиб чиққан «Қодирийнинг сўнгги кунлари» деб номланган ҳужжатли хотира қиссаси эканлигини билиб олиши қийин эмас.

Мазкур асар шундай мазмун, салмоққа эгаки, уни алоҳида олиб чуқур таҳлил қилиш, илмий-эстетик хулосалар чиқариш орқали фақат ўтмишгагина эмас, балки ҳозирги кунларга боғланган долзарб масалаларни ёритишга имкон туғ-ҳайдалган ва бизнинг адабиётимизни бузишга уринган халқ душманлари — троцкийчи, бухаринчи, миллатчи, аксилинқилобчи З. Саид, Элбек, Чўлпон, Фитратлар!.. Биз шундай асарларни яратайликки, бизнинг бундан кейин яратган асарларимиз бизнинг адабиётимизни, драматургиямизни, поэзиямизни бўғмоқчи бўлган синфий душман, халқ душманлари З. Саид, Элбек, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий ва бошқа душманларга қарши иккинчи бир зарбали жавоб бўлиши керак» («Ёшлик», 6-сон, 1989, 48-саҳифа).

Дарвоқе, «халқ душманлари»га зарба берувчи асарлар ҳам ёзилдики, улардан биридан олинган қуйидаги сатрларга диққатингизни тортаман: «Эй Боту, эй Рамиз, эй Бадриддинов... Сенлар Муссулини (Муссолини бўлса керак — Н.Х), Чемберленнинг қон ичиб зўрайган эрка авлоди. Эй британ, Антантанинг фашист ўғуллари, уста жаллодилар!.. Тўлқинни бўғмоқ истаган ёвларга — Ўлум! Ўлум! Ўлум!»

Бу парча Комил Яшиннинг 1933 йилда чоп этилган «Комсомол» тўпламидаги «Зарба» (Бадриддиновлар судида) номли сочма шеъридан олинган.

Бундан олдин келтирилган мисол ҳам К. Яшинга тегишли бўлиб, унинг «халқ душманлари»ни «фош» этишга бағишланган пленумда сўзлаган нутқидан келтирилган.

Ҳабибулло Қодирий уларни хиёнаткор, жиноятчи деб қораламайди, сўкмайди, лаънатламайди, фақат ҳужжатларни келтириш билан чекланади. «Ёшлик» журнали шунга риоя қилиб, Комил Яшиннинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1988 йил 16 декабрида босилган мақоласидан бир кўчирмага диққатимизни жалб этади: «... ўттизинчи йиллардан тортиб, то эллигинчи йилнинг бошларигача бўлган даврда бекорга

рихоҳлик туйғуси уйғонади. Ахир, пичоқни олдин ўзингга ур, оғримаса бировга ур, деб бекорга айтишмайди-ку! Эҳ-ҳа, «пичоқни ўзингга уриш», ўз-ўзини танқид қилиш, тафтишдан ўтказиш қанчалик ташвишли, ҳатто даҳшатли иш! Аммо усиз, ўз-ўзини тафтиш қилиш, тафтиш орқали қандай ижобий, қандай салбий хусусиятлар борлиги аниқламасдан камолот йўлидан ғалабалар сари муттасил бориш асло мумкин эмас! Яна шунисини назарда тутиш зарурки, ўзингнинг нуқсонларинг туфайли ҳам ўзинг, ҳам ўзгалар азият чекади, оғир йўқотишлар бўлади, ҳатто ҳалокатга олиб келиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун кимларнингдир айби билан ўлимга маҳкум этилган Абдулла Қодирий ё Чўлпон, Фитрат ўрнига ўзимизни қўйиб кўрайлик! Инсон ўз айби, ўз жинояти билан жазога тортилса, қанча қийналмасин, эзилмасин, бироқ, майли, ўз айбим, гуноҳимга яраша «мукофотланаяпман», деб тақдирига тан бериши мумкин. Борди-ю, туҳмату бўҳтонларга асосан «халқ душманлари» деб қоралансангиз, турмага ташланганларида неча марта ўлиб тирилгандек ҳолатни ўз бошларидан кечирганларки, буни ҳис қилган одам бутун вужуди билан «дод-вой» қилиши, наъра тортиб, бутун дунёга жар солиши ҳеч гап эмас. Ахир, беҳосдан қаерингизгадир игна кириб кетса, андак яралансангиз ёхуд бирон жойингиз оғриса, қанчалик қийналиб, ширин жонингизни асраш, муҳофаза қилиш учун курашасиз-ку! Борди-ю, сизни ҳеч қандай айбсиз, гуноҳсиз аввало номингизни бўҳтону туҳматлар билан булғаб, сўнгра ҳаётдан кўз юмишга мажбур қилишса, бунга чидаш мумкин эмас-ку, ахир! Вазият яна шуниси билан оғирлашадики, доно, нодиру ноёб истеъдодлар ҳар куни эмас, фақат онда-сонда дунёга келади, уларни йўқотиш бир-иккита шахснинг эмас, балки бутун эл-юртимиз, халқимиз фожиасидир. Айни чоқда истеъдодсиз, қобилиятсиз шахслар ҳаммавақт кўпчиликни ташкил этиб, ўшандай фожиаларни келтириб чиқаради, ўшандай фожиалар ҳисобига яшайди. Шунинг учун улар тафтишу танқиднинг ашаддий душманлари сифатида майдонга чиқади. Ахир, адолат руҳи билан суғорилиб, ҳар жиҳатдан исботланган тафтишу танқид истеъдодлиман, зўрман, буюкман, деб усталик билан ниқобланган ғаламисларнинг асл башарасини очиб ташлайди-ку! Аксинча, чинакам талантли ижодкорлар, олимларгина эмас, қобилиятли, доно меҳнаткашларнинг доимо муттасил равишда униб-ўсишига кўмаклашади ва шуниси билан тараққиётнинг бир манбаи, воситаси, қуроли сифатида ҳаммавақт яшайверади, ундан, яъни танқиду тафтишдан халос бўлиш ҳалокатга маҳкум этилишнинг бошланиши деб қаралиши лозим. Аммо баъзан буни айрим истеъдодли ижодкорларимиз, олимларимиз ҳам тушунмасдан тафтиш, танқид обрўимизга тўкади, ривожланишимизга халақит беради, деб ўйлайдилар-да, танқиду тафтишга тиш-тирноқлари билан қарши турадилар. Айни чоқда бағри кенг, қудратли, доно мутафаккирларимиз, ижодкорларимиз, умуман яратувчи, кашф этувчи зиёлиларимиз, ҳатто оддий меҳнаткашларимиз ҳар қандай қаттиқ, кескин, лекин асосан, адолатли танқиду тафтишдан қўрқиш тугул, шундай танқиду тафтишни ривожлантириш тарафдори бўлиб майдонга чиқадилар. Бунинг ёрқин бир мисоли сифатида шу ерда М. С. Горбачевни тилга олиш жоиздир.

Кейинги ярим аср мобайнида партия ҳамда давлатимизнинг мана шу сардоригина ўзи тириклигида, қизғин фаолият кўрсатиб турган пайтда ўз шаънига ошкора танқидий фикрлар билдирилишига йўл очиб бердики, буни ўзига хос мардлик, жасорат деб баҳолаш зарур. Ахир, СССР халқ депутатларининг биринчи қурултойидагина эмас, балки бошқа йиғинларда, марказий матбуотда, хусусан «Новий мир», «Огонёк», «Литературная газета» саҳифаларида унинг инқилобий қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш жараёнининг асосчиси, бошловчиси, сардори сифатида эътироф этилиши билан бирга айрим нуқсонлари гоҳо тўғридан-тўғри бевосита, гоҳо бавосита кўрсатилаётгани инқилобий янгиланиш, покланишга хизмат қилаяпти-ку! Марказдаги бир қанча давлат, партия, илм-фан, маданият, бадиий ижодиёт арбоблари масалага шу нуқтаи назардан ёндашиб, танқиду тафтишни ҳар томонлама ривожлантирмоқдалар. Аммо жумҳуриятимизда ҳалигача бунинг аксинча бўлиши учун курашувчилар кўпчиликни ташкил этади. Улар ҳақиқий тафтиш, адолатли танқид бошланиши биланоқ нуқул фош қилиш билан шуғулланиб, ютуқларимиз, яхши ишларимизни инкор этаяпмиз, деб нолийдилар. Ваҳоланки, жумҳуриятимиз ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётининг барча соҳаларида кеча ва бугун рўй бераётган кўпгина ҳодисалар илмий жиҳатдан баркамол, етук тафтишдан ўтказилмаётир, мавжуд нуқсонлар рўйи-рост очиб ташланмаётир. Айтайлик, брежневчиликнинг, рашидовчиликнинг моддий ҳамда маданий бойликларни ишлаб чиқаришда келтирган зарарлари, айниқса, улар авж олдирган буйруқбозлик, маъмурият-чилик сиёсати қатъий зарбага учрагани йўқ-ку, ахир! Ҳозирги инқилобий қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш талабларидан келиб чиқиб, жумҳуриятимиз, халқимиз ўтмиши, фанимиз, адабиётимиз тарихини ҳаққоний тафтишдан ўтказиб, қандай анъаналарни ривожлантириш, қандай иллатлардан воз кечиш вазифасини бажардикми?

Йўқ, бажаришга энди киришаяпмиз, бироқ бу ишни бошламасданоқ унга қаршилик кўрсатувчилар кўпайиб бормоқда. Яқиндагина Ҳамзанинг юз йиллик таваллудини нишонлаганимизда буни яққол кўрдик.

Ростини айтайлик: бу адибимизнинг беш жилдлик тўла асарлар тўплами босилиб чиқиши билан унинг номига нисбат берилиб келинган «Яша, Шўро» шеъри, «Бой ила хизматчи» драмаларининг асл нусхаси, яъни Ҳамзанинг ўз қўли билан ёзган нусхаси йўқ эканлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, худди мана шу асарларга асосланиб, Ҳамзани ўзбек совет адабиётининг асосчиси, деб бонг урдик. Яна шуниси маълум бўлдики, у Октябр инқилобини дарров тушуниб етмабди, олдин «Қўқон мухторияти»ни мадҳ этибди. Айни чоқда халқимизнинг неча асрлардан буён қолоқликда, қашшоқликда яшаб, ўз ҳаққи-ҳуқуқи учун курашмаётганини изтиробли дардли сатрларга жойлабди...

Ҳис қилаяпмизки, Ҳамзанинг илоҳийлаштирилган, «қизил» рангга бўяб ташланган қиёфасини эмас, асл қиёфасига оид айрим белгилар, баъзи хусусиятларни кўраяпмиз ва шу ҳақда бир-икки олим озгина мулоҳаза юритиб, тарихий ҳақиқатни ёритишга интилдилар, лекин бу интилиш ҳали кенг қулоч ёзиб улгурмасданоқ «Ана, Ҳамзани камситаяптилар, ерга ураяптилар!» деган овозлар янграяпти. Борди-ю, бундай овозлар матбуотда янграса, уларнинг асоссиз эканлигини кўрсатардик. Афсуски, жумҳуриятимизда айрим йиғинларда, расмий

## ТАРИХ ВА ЗАМОН

доираларда шундай қилинаяптики, бу, бора-бора ваҳимали «мишмиш»ларни келтириб чиқаради. Гап фақат Ҳамза ижоди, фаолиятини қайта баҳолаш, янгича тафтишдан ўтказиш ҳақидагина бораётгани йўқ. Ахир, бир арбоб, ё ижодкор қанчалик буюк, зўр бўлмасин, барибир масаланинг асл моҳиятини ёритиш, тарихий ҳақиқатни кўрсатиш учун асос бўлолмайди-ку! Зотан, у ёки бу соҳадаги бир-икки ижодкорни танқид қилиш билан вазиятни тубдан ўзгартириб, катта ғалабаларга эришиш қийин. Айни чоқда шуни ҳам унутмаслик даркорки, ярамас бузоқ бутун подани бузади, деганларидек, айрим нобоп шахслар яратиш, кашф этиш муҳитини булғайдилар, ҳатто гоҳида салбий томонга ўзгартириб юборадилар. Бинобарин, қаерда ким бўлиб, қандай хизмат бажараётган шахслар ёки ижодкорлар ёхуд ижобий ҳамда салбий воқеалар ҳақида гап кетмасин, уларнинг ҳаёт тараққиётини таъминлашга бевосита, бавосита алоқадор жиҳатларини тафтишдан ўтказиш орқали яхши яшаш, яратиш, кашф этиш зарур шарт-шароитларни тозалаш, янгилашга эришишимиз зарур. Шуни назарда тутиб, М. С. Горбачев яқинда миллатлараро муносабат муаммоси таҳлилига бағишланган партия Марказий Комитетининг пленумида қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: «... биз тарихий ҳақиқатни тўла тиклаш тарафдоримиз. Бугунги куннинг эҳтиросларини ва даъволари олдида бўйин эгиб, субъектив тасаввурлар ва сиёсий китобларга майл қўйиб, тарихни қайтадан ёзиб бўлмайди. Воқеалар ривожини орқага буриб бўлмайди. Тарихий ҳақиқатга ва ҳозирги дунёнинг реалликларига таянибгина олға бориш мумкин». Зотан, тарихий ҳақиқатни тўла тиклаб, унга таянган ҳолда ҳозирги давр ҳақиқатининг туғилиши, ғалаба қозониши билан баракали мевалар беришига қаратилган танқид, ўз-ўзини танқид, тафтиш ҳар томонлама кенг қулоч ёздирилиб, чуқур илдиз оттирилмаса, чинакам тараққиёт бўлиши мумкин эмас.



*Енгил машинага қўйманг эҳтирос,*
*Гази соф ҳавони этади ифлос.*
*Одамзот соғлиги, муҳит учун ҳам*
*«Шайтон арава»нинг нафи беқиёс.*

*Ш. Иброҳимов сураги.*

# «Гулистон» сўзлиги

*Муҳтарам журналхонлар!*

**Тил хусусидаги қонун жумҳуриятимиз Олий Кенгаши тасдиғидан ўтиб, кучга кирганлиги, яъни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги муносабати билан журналимизда СЎЗЛИК — луғат бурчаги очдик. Боиси, шу пайтга довур истеъмолда бўлган «байналмилал» сўзлар ҳамон турлича шаклларда қўлланиб келинаяпти. Бу, албатта, ўқувчиларда қийинчилик туғдирибгина қолмай, тилимизни дағаллаштиради, давлат мақоми берилган қонуннинг кучини сусайтиришга олиб келади. Шунга кўра, мазкур сўзини бурчагида ҳозирга қадар таржима этилмай қўлланиб келинаётган жуда кўп сайёр сўзларнинг луғатимиз хазинасидаги ўриндошлари, йигирманчи йилларда ишлатилган маънодошлари, шунингдек, даврлар тўзони остида унутилган, истеъмолдан чиқиб кетган, айрим шеваларда яшаётган, лекин бугунги кунда қайта мазмун олаётган қадимий шарқона сўзлар эълон қилиб борилади.**

**Баъзи бир байналмилал атамалар ўриндошлари сифатида сўз ясовчи қўшимчалар ҳамда бирикмалар ёрдамида яратилган янги сўзлар ҳам тавсия этилиши мумкин. Айтиб қўяйлик, биз жумҳуриятимиз Фанлар академияси ҳузурида тузилган Жумҳурият муассасалараро иборашунослик нозирияти вазифасини ўз зиммамизга олмоқчи эмасмиз, балки уларга баҳоли қудрат кўмаклашмоқчимиз ва айни чоғда уларнинг ҳам бизга ёрдам беришларини жону дилдан истар эдик. Тил — халқники, унинг сўз бойликларини ҳам халқ яратади. Шу сабабли халқ ичида яратилган янги сўзлардан муҳарририя (редакция)мизга юбориб туришларингизни сўраймиз. Хамир учидан патир деганларидек, биз қуйида тавсия этаётган янги сўзларнинг айримлари матбуотда ишлатила бошланди, баъзилари илмий жамоатчилик ҳамда кенг журналхонлар эътиборига илк марта тақдим этилаётир. Улар ҳақида сизларнинг фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.**

**«Гулистон» сўзлиги бурчагини**
**Э. Муҳаммад тайёрлади.**

---

**Абзац** — *хат боши, сарлавҳа*
**Абонемент** — *обуна*
**Авангард** — *илғор*
**Актив** — *фаол*
**Автор** — *муаллиф*
**Арбитр** — *ҳакам*
**Арбитраж** — *ҳакамлик*
**Астрономия** — *фалакиётшунослик*
**Багажник** — *юкхона, юккути*
**Билет** — *патта, чипта*
**Будильник** — *бонгсоат*
**Бюрократ** — *расмиятчи, тўра*
**Бюрократия** — *расмиятчилик, тўрачилик*
**Вазелин** — *мойупа*
**Вариант** — *хил, тур, нусха*
**Водопровод** — *сувқувур*
**Галстук** — *бўйинбоғ*
**Герб** — *нишон, тамға*
**География** — *жуғрофия*
**Гимн** — *суруд, қўшиқ, Давлат қўшиғи*
**Гонорар** — *қалам ҳақи*
**Гражданин** — *фуқаро*
**Группа** — *гуруҳ, қурум, тўда*
**Демократ** — *халқпарвар, халқчил*
**Демократия** — *халқчиллик, эркинлик*
**Депутат** — *ваколат*
**Диктор** — *нуктар, сўзловчи*
**Зоотехник** — *чорвашунос*
**Зоология** — *жонзотшунослик*
**Зонтик** — *соябон, шамсия*
**Идеология** — *мафкура, ғоя*
**Инженер** — *муҳандис*
**Инкассатор** — *сайёр пулчин*
**Институт** — *олийгоҳ*
**Инструктор** — *йўриқчи, йўриқдош*
**Инспектор** — *назоратчи*
**Инопланетянин** — *ажнабсайёралик*
**Интернационал** — *байналмилал*
**Кандидат** — *номзод*
**Каникул** — *таътил*
**Кассир** — *пулчин*
**Квартал** — *даҳа, фасл*
**Квартира** — *хонадон*
**Клуб** — *даъватхона*
**Конверт** — *хатжилд, хатдон*
**Комитет** — *шўъба*

**Корректор** — *тузатмачи, мусаҳҳиҳ*
**Корректура** — *тузатма*
**Композитор** — *бастакор*
**Магазин** — *дўкон*
**Магнит** — *миқнотис, оҳанрабо*
**Марс** — *Миррих*
**Массаж** — *уқалаш, ходмигарлик*
**Массажист** — *ходмигар*
**Мастер** — *омилкор, уста*
**Министр** — *нозир, вазир*
**Министрлик** — *вазирлик, нозирлик*
**Математика** — *риёзиёт*
**Нектар** — *гулшира, ҳаёт суви*
**Новатор** — *бунёдкор, ижодкор*
**Норма** — *миқдор, маром, қоида*
**Нотариус** — *муҳрдорлик*
**Нота** — *мусбитик (мусиқа битиги), битик (давлатлараро муносабатлар ёзишмаси — норозилик битиги...)*

**Область** — *вилоят, музофот*
**Океан** — *баҳр, уммон*
**Округ** — *мавзе*
**Орган** — *аъзо, муча, нашр, идора*
**Остановка** — *бекат*
**Отклик** — *акс садо*
**Открытка** — *ойнахат*
**Офицер** — *зобит*

**Партия** — *фирқа*
**Пресса** — *матбуот*
**Печать** — *босма, матбуот*
**Печать** — *муҳр*
**План** — *режа*
**Пионер** — *кашшоф*
**Процент** — *фоиз*
**Проблема** — *муаммо*
**Профсоюз** — *касаба уюшмаси*
**Публицист** — *мушоҳадатнавис*
**Публицистика** — *мушоҳадат*

**Район** — *ноҳия, даҳа (шаҳар ичида)*
**Редактор** — *муҳаррир*
**Редакция** — *таҳририят*
**Республика** — *жумҳурият*
**Рубрика** — *ойнасўз*
**Редколлегия** — *таҳрир ҳайъати*

**Революция** — *инқилоб*
**Секретар** — *котиб*
**Секретариат** — *котибият*
**Совет** — *шўро*
**Совет** — *кенгаш*
**Союз** — *иттифоқ*
**Союз** — *уюшма*
**Социал** — *ижтимоий*
**Социалистик** — *ижтиҳоқ*

**Тема** — *мавзу*
**Текст** — *матн*
**Территория** — *ўрам, замин, тегра*
**Техник редактор** — *саҳифаловчи*
**Туристик база** — *сайёҳлар қўналғаси*
**Такси** — *киракаш*
**Транспорт** — *улов, юккашчилик*
**Тренер** — *ўйингир*
**Трос** — *симарқон*
**Университет** — *дорилфунун*
**Ультиматум** — *шарт-талаб*
**Универсал** — *ҳартомонлама, жамжама*

**Факт** — *далил, айнул, дастак*
**Факультет** — *хоҳишсабоқ, хоҳишташсил*
**Фамилия** — *наслнома*
**Фанатик** — *фидойи, мутаассиб, жонкуяр*
**Фантастика** — *ўйолам, фаразбонлик*
**Фантаст** — *фаразбон, ўйолам ёзувчи адиб*
**Фонтан** — *фаввора*

**Химик** — *кимёгар*
**Химия** — *кимё*
**Хроника** — *кунойна*

**Центнер** — *ботмон*
**Цех** — *таянч*
**Цирк** — *ажойибхона*
**Циркул** — *паргар*
**Цитата** — *кўзматн*

**Шар** — *пуфак*
**Штамп** — *қолипмуҳр*

**Экзотика** — *кўзжило, жиловар, қитиқдил*
**Экономика** — *тежамкорлик, иқтисодиёт*
**Экономист** — *иқтисодчи, тежамкор, тежамшунос*
**Экономия** — *иқтисод, тежам, орттириб қолдириш*

---

## ҚАРОҚЧИ УРДИ...

Кунлардан бир куни Навруллa Аҳмад Инончхоннинг уйига ўғри тушиб, сув қувурларини ўғирлаб кетишди. Инончхоннинг ўзи ким дейсизми? Гарчи исми шарифи ғоят ваҳимали бўлса ҳам у киши Покистоннинг Панжоб вилоятидаги Косур шаҳрида жойлашган чегара қўшинларида бор-йўғи катта капрал вазифасида хизмат қилади.

Инончхоннинг қўни-қўшнилари бир нарсадан ҳайрон эдилар: ўғрилар фақатгина ваннахона ва ошхонадаги сув қувурларини ўмариб кетишганди. Уй эгаси эса, бу ҳодисадан ҳайратга тушмади ва бор гапни бошқалардан яширмоқчи ҳам бўлди. Полициячилар бундай «камтарлик»нинг сирини ошкор қилиб қўйдилар: сув қувурлари аслида тоза олтиндан ясалган ва кўздан бекитиш учун алюмин рангига бўяб қўйилган экан. «Ҳиндустан таймс» газетасининг ёзишига кўра, бир вақтлар контрабандачилардан пора олиб, ишни ёпиб юборган капрал шоша-пиша олтин сотиб олган ва ундан сув қувурлари ясаттирган экан. Ўғрини қароқчи урди, деганлари шу-да...

## КЎЙЛАК КИЯДИГАН... ҚЎЙЛАР

Хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш усули чорвадорларни ҳам илғор тажрибаларни қўллашга, янгича иш услубларини ўрганишга мажбур этмоқда. Тадқиқотчи олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, тоғ ёнбағирларида боқиладиган қўйларнинг беш фоиз жуни буталар ва тошларда қолиб кетар экан. Шу тариқа Қирғизистон жумҳурияти бўйича ҳар йили 1.400 тонна қимматбаҳо хомашё исроф бўлар экан.

Жумҳурият олимлари чорвадорларга Австралия ва Янги Зеландия фермерларининг илғор тажрибаларига амал қилиб, қўйларга кўйлак кийдиришни тавсия этмоқдалар. Маълум бўлишича, бундай усул ўша исроф бўладиган беш фоиз жунгни асраб қолар экан, жунгнинг сифатини ҳам ўн икки-ўн олти фоиз яхшилар экан, қўйларни жунг қирқимидан кейинги касалликдан, ҳаром ўлишдан сақлаб қолар экан. Шундай қилиб яқин орада Қирғизистон тоғларида кўйлак кийган қўйлар пайдо бўлади...

# ТИЛЛО ОДАМ

**Фельетон ўрнида**

Ҳакимулло Ҳамидуллаевни танимаган дўкондору билмаган чайқовчи йўқ. Ҳар ерда у киши ҳурмат-эҳтиром билан қарши олиниб, зўр дабдаба билан кузатилади. Енгил машинанинг орқа ўриндиғига ўтираётганида албатта мувозанатни йўқотмаслик мақсадида икки шотир икки томонларига ўтириб олишади. Бу Ҳакимулло Ҳамидуллаевичга ноқулайлик туғдирмайди, қайтанга икки шотирни қўлтиққа қисиб олгандай чайқалиб-чайқалиб кетаверади. Шундай пайтларда роҳатдан кўзлари юмилиб, бехос ёшликларини эслаб, қўл силкиб қўяди: «Юрган эканмиз-да, ўқитувчи бўламан, деб. Яна ўша тентаклигимизга бориб, беш йил эринмай институт остонасига кўзимизни суртибмиз-а! Кутубхоналарда китоб титиб... эсизгина, қанча умримизни бекорга кўкка совурибмиз-а! Саккизни битириб, бирор дўконда тирикчилик қилсак, ўша профессорлардан кам топмас эканмиз».

Ҳакимулло Ҳамидуллаевичнинг «куйинганича» бор. У мактабни аъло баҳоларга битириб, ўқишга кирди. Дарвоқе, ҳисоб-китобдан синфида унга тенглашадигани йўқ эди. Баъзан масалаларни хаёлида ҳам ечиб ташларди. Бир домласининг: «Сен катта бўлиб, ўқишни битирсанг, математикада бутун дунёни лол қолдирадиган кашфиётлар яратасан. Машҳурликда сенга тенг келадигани топилмайди», деса лаққа ишониб, беш йил домлалар билан олишибди-я, ундоқ эмас, бундоқ деб. Хўш, ўша «машҳурлик» нима берди? Лоақал тузукроқ костюм-шим олишга қурби етмади. Яхшиямки, бахтига савдогар тоғаси кўзини мошдек очди! Дастлаб Москвага гул соттани уни ўзи билан бирга олиб кетди. Бай, бай, Ҳаким студент юз сўмликни ўша ерда кўрди! Шундоқ бориб келганининг ўзига тоғаси: «Бу сенинг улушинг», деб қўлига нақд икки минг сўм тутқазди-я! Кўзлари олов бўлиб кетди бояқишнинг.

Ҳа, ҳа, ана ўшанда Ҳакимулло ўз қадрига тушунди. Ўқишдан кўнгли совуб, пул дардига йўлиқди. Институтдаги ўқишни яримёрти қилиб, савдо техникумига ҳужжат топширди. Кечаси ўқиб, кундузи магазинда ишлади. Пулда гап кўп экан — сувга бир сиқимини ташласанг — тескари оқиб кетаркан. Ўқишни битиргунча озиқ-овқат магазинига мудир бўлди. Ўша домласи тўғри айтган экан, бир пасда «изи»га тушиб олди. Сотувчилик ҳам бир нави-ю, аммо мудирлик бошқача экан. Ҳамма нарса ўз қўлингда — фойда келадиган бўлса берасан, қуруққа афтига ҳам қарамайсан. Мушук текинга офтобга чиққан бўлса чиққандиру, аммо-лекин Ҳакимулло салқинга ҳам унамади — сўзида қатъий туриб олди. Айниқса, «анқонинг уруғи»ни «қуруғи»сиз бермади. У учун ўнта галстук тақкан зиёлидан битта олибсотар афзал. Чайқовчи нақдини ташлаб кетади. Келган молни пештахтага ҳам чиқариб овора бўлмайди.

Таги тешик хазинадай оқиб келаётган пулнинг ҳар сўми азиз бўларкан. Юқорига узатиб туриш ҳам жонига тегди — ўша олаётган «ноинсоф бошлиғи»ни йўқотиш учун ундан каттарофининг остига бир челак сувдай пул «қуйиб» юборди. У кетди, ўзи ўтириб олди. Собиқ бошлиқ ҳар мудирга «битта»дан «солиқ» солган эди, у эса ҳеч иккиланмай «иккита»дан «солиқ» солди. Ҳатто ҳузурига битта-битта чақириб: «Чидасанг ишла, бу сенинг карвонсаройинг эмас, «давлат»ники! «Давлат»га пул керак, фойда керак! Ҳар бирингнинг «дело»инг билан танишман. Узимга ҳам у-бу тегсин десанглар, каллани ҳам ишлатинглар бундоқ! Қачонгача бошни қовоқ қилиб кўтариб юрасанлар?! Ишлашни билиш керак», деб дўқ ҳам уриб қўйди. Бириккита кўкрагидан итармоқчи бўлганларни «иссиғи»да думини тугиб юборди. Очиқдан-очиқ: «Бизга бундай хира пашшалар керак эмас. Савдода кўнгилчанлик кетмайди. Қаттиқ туриш керак!» дерди баъзан мажлисларда. Талтайиб кетишмасин деб дўконларни тез-тез тафтиш этишни одат қилиб олди. Мудирлар юрагини олдириб қўйганларидан у-бу жойга арз қилиб боришга журъат тополмадилар. Ҳакимулло Ҳамидуллаевич кўп тадбиркор-да, ҳар бир дўконда айғоқчиси — мудир ўринбосарлари бор.

Нима қилса ҳам Ҳакимулло математика — ҳисоб-китобни сув қилиб ичганлардан-да. Ҳар қалай домласи айтгандай машҳур бўлмаса ҳам «тилло» одам бўлди. Яъни, аввалига биров кўрса ҳавас қилгудай тишларининг баҳридан ўтиб, тиллолатиб олди. Кўзи яхши кўрса ҳам тилла гардишли кўзойнакка ҳам «ишқи» тушувди, бу ишни ҳам дўндирди. Тилла узук, тилла соатларни-ку бир неча марта алмаштириб тақади. Бой бойга боқади, сув сойга оқади-да! Унинг иккита гижинглаган «тойчоқча»лари — «Волга», «Жигули»-си дала ҳовлисию данғиллама уйи оралиғида бўзчининг мокисидек қатнайди. Яхши ниятда олдириб қўйган беш хонали хонадонга қатнов камроқ. Ҳакимулло Ҳамидуллаевичнинг «камтар»лиги шунчаликки, бирон айтилган меҳмондорчилик, тўю маъракага ҳам ишхонасининг машинасида боради. Ўғил-қизларининг тўйини ҳам «совға» тариқасида тутқазилган тўёналарию «бор барака» пуллар ҳисобига қилади. Бировлардай дабдабали қилиб, шаҳарга жар солмайди, тўкиб-сочмайди, камтарингина ўтказади.

Давр ўзгариб, қайта қуриш, жадаллаштириш, ошкоралик каби шиорлар баланд кўтарилганда Ҳакимулло Ҳамидуллаевич бош қашлаб ўтирмади. Ўз таклифлари ва муаммолари билан майдонга чиқди: «Хўш, нега биз ҳалигача чекишнинг зарари ҳақида ботбот гапирамизу, аммо ўзини таг-томири билан суғура олмаймиз? Вақт келди, энди бундай муаммолар билан ўзимиз курашамиз», деди-да, сигарета-папирос деганларини пештахтани ҳидлатмай чайқовчига «кўтарасига» ўтказиб юборди: «Қани, янаям чекиб кўрсинлар-чи, тараллабедод қилиб? Пули чақмаса ана, бозордан изла! Биз энди сенларни шунча эркалатганимиз етар!» Чўнтагига дарёнинг бир шошқалоқ ирмоғидай оқиб келаётган пулларни яширишга жой топсидики, аммо ахдидан қайтмади!

Текин пуллар — «секин» пуллар одам ақлини шошириб қўяркан: тезда совун, порошок, қанд-шакарнинг ҳам пештахталарда исроф бўлиб ётишига йўл қўймади — «кадри»ни оширди. Бойигандан бойийверди, аммо... барибир кўнглининг бир чети кемтик. Яна нималарнидир танқис маҳсулотга айлантириши керак.

Қўл остидагилар қай бир куни: «Ҳакимулло ака, ошкоралик, ошкоралик дейишаяпти. Биз нима қилишимиз керак экан-а?» дейишибди. У эса мийиғида кулиб, шундай деганмиш:

— Ошкоралик бўлса, ошкоралик бўла қолсин, энди сизлар ҳам ҳеч кимдан ҳадиксирамай ошкора узатаверинглар-да!..

**Зоир ЗИЕ**




— Кўз борми, кампир?!!

**М. Абдуллаев чизган расм.**

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

## ҲАМ ГЎШТ, ҲАМ ТИЛЛА

Бозор расталарини оралаб юрганимизда кўпинча ўз маҳсулотини мақтаб турган сотувчиларнинг қуйидаги сўзлари қулоғимизга чалинади: «Кеп қолинг, олиб қолинг, пулингиз ўзингиз билан бирга кетади...» Бунақа мақтовларга кўникиб қолганмиз, ўша маҳсулотни харид қилсак, пулимиз ёнимизда қолишига сира ҳам ишонмаймиз. Лекин... ўшанақа гапларга баъзан ишонилса ҳам бўлар экан. Ҳа, рост, мана эшитинг... Киевлик Надежда Шур деган аёл меҳнат ҳордиғини ўз қариндошларинникида — Хмелницкий вилоятининг Меджибож шаҳарчасида ўтказди. Уйига қайтиш олдидан шаҳарча бозорига тушиб, йирик, семизгина сўйилган ғоз харид қилди. Хонадонига етиб келиб, ғозни товада димлаб пиширди. Ғоз гўшти дастурхонга келтирилиб бўлаканаётганда хонадондагиларни икки карра қувонтирди. Сабаби: узоқдан келтирилган ғознинг ошқозонидан... никоҳ тилла узуги чиқиб қолса бўладими.

Хўш, бунақа заргарлик буюми ғайритабиий жойга — ғознинг ошқозонига қай тариқа тушиб қолдийкин? Эҳтимол, дея ўзича хаёл сурди ҳам парранда гўшти, ҳам тилла буюмга эга бўлган аёл, бу нарса Меджибожда — Бужок ирмоғининг Жанубий Буг дарёсига қуйиладиган жойдаги ям-яшил ўтлоқда юз бергандир. Ўша жойдаги қумлоқ ёнида кўпгина ғоз ва ўрдакларнинг чўмилувчилар билан аралашқуралаш бўлиб юрганларини Надежда Шур ҳам кўрган эди. Чўмилувчилар уларга нон ушоқлари ва бошқа хил овқатлар бериб меҳрибонлик кўрсатардилар. Парранда-лардан бирига ўшандай меҳрибонлик ҳам камлик қилган шекилли, чўмилувчилардан кимнингдир никоҳ узугини ўз луқмасига айлантирган бўлса ажаб эмас.

# МАЪНАВИЯТ ТАСВИРИ

Тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган камчиликларга қарши кураш қатъий тус олган ҳозирги пайтда адабиёт ва унинг илмига бўлган талаб янада кучайди. Шоир ва адибларимиз эндиликда ҳаёт ҳақида янгича фикр, теранроқ мушоҳада юритмоқдалар. Инсоннинг ички дунёси, руҳий олами таҳлили улар яратган асарларда янада чуқурлашди, айниқса, замондошларимизнинг жамият олдидаги ижтимоий бурчи ҳамда вазифалари роман ва қиссаларимизнинг асосий мавзусига айланди. Қуйида биз Ғаффор Ҳотамов, Мурод Муҳаммад Дўст каби ёш адибларнинг қиссаларида ҳаётий ҳодисаларни бадиий умумлаштириш маҳоратини, уларнинг ўзига хос усулий изланишларини конфликт ва характер йўналишида таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Бадиий асар билан чинакам воқелик ўртасидаги муносабатни, уларнинг ўзаро боғлиқ томонларини тўғри тушуниш ва тўғри талқин этиш ҳаётий зиддиятлар билан бадиий зиддият ўртасидаги муносабатни, уларнинг муштарак жиҳатларини тўғри тушуниш ва тўғри илмий талқин этиш демакдир. Улардан биринчиси, фалсафа «тили» билан айтганда, объектив ҳодиса бўлса, иккинчиси субъектив ҳодисадир. Шу боис, бадиий адабиётнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини ўрганиш айни чоқда фуқаролик жамиятининг ижтимоий қиёфасини ўрганиш ҳамдир.

Даврнинг кун тартибида турган муаммоларини англаш, идрок этиш ва уни ўрганишга ўз фаолиятини йўналтириш, бу — санъаткор талантининг янгиликни ҳис қилиш, ижтимоий сезувчилигининг бир белгиси холос. Лекин бу ҳодиса асло бадиий тафаккурнинг сўнгги имкони эмас, ёзувчи муайян давр қиёфасини бадиий акс эттиришга киришар экан, унинг бошқаларга мавҳум хусусиятларини, иллатлари томирини қидиришда образлар воситасида, демак, инсон билан иш кўради. Аммо маълум бир ижтимоий шароит таъсирида шаклланган инсон характери сабаб эмас, балки натижадир. Муайян ижтимоий шароит аввал характерни шакллантиради, кейин унинг таъсирида ўзи ўзгара бошлайди. Демак, инсон характерининг хусусиятига қараб жамият ҳақида фикр юритишда ўша жамиятнинг ҳақиқий аҳволини тадқиқ этиш ижодкор учун, шубҳасиз, ғоят муҳимдир.

Ғаффор Ҳотамовнинг биринчи ҳикояси — «Тонг ва шом» 1976 йилда эълон қилинган эди. Шундан кейин у «Ҳат ташувчи бола» ҳикоялар тўплами (1978), «Қайтиш» (1981) қиссаси нашр этилди. Бу асарларида ёзувчи замондошларимизнинг жонли, ўзига хос образларини ёркин бўёқларда ҳаққоний гавдалантиришга интилди. Ойша, Салим («Ҳаёт шами»), Қизман, Усмон («Момо»), Хосият, Акрам («Қайтиш») ва бошқа қаҳрамонларнинг маънавий қиёфасида, интилиш ва изланишларида замондошларимизга хос фазилатларни акс эттиришга ҳаракат қилди. Лекин бу характерлар ёш авлоднинг тўлақонли, ҳар томонлама етук образлари даражасига кўтарила олмади. Бунинг боиси шуки, илк даврда ўз қаҳрамонлари билан бирга ёзувчи ҳам мураккаб ижодий изланиш жараёнини бошидан кечирмоқда эди. Натижада, қаҳрамонлар оламидаги ички кураш, маънавий зиддиятлар бадиий-эстетик жиҳатдан етарли даражада асосланмай қолди, ҳаёт ҳодисалари чуқур очилмади. Бунинг яна бир сабаби, ёзувчида ҳаётий ҳодисаларни бадиий умумлаштириш маҳоратининг етишмаслигида эди. «Қайтиш» қиссасида ижтимоий шароит қарама-қаршиликларини ўзида тўла мужассам этган яхлит бадиий зиддият яратилмади. Персонажларни ижтимоий ҳаёт ҳодисалари билан доимий ва узвий ҳаракатда, диалектик боғлиқликда, бевосита тўқнашувларда кўрсатиш учун асардаги тарқоқ, бир-бирига боғланмаган зиддиятлар йўл бермади.

Жумҳуриятимизда ҳозирги вақтда кечаётган ижтимоий-маънавий тозариш, қайта қуриш даври зиддиятларини бадиий умумлаштирувчи «Азал ва абад» қиссаси Ғ. Ҳотамов ижодида янгилик ҳисобланади. Ҳаётимизга таназзул даври келтирган ижтимоий-иқтисодий зарар-мунофиқлик, давлат ва халқни алдаш орқали арзонбаҳо шуҳрат ва бойликка интилувчи нопок кимсалар билан ижтимоий адолат ва шахсий ҳаётда ҳалоллик тарафдори Султон Мирзо ўртасидаги кураш «Азал ва абад» қиссасининг бош конфликтидир. Асар шартли-рамзий услубий йўналишга хос бўлиб, ҳаётий воқеалар тасвирланган ўринлар фожиавий-комик саҳналар билан тез-тез алмашиб туради. Ёзувчи характер яратишда ички-психологик таҳлил услубидан самарали фойдаланган. Умуман, қаҳрамонларнинг маънавий дунёсини очишда руҳий таҳлил принципини қўллаш Ғ. Ҳотамов ижодий услубига хос бош хусусиятдир.

Қиссада асосан бир-биридан мустақил иккита конфликт йўналиши амал қилади. Улардан бири барча ёвуз кучлар — инсон қиёфасидаги мефистофель-шотирлар гуруҳининг раҳнамоси Пири Мафия билан диёнатли Султон Мирзо муносабатларига алоқадор бўлса, иккинчи йўналишни альпинист Лорелия Султонова билан унинг умр йўлдоши — шахмат бўйича жаҳон чемпионига даъвогар Георгий Расулов орасидаги конфликт ташкил этади. Мазкур конфликт чизиқлари мустақил равишда ривожлантирилсада, Пири Мафиянинг қурбони Султон Мирзо фожиаси билан унинг куёви Георгий фожиаси орасидаги синтетик боғлиқлик уларни яхлит бир ғоявий йўналишга туташтиради. Натижада, ғоят мураккаб тақдирли кишиларнинг даврнинг зиддиятли ўзгаришлари билан тўқнашуви юз беради. Ёзувчининг ғоявий нияти мазкур қарама-қарши кучлар кураши жараёнини шу жараённинг ўз тараққиётида, характер ва шароит диалектикасида, жамият ва шахс муносабатларини ижтимоий тараққиётнинг зиддият қонунларига мувофиқ бадиий акс эттиришидадир.

Лорелия Султонова билан Георгий Расулов конфликтининг асосини шуҳратпарастлик ва худбинлик психологияси ташкил этади. Иккаласи ҳам жаҳонга танилган машҳур спортчилар. Бири шахмат бўйича шуҳрат топган бўлса, иккинчиси машҳур альпинист. Улар орасидаги оддий оилавий муносабатларнинг кутилмаган руҳий портлашлар натижасида ўзгариш жараёни теран психологик ҳолатларнинг ишонарли тасвири орқали очиб берилади. Лорелиянинг қисса бошланишидаги чуқур руҳий изтироблари, руҳидаги «мутлақ безовталик» (Гегель) Георгийнинг шахмат мухлисларини тонг қолдирган ўйинига боғлиқ ифодаланади: «Беихтиёр ўрнидан туриб кетди у. Нохуш таҳлика юрагини сиқар, гарчи табиатан лоқайд ва совуққон бўлса-да, шу топда ҳаяжондан бармоқларининг учига довур титраётган эди. Оққушники мисол бўйинлари хиёл чўзилди, у саҳнага — доналар сийраклашган шахмат тахтасига одатий кибр аралаш синчков назар солди: зоҳиран, оқларнинг ҳоли танг эди...» (Ғ. Ҳотамов. «Азал ва абад». «Ёшлик», 1988 йил, 9-сон, 3-бет).

Лорелиянинг асабларини кемираётган шуҳратпарастлик ва худбинлик майллари Георгийнинг шахмат доналарини ғалаба сари ҳар бир суришида авж ола боради. Эри «ўзига нисбатан ими-жимида ҳамиша ёмонлик қилиб келгандек, руҳини синдириб, шунинг баробарида ўзи юзага чиқишга интилгандек» бўлиб туюлаверади. Альпинистлар экспедицияси билан Непалдаги энг баланд чўққи — Канченжангини забт этишга кетмай, эри билан қолганидан афсусланади. Агар борганимда албатта чўққини забт этардим, деб ўйлайди. Буни Георгий истамаган, шу сабабли ёш боладай мени лақиллатиб, экспедициядан олиб қолган, деб хаёл қилади. «Мунинг обрўйи менга соя солмасин, дебди-да. Вой шайтон-эй, билмас эканман уни», деб эридан шубҳаланади. Шу тариқа, Лорелия қалбини турли хил шубҳаю гумонлар чулғай бошлайди. Георгийнинг ҳар бир эришган ютуғи ундаги худбинлик майлларини баттар аланга олдиради. Тизгинсиз ўй-хаёллардан ҳориган, дунёдаги барча саховату эзгу-тилаклар менга аталсин, деган худбин Лорелия кўнглида баъзан эрига нисбатан нафрат, гоҳида эса меҳр ва шафқат ҳислари уйғонади. Баъзида хаёлини аёлларга хос ўч олиш, гоҳида алам билан қасдма-қасдига севиш каби зиддиятли ўй-мушоҳадалар банд этади. Характерли жиҳати шундаки, ёзувчи бу образ таҳлилида инсоннинг ички имкониятлари нақадар кўламдор эканини, уни беҳудага сарфлаш, ўз-ўзига ва истеъдоди кучига беписанд муносабатда бўлиш талантни охир-оқибат ҳалокатга элтишини реалистик бўёқларда ғоят таъсирчан ифодалайди. Лорелиянинг ички монологлари, руҳий изтироблари, шунингдек, у шуҳрат алангасида ёнган саҳналар тасвири ички-психологик таҳлил услубининг имкониятларини ёркин намоён этган, деса бўлади. Бу қаҳрамон юксакликка қанча куч билан интилса, характеридаги худбинлик уни шунча куч билан пастга тортади. У ўзи сезмаган ҳолда бу ҳаракатини ғайрат билан давом эттираверади, ҳақиқатда эса, муайян вазиятга боғлиқ воқеалар ҳам ўз оқимида, фақат қарама-қарши тарафга қараб, ўз ички тараққиёт нуқтаи назаридан ҳаракатланишда давом этади.

Рус адабиётшунослигида «поток сознания» (онг оқими) деган ибора тез-тез қўлланилади. Бу — бадиий тасвир усулининг янги ва замонавий воситаси бўлиб, ички монолог шаклларидан биридир. Лекин у одатдаги монологга нисбатан қаҳрамон ички оламидаги руҳий реакция, психологик ҳолатларнинг энг теран қатламларида рўй берадиган оний ўзгаришлар, руҳий пўртаналарни чуқурроқ бадиий акс эттиришга ёрдам беради. Бу маънавиятнинг ҳайратангиз мунавварлиги, оний портлашлар чоғида одамзот шуурида чуқур из қолдирган кечаги, ҳозирги ва эртанги кун воқеаларининг тартибсиз тафсилотлари, жиловсиз фикрлар ва туйғулар оқими билан ифодаланади. Ўзбек совет адабиётида, хусусан ёш ижодкорлардан М. М. Дўстнинг «Мустафо», Ғ. Ҳотамовнинг «Азал ва абад» қиссаларини шу йўналишда ёзилган илк асарлар, тўғрироғи, дастлабки адабий тажрибалардандир, дейиш мумкин. Бу асарлардаги баъзи қаҳрамонлар характерида инсон қалби, руҳий оламининг ғоят чигал, қарама-қарши, қоронғи томонлари ҳақида тўкисроқ тасаввур уйғотишга

бўлган ижодий интилишлар мужассам этилган.

М. Дўст қиссасининг бош қаҳрамони Мустафо — етмишни қоралаб қолган мўйсафид. Кексалигига қарамай узоқ-кун қирт-қирт ишлайди, «қовун-тарвуз, макка экади», етмиш йил кечирган умрини сарҳисоб қилади, инсоф ва адолат ҳақида ўйлайди. Унинг характерига хос хусусият мулоҳазакорлик, беозорлик. У ўзини қаётда омади юришмаган, бахтсиз одам деб ҳисоблайди. Ўз бахтсизлигининг сабабларини ахтаришга ҳаракат қилади. Тенгқур чоллар унинг устидан кулади. Болта қассоб уни масхара қилади. «Нима бало, ғирт хотинга ўхшайсиз! Хотинчалиш одамсиз, бобой!» — дейди Болта қассоб.

Болта қассоб чолнинг новвосчасини саранжомлаб, ҳовлидан дарғазаб чиқиб кетади. Мустафо, унинг сўзларидан кўнгли ранжиса-да, индамайди, қассобни кузатмайди. У кўздан ғойиб бўлгач, Болта қассобдан ғазабланишга уриниб кўради, энди «уни мол сўйгани чақирмайман», деб ўйлайди. Айниқса, унинг ғирт хотинга ўхшайсиз, деган гапи қаттиқ таъсир қилади, нафсониятига тегади. Ўзининг эркак киши эканига ишониш учун соқолини тутамлаб кўради, ёғоч тароқчасини чўнтагидан олиб, соқолини тарайди.

Шу ўринда ёзувчи қаҳрамон характеридаги оний ҳолатларни, ихтиёрсиз хатти-ҳаракатларни тасвирлашга интилади: «Кейин овоз чиқариб, ўзи билан бир зум гаплашган бўлади... Кейин ўчоқ бошида куймаланиб юрган кампирини гапга солиб, унинг овозига қулоқ тутади. Сўнг яна ўзи гапиради, кампирининг овози билан ўзининг овозини зимдан солиштириб кўради. Овози анча юмшоқроқ, лекин барибир хотинларникига ўхшамайди...» (М. Дўст. «Галатепа қиссалари», Т., «Ёш гвардия», 1985, 11-бет).

Бир қарашда, Мустафо ҳар бир воқеа-ҳодиса ёки эшитган гапини онгли равишда ўйлаб кўраётгандек, ўз мулоҳазаларини мантиқан умумлаштираётгандек туюлади. Аслида ундай эмас. Юқоридаги парчадан англашиладики, у ташқи таъсир (Болта қассобнинг киноясн) туфайли ўз иродасини, хатти-ҳаракатларини бошқара олмай қолади.

Афсуски, бундай лавҳалар қиссада жуда кам учрайди. Бош қаҳрамоннинг онгсиз мушоҳадалари оқимини тасвирлашга имкон туғилган ўринларда эса, муаллиф сунъийликка йўл қўяди, комик тасвирни афзал кўради.

Масалан, Болта қассобнинг новвосчани бошига болта билан уриб карахт қилиши, кейин сўйиб терисини шафқатсиз шилиши эпизодини олиб қарайлик. Ўз табиатига кўра қонли манзарани «ҳазм» қилолмайдиган Мустафо бу пайтда ҳовлидан ташқарига чиқиб кетади. Сал наридаги гўнгтепага кўтарилиб, нохуш ўйлардан ўзини атай чалғитиш мақсадида теварак-атрофни томоша қила бошлайди. Бу атай қилинган ҳаракати аста-секин беихтиёр ҳаракатга айлана боради. У ўз мушоҳадалари ортидан «изма-из» бориб, охири ўзлигини тамом унутади. Хусусан, колхознинг боғига қараб, ҳосили мўл бўлса, пулиям мўл бўлади, деб ўйлайди. Чўнқаймиш тоғига қараб, қорга кўзи тушади. Чўнқаймишда қор кўп бўлса, сел ҳам зўр бўлади, дея хаёл қилади. Лекин қўшниси Қорабойнинг жар лабидаги уйини сел опкетмасайди, деб ташвишга тушади. Бир йили унинг сигирини, бошқа бир йили бузоғини сел оқизиб кетганини ўйлайди. Шундай бўлсаям унинг жар лабидан кўчмаётганини эслаб, Қорабойни тентакка чиқаради, отаси ҳам сал тентакроқ эди, деб ўйлайди. Аммо шу ўринда Мустафо характерини тўла очишда адибнинг руҳий таҳлил маҳорати етишмагани яққол сезилади. Қаҳрамон мушоҳадаларининг табиий-ихтиёрсиз оқими атай сунъийлаштирилади, механик равишда «тартиб»га солинади.

Афсуски, ёзувчи Мустафони атай ҳовлига — мол сўяётган Болта қассобнинг олдига қайтариш учун лалми қовун ва унинг пўчоғини ўйлаб чиқаради. Пўчоқ — топилма деталь, аммо сохта, ўз ўрнига тушмаган деталь. Қиссада адиб инсон табиатининг зиддиятли қатламларига чуқур кириб боради. Қаҳрамон юрагидаги турфа туйғулар ғалаёни, мураккаб руҳий-психологик ҳолатлар ва кечинмалар тасвирида оригиналликка интилади. Бироқ баъзи ўринларда персонаж қалб драмасини очишда ички кураш, руҳий таҳлил услуби имкониятларидан етарли даражада фойдаланмайди. Назаримизда, қизиқарли воқеа-ҳодисалар, психологик вазият-ҳолатлар фақат қизиқарли бўлгани учунгина адибни қизиқтираётгандек таассурот қолдиради.

Адабиёт — маърифий изланиш, инсоннинг маънавий юксакликка интилиш йўлидир. Бу йўлнинг ибтидоси бор, интиҳоси эса, чексиздир. Муайян ҳаётий муаммонинг чексизлиги унинг давомийлигидадир. Даврий узлуксизлик мавжуд жойда бирор ҳаётий-одатий ҳодисани чегаралаш, унга сўнгги нуқта қўйишга интилиш беҳуда. Шунингдек, асар бадиий конфликтини тайин этишда қўлланиладиган турли эстетик компонентлар ҳам ҳаётий зиддиятларни бадиий акс эттириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир. Драматик жиҳатдан кескин, ифодали акс эттирилган руҳий коллизиялар асарда ўзига хос юксак пафос вужудга келтиради.

«Азал ва абад» қиссасида Ғ. Ҳотамов қаҳрамон ички дунёсидаги ўзгаришларни муайян ҳаётий ҳодисаларга боғлаб акс эттиришга интилади. Асарда бугунги кун воқеалари, баъзи салбий ҳодисалар — гуруҳбозлик, худбинлик, ғаразли манфаатлар йўлида бирлашган кимсаларнинг жамият ва шахс фаолиятига етказган ижтимоий зарари, оқибатлари мураккаб характерли қаҳрамонлар тақдири орқали ифодаланади. Реал воқелик, конкрет ҳаётий ҳодисага муносабат нуқтаи назаридан Ғ. Ҳотамовнинг «Азал ва абад» қиссаси М. Дўстнинг «Мустафо» асаридан кескин фарқ қилади. «Мустафо»да бош қаҳрамоннинг қалб драмаси персонаж шахсий кечинмалари доирасидан чиқиб кетолмаган. Бу ҳодиса асарнинг ижтимоий-эстетик таъсирчанлигига путур етказган. «Азал ва абад»да эса, характер ва шароит мутаносиблиги бирмунча изчил бадиий талқин этилади...

**Мансур ТЕНГЛАШЕВ**

---

# МАЪНАВИЙ ҚАШШОҚЛИК БОИСИ

*Маданиятимиз ўзининг чиройли урф-одатлари, миллий таомил ва анъаналари билан ранг-барангдир. Шунинг учун ҳам ёшлар тарбиясини яхши йўлга қўйишда, уларнинг маънавий бойлигини оширишда шоирларимиз, мусаввиру архитекторларимиз зиммасига катта масъулият тушади. Бу нарса, айниқса, миллий муносабатлар, муаммолар ечими кун тартибига қўйилаётган бугунги кунда янада аҳамиятлироқдир.*

*Покланиш ва қайта қуриш даврида ёшларимиз маданий савиясини ошириш ва уларга тўғри таълим бериш борасида қилаётган ишларимиз етарлимикин, деган ташвиш менга ором бермайди. Негаки, ёшларимиз ўртасида ҳали маънавий қашшоқ, бахтни яхши еб, яхши кийинишда деб биладиганлар анчагина. Уларда янги, хунук андазаларга ҳирс қўйиш ҳоллари кўпроқ учраб турибди. Шу боисдан бўлса керак, ёш оилаларда ажралиш кўпаймоқда. Айниқса, қизларимиз ибо-ҳаё, иффат ва андиша каби зарур инсоний фазилатларни ўзларида мужассамлаштира олмаяптилар. Бунинг ўрнига кўплари беҳаё, беандиша, бетгачопар бўлиб қолмоқдалар. Бунинг сабаби нимада?*

*Бизнингча, қуйидаги сабаблар ушбу иллатга олиб келмоқда.*

*Фарзандларимиз, яъни ёшлар меҳнатдан йироқлашиб қолмоқда.*

*Бугунги турмуш тарзимиз болаларимизни ёшлигидан меҳнатга ўргата боришни тақозо этмаяпти. Мисол учун, қишлоқ шароитида ўсаётган ёшларимиз билан шаҳар шароитини солиштириб кўринг. Ҳамма фарзандларимиз ҳам, ноз-неъматлар тинимсиз меҳнат эвазига юзага келишини тушуниб етмаяптилар.*

*Ҳаттоки, меҳнат деганда баъзи ёшларимиз жинси-жисмига монанд меҳнатни эмас, балки енгил-елпи, кўпроқ пул тушадиган улгуржи ишлар билан шуғулланмоқдалар. Шунинг учун ҳам баъзи ёш, девдек басавлат йигитларимиз меҳнат қилишдан кўра магазин пештахталарида атторлик ва озиқ-овқатлар маҳсулотларини сотишни афзал кўрмоқдалар.*

*Биз ота-оналар фарзандларимизга ҳамма нарса мукаммал бўлсин деб, улар талаб қилганларини муҳайё қиламиз. Яхши кийим-кечак дейсизми, қимматбаҳо заргарлик буюмлари — ҳаммасини уларга ҳадя этамиз.*

*Шундай ота-оналар борки, ўзи емаса-ичмаса ва киймасаю болаларимга бўлсин деб, ўз қадрларини фарзандлари олдида ерга урадилар. Бундай ота-оналарни фарзандлари қадрлайди, деб ўйлайсизми. Асло йўқ!*

*Ота-оналари томонидан мана шундай эъзозланган ёшлар аслида безбет, такаббур бўлиб ўсмоқдалар. Кўпроқ ана шундай ёшларнинг оиласи таназзулга юз тутмоқда. Ёшларимиз ўртасида маданий меросимиздан ҳар томонлама тўла фойдалана оладиган, китобни севиб ўқийдиган, мусаввирларимиз санъатини завқланиб ўрганадиган, ўзининг маънавий гўзаллигини бойитадиган йигит-қизларимиз билан бир қаторда такасалтанг, енгил табиат, маънавий қашшоқлари ҳам афсуски учраб туради.*

*Улуғ шоиримиз Алишер Навоий ўз асарлари билан иффат, ҳаё-ибо, назокат борасида биз авлоддошларига бебаҳо мерос қолдирди. Лекин шу ўринда бир афсусли ҳолатни айтиб ўтмоқчиман. Шу улуғ зот номидаги навқирон Навоий шаҳрида беҳаё ҳайкаллар вужудга келди. Ушбу гўзал шаҳримизнинг ҳуснига-ҳуси қўшадиган мусаввирлар меҳнати керак экан, нега энди Алишер Навоийнинг «Саббаи-сайёра» сингари ноёб асаридаги етти гўзал тимсолини битиш ўрнига аёлларнинг ғарибона қип-яланғоч олти ҳайкали ўрнатилган? Маданият министрлигидаги мутасадди ўртоқлар бундан наҳотки бехабар бўлсалар?*

*Наҳотки, ўз молига харидор топа олмаган, маънавий қашшоқ мусаввирга кунимиз қолган бўлса. Ҳатто аёллар очиқ сувга тушиб чўмилганда ҳам либослари ўшанга мос бўлади-ку. Шаҳардаги фаввора четига ўрнатилган аёллар нусхаси эса қип-яланғоч. Балки мен ушбу ҳайкалларнинг мазмунига тушунмасман. Ахир, бундай дунёқараш буржуа мафкурасининг 20—30 йиллардаги тарғибот тарзини эслатади. Улуғ Навоий номи билан аталган шаҳар марказида бундай масхарабозлик, тўғрироғи, фоҳишавий ҳолатни кўз-кўз қилишдан мақсад нима?! Ахир, ижодкор (агар у ҳақиқий ижодкор бўлса) асари андазаси аввал муҳокама қилиниб, жамоатчилик кўригидан сўнг қаётга йўл олиши лозим-ку!*

*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ҳам мазкур хунук ҳолатга аччиқ танқид билан тўғри муносабат билдирилди. Билмадим, бу танқид ўша ердаги мутасадди ўртоқларга қандай таъсир этаркин?*

**Ҳабиба ИКРОМОВА,**
техника фанлари доктори,
профессор

Кришна Даял МЕЙНИ
(Ҳиндистон)

# АДОВАТ ТОШИ

*ҲАЖВИЯ*

Шунгача кўчанинг у юзидан ҳам, бу юзидан ҳам намойишчилар ўз маромида тинчгина ўтиб кетаётган эди. Мен биринчи бўлиб тош улоқтирганим заҳоти кўчани тўлдириб келаётган оломон гўё ўқдори тўлдирилган идишдай портлади. Ҳар томондан тош борми, ғишт борми, шиша борми — дўлдай ёғилди. Мен дарҳол намойишчилардан ажралиб чиқдим-да, тепаликка кўтарилиб, нималар бўлаётганини кузата бошладим.

Бу ердан бутун шаҳар кафтдагидек кўриниб турар эди. Энди одамлар қўлларига нима илинса, шуни: калтак, болта, пичоқ олиб, бир-бирлари билан қирпичоқ бўлмоқда эди. Мен эса бамайлихотир сигаретамни бурқситиб, қирғинни томоша қилиб туравердим. Ғазабга тўлган оломон тобора қутирар, бозордаги дўконларни бузар, автобус ва таксиларга ўт қўйиб, ёндириб юбормоқда эди.

Бироздан кейин ҳаммаёқни полициячи тутиб кетди. Тепасига карнай ўрнатилган енгил машиналар шаҳарнинг у ёғидан бу ёғига аридай учар, карнайлардан: «Биродарлар, тинчланинглар, ҳамма уй-уйига тарқалсин!» деган хитоблар янграрди. Намойишчилар эса, шаҳарнинг чекка гузарларигача етиб бориб, ўзларига қарши чиққан кишиларнинг уйларига ўт қўйиш билан овора эди.

Мен тепаликдан тушиб, шаҳарнинг қазо-казолари истиқомат қиладиган маҳалла томон равона бўлдим. Бир-бирига мухолиф икки гуруҳ ўртасида низо чиқаришим эвазига беш минг рупия пул мукофот беришга ваъда қилишган эди. Бели синмаган элликта юз рупияликни қўйнимга жойладим-да, оғзим қулоғимда, уйимга жўнадим. Кўчаларда ҳануз ур-йиқит, тўс-тўполон авжида эди. Менинг эса, парвойим фалак — йўлимда давом этдим.

Хуллас, ҳар тарафлама омадим чопган эди, чунки шундай қирғин-баротдан омон қолганим бир бахт бўлса, чўнтагимга мўмайгина пул тушгани иккинчи бахт эди.

Шундай ширин хаёллар билан маҳалламизга қандай етиб келганимни ҳам билмай қолдим. Мулишга етгач, донг қотиб қолдим: не кўз билан кўрайки, уйим аланга ичида қолиб кетган, қоп-қора тутун осмону фалакка ўрмаламоқда эди. Бола-чақаларимдан эса, ном-нишон йўқ эди.

Шунда миямга яшиндек бир фикр келди: ҳалиги тошни мен ўз уйимга отган эканман.

Ҳиндий тилидан **Шароф МИРЗАЕВ** таржимаси

## Чақир-чақирлар

«Амал курсисида ўтирганда ақллилик қилиб, пул ология панлари номи зоти бўлиб олган эдим, қариганимда у ёки бу ишларда моддий жиҳатдан ёрдам бермоқда».

*(Чала муллонинг эътирофи).*

«Лақаб — феодализм қолдиғи, у инсон қадрини ерга уради. Шунинг учун «ташмачи» деган ҳақоратли сўзни ишлатмаслик зарур».

*(Боғча ошпази ва қоровулининг редакцияга юборган хати).*

«Сихга олтита эмас, бешта жаз тортилгани учун шашликни пашлик *(панжшлик)* дейиш керак».

*(Хўранда таклифи).*

«Илҳом билан лекция ўқиётган эдим, бир бетамиз: «Биродар, одамларни ухлатишга уста экансиз, боғчамизга ишга ўтмайсизми?» деб таклиф қилди».

*(Лектэрнинг гинаси).*

«Муза — илҳом париси Тошкент шевасидаги муза, вуза *(масалан, боровуза, келамуза)* сўзидан олинган бўлиши эҳтимолдан холи эмас».

*(Тилшунос домуллонинг мақоласидан).*

«Ҳозир порахўр зоти шу қадар кўпайиб кетдики, бир порахўрни урсанг, иккинчисининг устига йиқилади».

*(Аҳмад полвоннинг гапидан).*

«Кўричагимни олиб ташлаган дўхтир юз сўм сўради, кўр бўлгур».

*(Беморнинг шикояти).*

«Ҳурматли редакция! Яқинда ўзидан-ўзи сийрак сочим қалинлашиб қолди. Бир-икки марта ёмғирда юрган эдим, кейин телевизорда Кашпировскийни ҳам кўрдим. Сочимнинг ўсишига Кашпировский ёрдам бердимикин ёки ёмғирнинг ишимикин?.. Шуни кимдан сўрасам бўлади?».

*(Редакцияга келган хатдан).*

«Асқар полвон тўрт юз кило тошни кўтарса ҳам бир оғиз гапимни кўтаролмади».

*(Дилозор кишининг ҳайрати).*

*А. ИСОМИДДИНОВ*

# ЛАТИФАЛАР

Овқатланиб ўтирган қўшниси Афандини дастурхонга таклиф қилди:

— Насриддин почча, қайнанангиз суяр экан, ўтиринг.

— Эй, қўшнижон, — деди Афанди йиғламсираб, — қайнанам суйса, уришқоқ қизини менга берармиди!

* * *

Афанди автобусда ҳамёнини суғираётган киссавурнинг қўлини ушлаб қайирди.

— Отахон, кечиринг, сизнинг чўнтагингиз эканини билмабман, — деб ингради киссавур.

— Ўзингнинг чўнтагинг эмаслигини ҳам билмадингми, ҳароми! — деб унинг чаккасига тарсаки тортиб юборди Афанди.

## ТУРФА ҲАНГОМАЛАР

### *Ширкат носи*

Бир оғайним ҳикоя қилди:

— Бозорга киравериштдаги шинам дўконча назарим тушди. Дўконча тепасига катта ҳарфлар билан «Ширкат» деб ёзиб қўйишибди. Бирор ноёб нарса сотишаётгандир, деган умидда ичкарига кирдим. Ҳеч вақо йўқ, фақат кичкина яшил қопчаларда нималардир териб қўйилибди. Улардан бирига бармоғим билан туртиб:

— Бу нима? — деб сўрадим сотувчи йигитдан. — Новвотга ўхшайди.

Сотувчи илжайди:

— Эй, амаки, новвотни эслаб нима қиласиз, у анчадан буён йўқ. Буям йўқ эди-ку, бир илож қилиб савдога қўйдик.

— Нима бу ўзи?

— Буни носвой дейдилар, амаки. Носвой бу, қани, олиб қолинг!

— Эй, ўргилдим! — дедим. — Ширкат фойдали нарса чиқармай, ўзини носга ургани нимаси!

### *Эски танишлар*

Ширкат дўконида савдо қилаётган сотувчига биров тўппонча ўқталди:

— Жонингдан умидинг бўлса, пулни чўз!

Сотувчи ўғрини таниб қолиб илжайди:

— Ҳой, ҳой, Содиқ иним, мени танимай қолдингми? Ўз оғайнингни-я, ахир лагерда иккаламиз бирга ўтирган эдик-ку?

Эски қадрдонлар қучоқлашиб кетдилар.

### *Севишнинг сабаби*

Йигит бирга юрган қизига деди:

— Ҳар қандай қизни севиш учун ўзига яраша сабаблар бўлади, албатта!

Қиз йигитга ажабланиб боқди:

— Қани, айтинг-чи бўлмаса... Сиз мени қайси сабаб билан севдингиз?

— Эйй... Сизними? Севдим-да, сабаби: ойингиз паловни боплаб пиширар эканлар, ўша палов сабаб бўлиб, сизни севиб қолганман.

### *Тўтининг қилиғи*

Бола мактабдан қайтаётганда онаси уни хафа ҳолда қарши олди:

— Ўғлим, хафа бўлма, тўтиқушинг деразадан учиб чиқиб кетди.

Бола оғир нафас олди:

— Ўзим ҳам қочиб кетади, деб ўйлаган эдим. Кеча жўғрофиядан дарс тайёрлаётганимда у елкамга қўниб олиб глобусга тикилиб қараётган эди.

### *Кўзгу*

Еши ўтган бир аёл мебел дўконида кўзгуга боқиб ёнидаги чолига деди:

— Ойналарни ҳозир жуда сифатсиз ясайдилар. Кишини кексартириб кўрсатади. Бундан ўттиз йиллар аввал бир кўзгуга қараганимда гўзал, ёш кўрсатган эди, эсизгина...

— Тўғри, мени ҳам қари қилиб кўрсатаяпти, — деди чол кўзини қисиб.

Тўпловчи **Турғунбой ҒОЙИПОВ**

# МУҲТАРАМ ЖУРНАЛХОН!

*Рассом В. М. Васнецов: «Ўз тарихини унутган, қадрига етмаган ва севмаган халқдан ёмони йўқ!» — деб таъкидлаган эди. Ҳозир жумҳуриятимизда халқимиз тарихи, маданияти билан боғлиқ бўлган кўплаб маданий меросимиз битилган эски ўзбек ёзувига қизиқиш ғоят қувончли воқеадир.*

*Биз ана шу жараённи эътиборга олиб, журналимиз саҳифаларида эски ўзбек алифбосида мухтасар матнлар, ғазаллардан намуналар ҳамда шингил ҳикоя ва латифалар чоп қилиб боришни маъқул кўрдикким, улар сизнинг мустақил мутолаа қилишингиз учун яна бир имкониятдир.*

اوقیشنی اورگندینگیزمی؟

اوزبیکستان

اوزبیکستان شورالر مملکتی نینگ جنوبیده، جایلشگن اون بیش قرداش جمهوریتلردن بیریدیر. اهالیسی قریب بیگیرمه ملیون کیشینی تشکیل قیله دی. پایتختی — تاشکند شهری. اونی "شرق دریازه سی" هم دییدیلر. اهالیسی ایکی ملیون کیشیدن زیاد، صناعتی رواجلنگن، کورکم شهر. بو یرده خلق ارا انجعلر تیز — تیز اوتکزیلیب توریله دی.

معلومکه، اوزبیکستان‌نینگ بخارا، سمرقند، خیوه و خوقند شهرلریده گی قدیمی معمارچیلیك نمونه لری دنیاگه مشهور. قدیمی شرق معمارچیلیگی نینگ سقلنیب قالگنلری هنوز کیشیلرنی حیرتگه ساله دی.

اوزبیکستان لیکلر ینه بیر قووانچلی موفقیتنی قولگه کیریتدیلر. جمهوریتیمیزده، اوزبیك تیلیگه دولت تیلی مقامی بیریلدی.

**Шу сондаги суратларга шеърий тагсўзларни Эргаш МУҲАММАД ёзган.**



## КРОССВОРД

**ЭНИГА:** 3. Муқимий асари. 6. Баён этилаётган ҳодисани бўрттириш. 7. Миллий ширинликлар тайёрловчи пазанда. 10. Қадимда само жисмларини кузатиш, ўрганиш олиб борилган махсус бино. 14. Баъзи турлари манзарали ўт туркуми. 17. Еввойи ҳолда ўсувчи гул. 18. Бухоро яқинидаги кўҳна шаҳар харобаси. 19. XIX аср ўзбек шоири, «Калила ва Димна» асари таржимони. 20. Эчкилар туркумига мансуб ноёб жонивор. 24. Миллий таом. 25. Ғалла экинлари касаллиги. 26. Ироқнинг Фрот дарёси водийсидаги шаҳар. 29. Табобат соҳаси. 30. Хоразм вилоятидаги ноҳия. 31. Ўзбек қизлари орасида кенг тарқалган исм. 32. Иттифоқдош жумҳурият.

**БЎЙИГА:** 1. Ўзбек ҳажвгўй шоири Махмур асари. 2. Бухоро вилоятидаги шаҳар, ноҳия маркази. 4. Катта Фарғона каналини сув билан таъминловчи тўғон. 5. Марказий Африка жанубидаги вилоят. 8. Одилона ва холисона иш тутиш. 9. Танзания пойтахти. 11. Жанубий Осиёда тарқалган, судралиб юрувчи жонивор. 12. Чумчуқсимонлар туркумига мансуб қуш. 13. Заҳарли илон тури. 15. Атоқли совет олими, уруғшунос. 16. Иттифоқдош жумҳурият пойтахти. 21. Сувсарлар оиласига мансуб, мўйнали йиртқич. 22. Ола — тарғил от зоти. 23. Шаффоф оч-яшил қимматбаҳо тош. 27. Маълум асарга ўхшатма жавоб тариқасида ёзилган асар. 28. Ёзув ашёси.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

## 12-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

**ЭНИГА:** 3. Қаламча. 6. Чилангарлик. 10. Якдил. 11. Қамар. 16. Ургут. 17. Фазилат. 18. Анзоб. 19. «Ултургуси». 20. Зарғалдоқ. 22. Коряк. 23. Андижон. 24. Жилов. 27. Ховос. 28. Ғарам. 31. Шаҳрихонсой. 32. Пирашон.

**БЎЙИГА:** 1. Масала. 2. Шчорс. 4. Бигиз. 5. Тикан. 7. Гадоий. 8. Аккумулятор. 9. Байналминал. 12. «Ёрилтош». 13. Харсанг. 14. Саратон. 15. Боботоғ. 21. Жиззах. 25. Чопар. 26. Чалоб. 29. Аршин. 30. Янтоқ.

МУҚОВАДА:

**Биринчи бет:**

*«Баҳор» қизлари.*

**Р. Готов сурати**

**Тўртинчи бет:**

Темур дарвозаси *(Жиззах ва Ғаллаорол ноҳиялари сарҳадидаги манзара).*

**Р. Нуримбоев сурати**

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталаридан фойдаланилди.

Босмахонага туширилди 21.11.1989 й. Босишга рухсат этилди 26.12.89 й. Р-12179. Қоғоз формати 70×108 1/16. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 142009. Буюртма № 2006. А—127. Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент — П, «Правда» кўчаси, 41.

Ғаллаорол ноҳиясидаги Ленин номли совхоз сут-товар фермасининг илғор сут соғувчилари Салима Ражабова ва Нормомо Абдураимова.

Р. Нуримбоев сурати

Бойсун кўйларининг юнги сифатлилиги билан аъло баҳоланади.

А. Губенко сурати

Эшакнинг сўзи:

*Хизматим беминнат, меҳнатим ҳалол,*
*Мен ошган довонлар юксакдан юксак.*
*Тоғда нима бор, деб келмасин малол,*
*Табиат, соф ҳаво менга ҳам керак.*

М. Болтабоев сурати



Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233